ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 81’271:81’42 (043.3)

ТУРДИЕВА ҲУЛКАР КОМИЛОВНА

НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

(ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА)

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: ф.ф.д., проф. С.Р. Сотиболдиева

ТОШКЕНТ - 2020

МУНДАРИЖА:

КИРИШ 3

I БОБ. НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ 15

1.1. Жаҳон тилшунослигида нутқий этикет бирликлари (“Politeness”)нинг илмий-назарий асослари ва тамойиллари 15

1.2. Ўзбек нутқий этикет бирликларининг манбавий ва илмий-назарий асослари 43

1.3. Форсий таорифларнинг лингвомаданий хусусиятлари 53

I боб бўйича хулосалар 60

II БОБ. ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ НУТҚИЙ ЭТИКЕТ АКТЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ 62

2.1. Саломлашув бирликларининг лингвопрагматик хусусиятлари 62

2.2. Хайрлашув нутқий этикет актининг лингвопрагматик хосликлари 72

2.3. Мулозамат (хушомад, алқаш, мақташ, камтарлик) нутқий этикет актининг лингвопрагматик жиҳатлари 79

2.4. Мурожаат шаклларининг лингвопрагматик таҳлили 95

II боб бўйича хулосалар 105

III БОБ. НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ ВА ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ 107

3.1. Ўзбек ва форс нутқида нутқий этикет бирликларининг қўлланиш стратегиялари 108

3.1.1. Норасмий мулоқотда нутқий этикет бирликларининг қўлланиш стратегиялари 108

3.1.1.1. Меҳмондорчиликда ишлатиладиган нутқий этикет бирликлари 109

3.1.1.2. Совға бериш ва алмашиш жараёнида қўлланадиган нутқий этикет бирликлари 142

3.1.2. Расмий мулоқотда қўлланувчи нутқий этикет бирликлари 151

3.2. Ўзбек ва эрон халқнинг нутқий этикет бирликларига бўлган муносабатлари 156

3.2.1. Ўзбекларнинг нутқий этикет бирликларига доир муносабатлари 156

3.2.2. Форс тили вакилларининг таорифга бўлган муносабатлари..... 158

III боб бўйича хулосалар 160

ХУЛОСА 163

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 166

ИЛОВАЛАР 182

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида прагмалингвистика доирасида ўрганилувчи нутқий этикет бирликлари мавзусида тадқиқотларнинг юзага келиши нутқ масалаларининг ўзига хосликларни янада теранроқ англашга хизмат қилади. Хусусан, турли халқ вакилларининг ўзаро ижтимоий, сиёсий дипломатик, гуманитар, иқтисодий, маданий алмашинув, туризм каби бугунги кунда кўп давлатларнинг янада ривожига туртки бўлаётган алоқаларда ҳар бир халққа хос нутқий этикет тамойилларини ўрганиш, нутқий этикетдаги ўзига хосликлар, ўхшашлик ва фарқларни чоғиштирма метод асосида лингвопрагматик аспектда тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида XX аср бошларидан мулоқотда маданий ва когнитив тушунмовчиликларнинг олдини олиш, ҳар бир миллатнинг тил ва маданияти тамойиллари муайян стандартлардаги қолипга эмас, балки ўзига хос, индивидуал қонун-қоидаларга бўйсунишини илмий ва амалий жиҳатдан мушоҳада қилиш мақсадида ўтган аср бошларидан Узоқ Шарқ ва Ғарб тилшунослигида Politeness (Нутқий этикет) ва Face (Ҳурмат ифодаси) концепциялари фанга кириб келди. Тилнинг маданий ҳолатини акс эттирувчи нутқий этикет бирликларини икки ва ундан ортиқ тиллар мисолида қиёсий ёки чоғиштирма ўрганиш лингвопрагматиканинг муҳим йўналишларидан саналади.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар тилшунослик равнақига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Турли халқлар нутқини чоғиштирма ва қиёсий аспектда тадқиқ қилиб, улар асосида халқлараро муносабатлар ривожи ва ўзаро таъсир қирраларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш борасида кенг қамровли имкониятлар юзага келди. Зеро «...халқаро” миқёсда динлараро ва цивилизацияларараро мулоқотни йўлга қўйиш... жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида

тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади»[1] Ўзбекистон республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тилшунослик соҳаларида ҳам илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга имкониятлар яратди. Шу нуқтаи назардан форс ва ўзбек тилларидаги нутқий этикет бирликлари тадқиқи нафақат ижтимоий мулоқот, балки сиёсий-дипломатик муносабатларда ҳам зарурий ва долзарб масалаларга ойдинлик киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-

[1]Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилиари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017 йил. 4 август.

маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. “Нутқий этикет бирликлари” япон, хитой тилшунослигида XX асрнинг 20-йиллардан, жаҳон тилшунослигида 60-йиллардан бери долзарб мавзу ва қизғин бахс сифатида ўрганилиб келинмоқда. Жаҳон олимлари томонидан шу кунгача амалга оширилган тадқиқот муаллифларидан канадалик Эрвинг Гоффман биринчи марта “face” (ҳурмат ифодаси) тушунчасини илгари сурди. Калифорниялик Робин Лакофф Европада хушмуомалалик назариясини яратди. Америкалик П.Браун ва Британиялик С.Левинсон нутқий этикетнинг универсал тамойилларини ишлаб чиқдилар. Шунингдек, П.Грайс, Ж.Томас, Г.Лич, А. Виерзбика, Б.Фрасер, Ж.Кулпепер, Л.Лачеником, Ж.Мартин, М.Сифанау, Х.Оатей, Р.Ватс, япон тилшуносларидан С.Иде, Л.Мао, Й.Мацумото, С.Фукушима, С.Санада, Н.Китамура, Оно Масаки ва рус тилшуносларидан Т.Ларина, А.Щукин, И.Романова [2] кабиларнинг тадқиқотлари ҳам соҳадаги салмоқли натижалардан ҳисобланган.

[2] Goffman E. International ritual: Essays in face-to-face behavior. – New York: Pantheon Books, 1967. – P. 9-10.; Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.; Brown P., & Levinson S. Universals in Language usage: Politeness phenomena. – London, 1978. – 345 p.; Grice P. Studies in the Way of Words. – Cambridge: Harvard University Press, 1989. – P. 22-41.; Thomas J. Cross-cultural Pragmatic Failure // Applied Linguistics. - California, 1983. - №. 4(2). – P. 112.; Wierzbicka A. Different cultures, different languages, different speech acts: Polish vs. English // Journal of Pragmatics. 1985. – № 9. – P. 145-178.; Fraser B. Perspectives on Politeness // Journal of Pragmatics, 1990. – № 14. – P. 219-236.; Lachenicht Lance G. Aggravating language. A study of abusive and insulting language // Papers in Linguistics: International Journal in Human Communication, 1980. – № 13(4). – P. 607–687.; Joos M. The Five Clocks. – Bloomington: Indiana University Research Center, 1962. – 108 p.; Oatey H. Culturally Speaking: Culture, Communication and Politeness Theory // Continuum. – London, 2008. – № 2. – P. 20-27.; Chen R. Responding to compliments: A contrastive study of politeness strategies between American English and Chinese speakers // Journal of Pragmatics, 1993. – № 20. - pp. 49–75.; Watts R. J., Politeness: Key Topics in Sociolinguistics, repr. ed.- Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – P. 36-38.; Ide S. Formal forms and discernment: Two neglected aspects of linguistic politeness // Multilingua. – Sydney, 1989. – № 8(2/3). – P. 223-248.; Mao L. Beyond politeness theory: `Face' revisited and renewed // Journal of Pragmatics, 1994. – № 21. – P. 451-486.; Matsumoto Y. Re-examination of the universality of face: Politeness phenomena in Japanese // Journal of Pragmatics. – Amsterdam, 1988. – № 12. – P. 403-426.; Hill B., Ide S., Ikuta S., Kawasaki A., & Ogino T. Universals of linguistics politeness: Quantitative evidence from Japanese and American English // Journal of Pragmatics. – Amsterdam, 1986. – № 10 (3). – P. 347-371.; Fukushima S. and Iwata Y. Politeness in English // JALT Journal, 1985. – Volume 7. - № 1. - P. 5.; MatsumotoY. Politeness and conversational universals: Observation from Japanese // Multilingua. 1989. № 8-2. - P. 207-221.; Sanada S. The dynamics of honorific behavior in a rural community in Japan. Multilingual-Journal of Cross-Cultural and Interlanguage Communication, 12(1). – Tokyo: 1993. – P. 81-94.; Kitamura N. Adapting Brown and Levinson’s ‘Politeness’ Theory to the Analysis of Casual conversation // Proceedings of ALS2k. The 2000 Conference of the Australian Linguistic Society, 2017.; Tsujimura T. Nihongo no kēgo no kōzō to tokushoku, In S. Ōno & T. Shibata (Eds.), Iwanami Kōza Nihongo 4: Kēgo. – Tokyo: Iwanami Shoten, 1977. – P. 45-94.;

Эрон тилшуносларидан С.Коутлаки, Р.Саҳрагард, С.Ходге, Р.Ассади, М.Хиллман, О.Биман, А.Рафие, М.Асдсжоти, З.Акбари, Р.Эслами, Ф.Шарифиан, М.Алиакбари, К.Сабери, М.Кешаварз, Г.Нонбахш, З.Аҳмади, К.Миллер ва бошқаларнинг[3] таорифга бағишланган тадқиқотлари мавжуд.

Ўзбек тилшуносларидан А. Ғуломов, Ш. Раҳматуллаев, К. Назаров, А. Ҳожиев, С. Усмонов, Р. Қўнғуров, Ё. Тожиев, Р. Икромова, Ғ. Зикриллаев, Б. Юсупов, С. Мўминов, Э.Бегматов, Т.Қудратов, Н.Маҳмудов, Б.Ўринбоев, А.Арипова, Р.Расулов, Қ. Мўйдинов, Х. Ҳожиева, Ш. Содиқова, С.Мўминов,

Yoshiyuki A., Mayumi U., Fumio I. Handbooks of Japanese Language and Linguistics. – Tokyo, 2018. – 600 p.; Yuan Y. Responding to compliments: A contrastive study of English pragmatics of advanced Chinese speakers of English // In Proceedings of the Annual Boston University Conference on Language Development, 20. – Boston, 1996. – P. 861–872.; 小野正樹. 日本語教育原論. 日本語の敬語の変化.筑波大学。2016 年 12 月 14 日.;小野正樹／編 李奇楠／編. 言語の主観性　認知とポライトネスの接点. 2016 年 6 月.; Ларина Т. В. Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английский и русских лингвокультурных традиций. – Москва: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – 136 с.; Щукин А. Н. Методика обучения речевому общению на иностранном языке: учеб. пособие для преподавателей и студентовязыковых вузов. – Москва: Икар, 2011. – 454 с.; Романова И. А. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология. – Москва: Флинта: Наука, 2009. – 304 с.

[3] Koutlaki S. The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.; Sahragard R.. A cultural script analysis of a politeness feature in Persian. Proceeding of the 8th Pall conference in Japan. – 2004. – P. 399-423.; Hodge C. Some aspects of Persian style // Language, vol. 33. 1957. - P. 335-369.; Assadi R. Deference: Persian style // Anthropoligical linguistics, 1980. – volume 22. – P. 221-224.; Hillmann M.C. Language and social distinctions in Iran. In M. Bonine and N.R.Keddie (eds), Modern Iran: Te Dialectics of Continuity and Change. – Albany: State University of New York Press, 1981. – P. 327–340.; Beeman W.O. Language, status and power in Iran. - Bloomington: Indiana Univeristy Press, 1986.; Rafiie A. Variables of communicative incompetence in the performance of Iranian learners of English and English learners of Persian. Phd thesis. – London: University of London, 1992.; Asdjodi M. A comparison between ta'arof in Persian and limao in Chinese // International Journal of the Sociology of Language. – Germany, 2001. – № 148. – P. 71-92.; Akbari Z. The Realization of Politeness Principles in Persian. - Isfahan, 2002.
https://www.researchgate.net/publication/252820379_The_Realization_of_Politeness_Principles_in_Persian; Eslami R.Z. Face-keeping strategies in reaction to complaints: English and Persian // Journal of Asian Pacific Communication, 2004. – №14 (1). – P. 179–195.; Sharifian F. Cultural schemas and intercultural communication: A study of Persian. In J. Leigh and E. Loo (eds), Outer Limits: A Reader in Communication and Behavioracross Cultures. – Melbourne: Language Australia, 2004. – P. 119–139.; Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. - 314P. ; Keshavarz M.H. The role of social context, intimacy, and distance in the choice of forms of address // International Journal of the Sociology of Language, 2001. – № 148. – P. 5–18.; Nanbakhsh G. Persian Address Pronouns and Politeness in Interaction. Ph.D. dissertation. – Edinburgh: University of Edinburgh, 2011. – 231 p.; Ахмади З. Вежливость и понятие «Таароф» в иранской культуре // Наука и Школа, 2014. – № 3. – С. 102–106.; Corey M., Rachel S., Mark V., Claudia M. Ritualized Indirectness in Persian: taarof and related strategies of interpersonal management. – Maryland: University of Maryland, 2014. – 56 p.; Rafiie A. Variables of communicative incompetence in the performance of Iranian learners of English and English learners of Persian. – London: University of London, 1991.- 750 p.

Б.Х. Рахматиллаева, М.М. Саидхонов, М.Ҳакимов, Г.Тоирова ва бошқаларнинг[4] тадқиқотлари нутқий этикет, нутқ одоби мавзуларига қаратилган.

Нутқий этикет бирликларини шарқшунослик, ўзбек тилшунослиги ютуқларига суянган ҳолда лингвопрагматик тадқиқ қилиш бугунги кунда муҳим ишлардан саналади.

К. Саберининг “Routine Politeness Formulae in Persian[5]” – (Форс тилида кундалик мулойимлик формулалари) мавзусидаги диссертациясида нутқий этикет бирликлари социологик ва лексик жиҳатдан ўрганилган бўлса, С.Коутлакининг “The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers[6]” (Форс тили мулойимлик системаси ва фейс тушунчаси, она тили форс тили бўлган эронликларга инглиз

[4] Ғуломов З. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент, 1944. – Б. 56.; Раҳматуллаев Ш. Ҳурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти.– Т., 1973. №1. – Б.28–30.; Назаров К. Притяжательные аффиксы узбекских народных говорах: Диссертация. – Тошкент, 1963.; Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 26 б.; Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари // Низомий номидаги ТДПИ илмий асарлар. – Тошкент, 1964. – Б. 126–127.; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Тошкент, 1992.- 160 б.; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 160 б.; Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент: ТошДУ, 1992. 68 б.; Икромова Р. Ўзбек тилида отларнинг синтетик, аналитик ва функционал формалари. – Тошкент: Фан, 1985. - 120 б.; Зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс, сон ва ҳурмат категориялари системаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 111 б.; Юсупов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVII вв.). – Ташкент: Фан, 1991. –147 с.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Диссертация. –Тошкент, 2000. – 235б.; Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти. Диссертация. – Самарқанд, 2001. – 130 б.; Содиқова Ш. Ўзбек тилида ҳурмат маъносининг ифодаланиш усуллари. Диссертация. – Тошкент, 2008. – 142 б.; Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. –Тошкент: Ўзбекистон, 1980.- 40 б.; Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982.; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984.- 104 б.; Искандарова Ш. Ўзбек нутқи одатининг мулоқот шакллари. Автореферат. – Самарқанд: 1993. – 25 б..; Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари.– Тошкент : Маънавият, 1999. – 64 б.; Бегматов Э. Олий таълим тизимида нутқ маданиятининг ўрни. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999.; Арипова А. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари. Автореферат. – Тошкент, 2002.; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 188 б.; Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2011. – 63 б.; Мўйдинов Қ. Ўзбек тили суд нутқи лексикаси. Диссертация. –Тошкент, 2019. – 142 б.; Рахматиллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским). Автореферат. – Ташкент, 1992. – 18 с.; Саидхонов М.М. Новербал масалалар ва ўзбек тилида уларнинг ифодаланиши. Автореферат. – Тошкент, 1993. – 26б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2016. – 92 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика.- Тошкент, 2008. – 317 б.; Ҳусанов Б., Ғуломов В. Муомала маданияти. – Тошкент: Таълим, 2009.– 154 б.; Ҳакимов М. Синтагматические и прагматические особенности узбекских научных текстов. Автореферат. 1993. – 30 с.; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 176 б. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Автореферат. – Тошкент, 2017. – 50 б.

[5] Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. – 314 p.

[6] Koutlaki S.The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. – Cardiff, 2015. – 173 p.

тилини ўргатиш манбалари) мавзусидаги тадқиқотида форс тилига хос таориф ғарб этикет бирликлари билан қиёсланиб, фейс назариясига асосланган ҳолда тадқиқ қилинган.

Ҳ.Ҳожиеванинг "Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти" [7] мавзусидаги номзодлик диссертациясида ҳурмат майдони воситалари структур ва семантик-функционал жиҳатдан ўрганилган бўлса, С.Мўминовнинг "Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлар"[8] номли тадқиқотида мулоқот хулқи муаммосининг назарий масалалари, психолингвистик аспектлари, ҳудуд ва жинс жиҳатдан хосланишлар баҳсга тортилган.

Лекин юқорида санаб ўтилган ҳамда чет элларда амалга оширилган тадқиқотларда нутқий этикет бирликларининг прагматик асослари чоғиштирма аспектда комплекс тарзда ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади форс ва ўзбек тилларида оғзаки нутқ этикетини батафсил ўрганиш, ҳар икки тилда нутқий этикет бўйича концепция тузиш учун манбалар тўплаш ҳамда уларни илмий ва амалий далиллаб, лингвопрагматик жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

[7] Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти. Диссертация. – Самарқанд, 2001. – 130 б.
[8] Мўминов С. М.. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Диссертация. –Тошкент, 2000.- 235 б.

жаҳон тилшунослигида нутқий этикет бирликларининг илмий-назарий аспектларини атрофлича ёритиш, уларнинг хусусиятлари ва тамойилларни аниқлаш, таҳлил қилиш;

форс ва ўзбек тилларида саломлашув, хайрлашув, мулозамат, мурожаат нутқий этикет лингвопрагматик тадқиқини амалга ошириш;

расмий ва норасмий мулоқотда нутқий этикет бирликларининг қўлланиш стратегияларини ёзма ва оғзаки манбалар асосида тадқиқ этиш;

нутқий этикет бирликларига ўзбек ва эрон халқларининг объектив муносабатларини ўрганиб, қўлланилиш частотасини гендер ва ёш жиҳатдан таснифлаш;

икки халқ вакиллари иштирокида интервью, сўровнома ва саҳна кузатуви каби амалий натижаларга эришиш.

Тадқиқот объекти. Форс ва ўзбек тилларидаги нутқий этикет бирликлари (таорифлар) ҳисобланади.

Тадқиқот предметини форс ва ўзбек тилларида нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик хусусиятлари, стилистик ва ситуацион дифференцияланиши, этикет стратегияларининг ўзига хос функционал жиҳатларини ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифий, компонент таҳлил, чоғиштирма-типологик ва эмпирик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

ўзбек ва форс тиллари материалларини чоғиштириш натижасида индивидуал фикрлар (директив (аслида “Bald on”) ва нодиректив (аслида “Record off”) стратегиялари) илгари сурилиб, монографик тавсифи мисоллар асосида далилланган;

нутқий этикет бирликларининг (форс тилида: таориф) тамойиллари, қўлланилиш стратегиялари, субстратегиялари, фейс ифодаси, FTA (Face

threatening acts - фейсга таҳдид солувчи ҳаракатлар) ва FSA (Face saving acts-фейсни сақловчи ҳаракатлар) назариялари форс ва ўзбек тилига татбиқ қилинган ва ашёвий мисоллар билан аниқланган;

форс ва ўзбек тилларида саломлашув, хайрлашув, мулозамат бирликлари ҳамда мурожаат шакллари акс этган нутқий актлар лингвопрагматик нуқтаи назардан текширилиб, икки тил нутқий этикет бирликларидаги универсалия, характерология, уникалиялар ҳамда алломорф ва изоморфлар мисоллар асосида исботланган;

нутқий этикет бирликларининг ҳар икки қўлланиш ўринлари, стилистик, гендерологик, коммуникатив жиҳатдан турлари оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида эмпирик усулда жадвал асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Нутқий этикет бирликларининг илмий-назарий аспектлари жаҳон, форс ҳамда ўзбек тилшунослигида мавжуд ғоялар асосида ўзбек ва форс нутқ актлари ҳамда расмий ва норасмий мулоқотда нутқий этикет бирликларининг ўзига хос лингвопрагматик хусусиятлари далилланган.

Диссертацияда тўпланган материаллар ва тақдим этилган хулосалар ўзбек ва форс тилларида нутқий этикет бирликлари бўйича қўлланма, луғатларини тузишда ҳамда бу тилларда дарслик ва қўлланмалар яратишда манба сифатида хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган тадқиқ усуллари ҳамда уларда келтирилган илмий маълумотларнинг ишончли манбага таянилганлиги, форс ва ўзбек тиллари нутқий этикет бирликлари бўйича амалга оширилган таҳлиллар тавсифий, компонент таҳлил, қиёсий-типологик ва эмпирик методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, келгусида қиёсий ва

чоғиштирма тилшуносликда прагматика, прагмалингвистика, лингвопрагматика йўналишларидаги изланишлар, шу билан бирга нутқий этикет бирликлари мавзуси бўйича тадқиқотлар учун манба ва назарий асос вазифасини бажаради. Тадқиқот ишида эришилган натижалар ва келтирилган хулосалар ҳар икки тилнинг прагматика соҳасида ҳамда этикет бирликларига оид бир қатор масалаларга ойдинлик киритади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мавзунинг чоғиштирма услубда ўрганилиши нафақат бир миллат тилшунослиги, социологияси ва маданиятини чуқурроқ англашга, балки солиштирилаётган миллат тилининг ўзига хос томонлари ҳам инобатга олиниб, тилшунослар, хорижий тил ўқитувчилари, тил ўрганувчи хорижликлар, саёҳатчилар, қизиқувчилар учун муҳим социологик ва лингвистик манба бўлиб хизмат қила олади. Бу тадқиқот асосида тил ўрганувчилар, саёҳатчилар, дипломатлар учун муҳим бўлган нутқий этикет қоидалари бўйича қўлланма яратилиши иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамда маданий муносабатларда силлиқликни таъминлаши ва мазкур мавзунинг келажакда чуқурроқ тадқиқ этилишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Диссертациядаги хулосалар олий ўқув юртларида «Асосий ўрганилаётган тил (форс/ўзбек тили)», «Форс/ўзбек тили амалиёти», «Чоғиштирма тилшунослик», «Форс/ўзбек тили нутқ маданияти» сингари фанлар ва махсус курсларни ўқитишда материал бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (форс ва ўзбек тилидаги материаллар асосида) бўйича олинган натижалар асосида:

ўрта асрларда Эронда мулоқот одоби тамойилларининг идоравий ва ижтимоий мезонларга эга эканлиги тўғрисидаги илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, 2020 йил 17

мартдаги 89-03-1130-сон маълумотномаси). Натижада ўрта асрларда Эронда тил вазияти ва унинг ўзига хосликлари ҳамда ўша кезларда қўлланган идоравий этикет масалаларни очиб беришга асос бўлган;

тадқиқотдаги жаҳон тилшунослигида нутқий этикет бирликлари (“politeness”)нинг илмий назарий асослари ва тамойилларига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Республика Тожик миллий маданий маркази томонидан ўтказилган «Тил миллат кўзгусидир» мавзусидаги анжуман материалларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар жамоат бирлашмаси Республика тожик миллий маданий марказининг 2019 йил 9 октябрдаги 01-73-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий истиқболларга эришишларига тадқиқот натижалари фойдали манбалардан бири бўлиб хизмат қилган;

форс ва ўзбек тилларида турли нутқий актларда нутқий этикет бирликларининг қўлланилиш стратегияларига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканалида эфирга узатиладиган «Оқшомга қадар» дастури “Ёшлар меҳмонхонаси” эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканалининг 2019 йил 12 ноябрдаги 14-03-392-сон маълумотномаси). Натижада радиоэшиттиришлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 12 та илмий иш нашр этилган, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 181 саҳифани ташкил этади.

Транскрипция ҳақида: Форс тили араб алифбосига асосланган ёзув системасига эга. Диссертациядаги мисоллар асл ёзувида келтирилган бўлиб, шунингдек, форс тилига оид тадқиқотларда қўлланилган лотин алифбосидаги халқаро транскрипциядан[9] фойдаланилди.

[9] Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: Восточная литература, РАН, 2001. – С. 67.

I БОБ. НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

1.1. Жаҳон тилшунослигида нутқий этикет бирликлари (“Politeness”)нинг илмий назарий асослари ва тамойиллари

Тил ва унинг ҳосиласи бўлган нутқ кишилик жамиятининг муҳим алоқа воситаларидан бири ҳисобланади. Нутқда инсоннинг маданияти, одоби, билими, хулқ-атвори акс этади. Бу инъикос тилшуносликда “Нутқий этикет” (“Politeness”) тушунчаси орқали ифодаланади. Инглиз тилида “Politeness” термини ўрта аср лотин тилидаги “силлиқлаштирмоқ, сайқал бермоқ” (to smooth, to polish) маъносини англатувчи “politus” сўзидан олинган бўлиб, XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Англия илмий доирасида кенг тарқалди.

Нутқий этикет индивидуал маданият, қадриятларга кўра англашилувчи тушунчадир. Инсонда нутқий этикет атроф муҳит, оила ва жамиятдаги вазият ҳамда бошқа омиллар таъсирида болаликдан шакллана боради. Турли миллатларда нутқий этикет шу миллатнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши табиий. Нутқий этикетнинг турли қирралари нафақат тилшунослар, балки социологлар ва маданиятшунослар томонидан ўрганилган, ранг-баранг концепциялар илгари сурилган. Айниқса, сўнгги йилларда бу масалага қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунки нутқ этикети давлатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан бирига айланмоқда.

Нутқий этикет ҳодиса сифатида қадимдан мавжуд бўлса-да, унинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши нисбатан кечроқ - XX асрнинг ўраталарида бошланди. Шарқ, хусусан, япон, хитой тилшунослигида ўтган асрнинг йигирманчи йилларидан, ғарб тилшунослигида эса XX асрнинг иккинчи ярмидан бу масалага эътибор қаратилган.

“Нутқий этикет” яъни “Politeness” илмий термин сифатида Ғарб тилшунослигида XX асрнинг 60-йиллардан қўлланишга кирди ва алоҳида соҳа сифатида шаклланди. Бу соҳадаги илк тадқиқотлар калифорниялик Робин Лакофф[10], америкалик П.Браун, британиялик С.Левинсон[11] ва Г. Лич[12]ларга тегишлидир. Аммо, Ирвинг Гоффман илк бор “фейс (face) - юзни йўқотиш”, “юзни сақлаб қолиш” ва “уятли/ҳижолатли юзли бўлиш” каби истилоҳларни фанга киритди. Олим “Face”-“Юз” (ҳурмат)га қуйидагича таъриф беради: “Face” (юз) биз ўзимизни бошқаларга қандай кўрсатишимиз инъикосидир”[13]. И.Гоффман мурожаат сўз ва ибораларини тўғри қўллаш; шахсларга уларнинг жамиятдаги мавқеи ва яқинлик даражасига қараб муомала қилиш, расмий ёки норасмий нутқни тўғри ва жойида қўллаш; муайян вазиятларга боғлиқ тил анъаналарини тўғри тушуниш (таклифни қабул қилиш ёки рад этиш, суҳбатни бошлаш ва тугатиш ва ҳ. к.) кабиларни нутқий этикет қоидалари деб таъкидлайди ва фикрларини мисоллар билан далиллайди. [14] Унингча, “маъқулланган хусусиятлар ва уларнинг фейс (face)га нисбатан муносабатлари ҳар бир кишининг ўз маҳбусидир. Шундай бўлса-да, инсонлар ўз индивидуал хоҳишларини қанчалик афзал кўрмасинлар, фундаментал ижтимоий чегараланишларга бўйсунишга мажбурдирлар”[15].

Нутқий этикет назариётчиларидан бири Р. Лакофф нутқий этикетни “жамиятда ривожланган яхши хулқ-атвор кўриниши”[16] шаклида таърифлайди ҳамда “инсонлар ўзаро мулоқотидаги зиддиятларни камайтириш мақсадида

[10]Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.
[11]Brown P., & Levinson S. Universals in Language usage: Politeness phenomena. – London, 1978. – 345 p.
[12] Leech G. Principles of Pragmatics. – London: Longman Publ., 1983. – 250 p.
[13]Goffman E. International ritual: Essays in face-to-face behavior. – New York: Pantheon Books, 1967. – P. 9-10.
[14]Goffman E. On face-work: an. analysis of ritual elements in socialinteraction in Laver and Hutcheson. – New York: Pantheon Books, 1967. –319 p.
[15]Ўша манба.
[16]Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.

ўрганилиши зарур мавзу”[17] деб билади. У “What you can do with words: politeness, pragmatics and performatives” (“Сўз нималарга қодир: нутқий этикет, прагматика ва унинг ижрочилари”) асарида нутқий этикетнинг қуйидаги уч тамойилини таклиф этади: 1) Босим ўтказманг ва масофа сақланг; 2) Суҳбатдошга танлов имкониятини беринг ва ҳурмат кўрсатинг; 3) Тингловчиларингизнинг эркин ҳис қилишларини таъминланг ва дўстона кайфият беринг.[18] Р.Лакоффнинг нутқий этикет тамойиллари фанда “Прагматик маҳорат” (Pragmatic competence) деб номланиб, унда қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда суҳбатга киришиш муҳимдир: Ким билан гаплашяпмиз (тенор/персонаж); нима ҳақида гаплашяпмиз (мавзу, соҳа), қандай тарзда гаплашяпмиз (услуб).[19] Р.Лакофф илгари сурган баъзи тамойиллар умуминсоний хусусиятга эга бўлиб, нафақат Ғарб (Европа) жамияти, балки шарқликлар учун ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, “Тингловчиларингизнинг эркин ҳис қилишларини таъминланг ва дўстона кайфият беринг” тамойили, эронликлар ва ўзбекларнинг нутқ этикетига ҳам хосдир. Олимнинг фикрини давом эттирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бу тамойилга номлари зикр этилган миллатларда нафақат дўстона ёки норасмий муносабатлар, балки расмий муносабатларда ҳам амал қилинади. Бошқа баъзи маданиятлар, масалан, корейс ёки япон маданияти учун Р.Лакоффнинг “Босим ўтказманг ва масофа сақланг” тамойили мос келади. Ваҳоланки, Эрон ёки Ўзбекистоннинг “яқин муносабатлар ўрнатиш” мақсадларига мазкур қоида зид келади. Бир сўз билан айтганда, Р.Лакоффнинг уч тамойили алоҳида олиб қаралганда, турли халқлар нутқ этикетида турли даражада намоён бўлади.

П.Грайс нутқий этикет масаласига ёндашувда сўзловчи (нутқ эгаси)нинг ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашади. У “суҳбатдошларнинг мақсади суҳбат

[17]Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. – P. 292-305.
[18]Ўша манба.
[19]Ўша манба.

чоғида ҳамкорликка интилишдан иборат”[20], деб таъкидлайди. Ҳамкорлик ҳар бир сўзловчининг сўзи бошқаларнинг шахсий ҳуқуқлари, мустақил фикрига ва хоҳишларига даҳл қилиш билан белгилаланди ва бу жиҳат махсус “face threatening acts” (фейсга таҳдид солувчи ҳаракатлар) термини билан ифодаланади. Сўзлашув шаклини тўғри йўлга қўйиш учун П.Грайс қуйидаги тўрт қоидани таклиф қилади:

1. Сифат қоидаси (ростгўй бўлинг) - Maxim of Quality (Be true);
2. Миқдор қоидаси (қисқароқ сўзланг) - Maxim of Quantity (Be brief);
3. Муносабат қоидаси (мувофиқ/алоқадор бўлинг) - Maxim of Relation (Be relevant);
4. Одоб қоидаси (аниқ бўлинг) - Maxim of Manner (Be clear)[21].

Мазкур тавсиялар “Нутқий этикет қоидалари” мавзуси доирасида ўрганилган бўлса-да, П.Грайс бу қоидаларни ўз жамияти тамойилларидан келиб чиқиб ёритганлиги ёки универсал нутқий этикетни назарда тутганлигини аниқ келтирмаган.

Ж.Томас “Cross-cultural Pragmatic Failure” (Ўзаро маданий прагматик хатолар) номли мақоласида турли маданиятларга эга, аммо бир тилда сўзлашаётган кишилар мулоқотидаги прагматик англашилмовчиликлар ҳақида сўз юритади. [22] Дарҳақиқат, инсонларнинг фикрлаш тарзлари, сўзлашиш қоидалари, ижтимоий ва миллий қадриятлари, лексик коннотациялар ва бошқа қатор омиллардаги прагматик фарқлар мулоқотда хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Маданий хато лингвистик хатодан ёмонроқ ва хавфлироқ бўлиб, икки тил вакилларида ёқимсиз ҳиссиёт уйғотади. Олим илгари сурган фикрлар бизнинг кузатишларимизда ҳам ўз тасдиғини топди. Мисол тариқасида улардан баъзиларини келтирамиз. “Қаерга кетяпсиз?” деб танишидан сўраш ўзбекларда

[20]Grice P. Logic and Conversation // Syntax and Semantics, Vol. 3, Speech Acts. In P. Cole, J. L. Morgan. (Eds.) – New York: Academic Press, 1975. – P. 41-58.
[21]Ўша манба.
[22]Thomas J. Cross-cultural Pragmatic Failure // Applied Linguistics. - California, 1983. - №. 4(2). – P. 112.

саломлашишнинг қисқа давоми учун айтиладиган нутқий этикет фразаси ўрнида қабул қилинса, Европа ёки Узоқ Шарқ, жумладан, япон халқида шахсий даҳлсизликка путур етказиш сифатида қаралади. “Sudah mandi?” – “Бугун чўмилдингизми?” саволи индонез халқида саломлашишнинг тури, суҳбатдошнинг ўзига яқин олиниши назарда тутилса, бу савол кўпгина хорижий халқ вакилларини ҳижолатли аҳволга солиши, ўзи ҳақидаги “Менда ифор билан муаммо бор эканми?! ” деган ёқимсиз шубҳаларга олиб келиш эҳтимоли баланддир. Вьетнам халқлари “Яхшимисиз?” маъносини ифодалаш учун “Бугун гуруч едингизми?” деб ўзаро саломлашишлари хорижликларнинг прагматик хато тушунчага эга бўлишларига олиб келади. Асосан Жанубий Хитой, Филиппин, Тайландда ҳам шунга ўхшаш “Овқатландингизми?” деб сўрашишларини манбалардан кузатдик.[23] Юқорида таъкидланган иборалар мазмунида хос менталитет тушунчалари ётади. Индонезлар “чўмилган бўлиш” – яхши кайфият, аҳволининг ёқимлилигини билдиришда мазкур савол орқали суҳбатни бошлашади. Хитой, Филиппин, Тайланд ва Вьетнам халқларида ҳам “қорни тўқлик” – ҳолатнинг яхшилигини ифодалагани учун “Яхшимисиз? / Аҳволингиз қандай? / Қалайсиз?” маъноларида тушунилади.

Ўзбек халқи кундалик мулоқотида ишлатиладиган “Қалайсиз? (Аҳволингиз қандай?)”, “Турмушга чиққанмисиз?/Оилалимисиз?”, “Неча ёшдасиз?”, “Фарзандларингиз борми?” каби одатий саволлар бошқа маданиятларда ҳурматсизликни ифодаловчи шахсий саволлар ёки аксинча, айрим хорижликларнинг ўзбеклар томонидан келтирилган мақтовни инкор қилавериши, масалан, “Бугун очилиб кетибсиз”, “Инглиз тилида жуда яхши гапирар экансиз”, “Кийимингиз жуда чиройли” каби хушомад ёки мақтовларга хорижликлар томонидан “Йўғ-е, нималар деяпсиз!”, “Ундай ҳолатнинг ўзи йўқ” каби мақтовни инкор қилувчи жавоблар бериши ҳар доим ҳам “жуда камтар

[23]www.quora.com, https://www.cnnindonesia.com/tv , VIETLIVE.TV, https://www.youtube.com/channel/UCI8U_NB23FbKPly8gIEdLmA

экан” деган тассаввурни эмас, “бунча ўзини пастга уради”, “менинг фикримни нотўғрига чиқармоқда” (Ўта камтарлик манманликдир) деган ўйлар бўлиши турли миллат вакиллари ва ўзбеклар билан ўтказилган интервьюлар ёрдамида аниқланди. [24]Ҳар икки мамлакатда ҳам нутқий этикет инсонларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, муносабатлар масофаси ва шу каби масалаларни ҳисобга олган ҳолда ифода этилади. Бу мамлакатларда Осиё ўлкаларига хос бўлган шарқона қадриятлар, маданият анъаналари, оила, миллийлик, жамиятда инсонларнинг мулоқотидаги ҳурмат, ёш ва ҳолатга қараб ҳурмат даражаларини қўллаш қоидаларининг муштараклиги, ўхшаш тарафлари билан бирга, қизиқарли ҳамда фарқли бўлган жиҳатларининг мавжудлиги тадқиқот доирасини янада кенгайтиради. Шу ўринда, хитойлик Йонглианг Ҳуангнинг бу борадаги фикрлари бизнинг фаразларимизни яна бир карра тасдиқлайди. Олим “Politeness Principle in Cross-Culture Communication” (“Ўзаро маданий мулоқотда Politeness – нутқий этикет тамойили”) номли мақоласида нутқий этикет тамойиллари ҳақидаги қарашларини далиллаш учун қуйидаги мисолларни келтиради: “Катталарга транспортда жой бериш - яхши хулқ намунаси; кимдир гапираётган пайтда унинг гапини бўлиш - қўполлик кўриниши; эрта тонгда учратган таниш кишига биринчи бўлиб салом бериш - нутқий этикет белгиси бўлса, турган ҳолда дастурхондаги таомга қўл чўзиш беҳурматликни ифодалайди”[25].

Гувоҳ бўламизки, юқорида саналган нутқий этикет ёки қўполлик кўринишлари ҳар бир миллат маданияти учун бирдек тўғри келавермайди. Кўп миллатларда яхши хулқ белгиси саналган жой бериш (транспортда) – масалан, Японияда тушунмовчиликни келтириб чиқаради. “Мен шунчалик қари

[24]Биз томонимиздан жами 100 нафар эронлик ва 100 нафар ўзбекистонлик фуқаролар ҳамда қўшимча манба учун 12 нафар япониялик, 10 нафар индонезиялик, 2 нафар германиялик, 3 нафар инглиз ва 3 нафар япониялик иштирокчи билан интервью ташкил этилди.

[25]Yongliang Huang. Politeness Principle in Cross-Culture Comparison. English language teaching journal, Vol.1, No.1. www.ccsenet.org/journal .html

кўринаманми? Ожиз кўринаманми?” деган пессимистик ҳаёлга тортувчи босим ўтказиб қўймаслик учун ҳам японларда ўзидан катталарга жой бериш камроқ учрайдиган ҳолатдир. Таъкидлаш жоизки, нутқий этикет – ижтимоий феномен ҳамда кузатувчанлик асосида ўрганилиши ва тушунилиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, нутқий этикетларни билиш ҳар бир миллатнинг кундалик ҳаётини, турмуш тарзини билишда катта аҳамиятга эга.

П.Браун ва С.Левинсонлар Э.Гоффманнинг назариясидаги “фейс”(face) – “ҳурмат” тушунчасини ривожлантириб, илк марта “позитив ва негатив фейс” терминларини фанга киритадилар.[26] Уларнинг фикрича, нутқий этикет (politeness) икки эҳтиёжни ўз ичига олади. Негатив ўз-ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи (negative self-respect needs) деганда босим ўтказилмасликка бўлган эҳтиёж тушунилади. Позитив ўз-ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи (positive self-respect needs) деганда маъқулланишга бўлган эҳтиёж назарда тутилади[27]. П.Браун ва С.Левинсон томонидан Америка маданияти бўйича олиб борилган тадқиқотларида позитив фейсдан кўра негатив фейсга тегишли натижаларнинг анча салмоқли эканлиги кўринади. Чунки АҚШ маданиятида негатив фейс, яъни босим ўтказмаслик тамойили суҳбатдошга бўлган ҳурматни ифода этади.

П.Браун ва С.Левинсон фейс назариясига асосан универсал тамойиллар доирасида 4 стратегияни ишлаб чиқадилар.

1. *Позитив стратегия* – суҳбатдошда яхши тасаввур қолдиришга интилиш, маъқулланиш иштиёқи ва суҳбатдошнинг ҳам маъқулланаётганини кўрсатишни англатади. (М.: “Эшикни ёпсам майлими? / бўладими”? میتوانم دراببندم؟ [mitävanäm därra bebändäm]) Бу стратегия 15 та субстратегияни ўзига бириктиради: 1. Тингловчини сезиш ва уни инобатга олиш; 2. Турли интонация, тон ва просодик хусусиятларни кучайтириш; 3. Тингловчига бўлган қизиқишни кучайтириш; 4. Қайси ижтимоий синфга киришини аниқлаб берадиган белгили

[26]Brown P., & Levinson S. Universals in Language usage: Politeness phenomena. – London, 1978. – 345 p.
[27]Ўша манба.

бирликлар қўллаш; 5. Тингловчининг ҳолатини ҳисобга олиб келишувга интилиш; 6. Сохта келишувлар орқали зиддиятдан қочиш, ёлғонлар ишлатиш; 7. Ҳамфикрлиликни кўрсатиш; 8. Ҳазиллашиш; 9. Сўзловчининг тингловчининг хоҳишларини инобатга олиши; 10. Таклиф қилиш ва ваъда бериш; 11. Оптимист бўлиш; 12. Тингловчи ва сўзловчини суҳбатда актив иштирок эттириш; 13. Сабаб айтиш ёки сўраш; 14. Яқин муносабатни яратиш; 15. Тингловчига ҳамдардлик билдириш, қувончига шерик бўлиш, совға бериш.

2. *Негатив стратегия* – босим остида қолмасликка бўлган хоҳиш ва бошқаларни ҳам босим остида қолдирмаслик, ўзгаларнинг ҳаётига аралашмаслик ва уларнинг ҳам аралашишига йўл қўймаслик, муносабатларда эркинликни ҳис қилиш иштиёқи. Бунда тил билвосита, узр сўраш иборалари қўлланган ҳолда эҳтиром билан ифода этилади. (М.: Мени кечирасиз, деразани ёпиб юбориш мумкинми? / Эшикни ёпса бўлмайдими؟نمی شود درا بست [nämişäväd därra bäst]) Мазкур стратегия 10 та субстратегиядан ташкил топади: 1. Билвосита нутқ; 2. Саволлар бериш; 3. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш; 4. Пессимист бўлиш (тингловчи сўзловчи сўраётган ҳолатга хоҳиш билан хоҳламай ёндашяптими деган пессимистик ҳаёл билан сўзлаш); 5. Босим ўтказишни минималлаштириш; 6. Тингловчига ўта камтарлик қилиш билан ҳурмат кўрсатиш; 7. Тингловчи ёки сўзловчи ўзини тилга олмасдан имперсонализация қилиш (шахссиз гапириш); 8. Тингловчига тўғридан тўғри мурожаат қилмасдан фикрни умумий тарзда ифода этиш; 9. Номиналлаштириш; 10. Тингловчидан қарздорлик ҳисси мавжуддек қилиб кўрсатиб сўзлаш.

3. *Нодиректив стратегия.* Бу стратегия сўзловчи томонидан қўлланадиган қочириқ, сарказм, киноя, мавҳумлик (фикрни тўлиқ ифодаламаслик), имперсонализация каби “илмоқли бирликлар”да ёрдамга келади тингловчидан зийракликни талаб этади. Мисол: “Вой, хона бунча совуқ!” وای، چه سرد است این اتاق ! [vay çe särd äst in otaγ] Сўзловчининг мақсади “эшикнинг ёпилиши”). Бу стратегия 15 та субстратегияни ўз ичига олади: 1. Шама / ишора қилиш; 2.

Ассосацив ишоралар бериш; 3. Тахмин қилиш; 4. Керак бўлгандан кўра камроқ сўзлаш; 5. Керагидан ортиқ маълумот бериш ёки муболаға қилиш; 6. Тавтологияларни қўллаш; 7. Қарама-қарши фикр билдириш; 8. Истеҳзо қилиш; 9. Метафораларни қўллаш; 10. Жавоб талаб қилмайдиган риторик саволлар бериш; 12. Мужмал бўлиш; 13. Тўғридан-тўғри мурожаат этмаслик- умумий қилиб гапириш; 14. Сўз туркумларини ўрнини алмаштириш; 15. Эллипсис қўллаб, фикрни тугалламаслик.

4. *Директив стратегия.* Бунда сўзловчининг мақсади ёки фикри тўғридан-тўғри тингловчи етказилади ва бу стратегия ўзаро муносабатлари яқин кишилар ўртасида қўлланади. Аксинча ҳолатда, яъни муносабатлари яқин эмас кишилар орасида, расмий мулоқотларда мазкур стратегиянинг ифодаланиши кишиларда ажабланиш / шок ҳолати, тушунмовчилик, хижолатли ҳолат ва ҳаяжонни келтириб чиқариши мумкин. Фикримизни мисол билан ёритамиз: “Эшикни ёпинг!” / در را ببند! [därra bebänd].

Суҳбат чоғида қайси стратегияни қўллаб гапириш миллат менталитети, анъаналари, қадриятларига боғлиқ бўлади. Масалан, ўзбекларда оила аъзоларининг ёш ва даражага қараб ўзаро сизлаб гапириш ҳолатида негатив фейс етакчилик қилса, эронлик ва япониялликларда яқин қариндошларнинг бир-бирини сенсираб мулоқот қилишида позитив фейс намоён бўлади.

П. Браун ва С.Левинсоннинг[28] негатив фейс борасидаги назариялари бир қатор тадқиқотчиларнинг танқидига учради. Жумладан, С.Иде [29] ва

[28]Brown P., & Levinson S. Universals in Language usage: Politeness phenomena. – London, 1978. – 345 p.
[29]Ide S. Formal forms and discernment: Two neglected aspects of linguistic politeness // Multilingua. – Sydney, 1989. – № 8(2/3). – P. 223-248.

Б.Ҳилл, [30] шунингдек, Й.Мацумото, [31] А.Виерзбика, [32] О.Нвойе, [33] Л.Мао, [34] М.Сифиану [35] каби изланувчилар П. Браун ва С.Левинсон жанубий тиллардаги (Жанубий Ҳиндистон, Тамил тили, Тзелтал тили ва ҳ.к.) манбалардан фойдаланган бўлсалар-да, негатив фейс назарияси айнан Ғарб маданиятига таяниб таҳлил қилингани, унинг шарқий маданиятлар нутқий этикет тамойилларига тўғри келмаганлиги боис уларнинг тадқиқот натижалари универсал қўлланма бўла олмаслигини таъкидлайдилар.

Г.Лич инглиз маданиятига асосланиб, нутқий этикетнинг олти тамойилини келтиради. [36] Биз бу тамойилларни тушунишни енгиллаштириш мақсадида жадвал шаклида бердик:

Жадвал № 1.

N	**Қоида**	**Максималлаштиринг**	**Минималлаштиринг**
1	***Одоб****(Tact)*	Бошқалар учун фойда	Бошқалар учун захмат
2	***Олижаноблик*** *(Generousity)*	Ўзи учун захмат	Ўзи учун фойда
3	***Маъқулланиш*** *(Approbation)*	Бошқаларга қаратилган мақтов	Бошқаларга қаратилган танқид
4	***Камтарлик*** *(Modesty)*	Ўзини танқид қилиш	Ўзини мақташ
5	***Келишув*** *(Agreement)*	Келишув	Келишмовчилик
6	***Ғамхўрлик*** *(Sympathy)*	Ғамхўрлик	Лоқайдлик

[30]Hill B., Ide S., Ikuta S., Kawasaki A., & Ogino T. Universals of linguistics politeness: Quantitative evidence from Japanese and American English // Journal of Pragmatics. – Amsterdam, 1986. – № 10 (3). – P. 347-371.
[31]Matsumoto Y. Re-examination of the universality of face: Politeness phenomena in Japanese // Journal of Pragmatics. – Amsterdam, 1988. – № 12. – P. 403-426.; Matsumoto, Y. Politeness and conversational universals: Observation from Japanese // Multilingua. –1989. –№ 8-2. –P. 207-221.
[32]Wierzbicka A. Different cultures, different languages, different speech acts: Polish vs. English // Journal of Pragmatics. –1985. – № 9. - P. 145-178.
[33]Nwoye O. Linguistic politeness and sociocultural variations of the notion of face // Journal of Pragmatics, 1992. - № 18. - P. 309-328.
[34] Mao L. Beyond politeness theory: `Face' revisited and renewed // Journal of Pragmatics, 1994. - № 21. – P. 451-486.
[35]Sifianou M. Politeness phenomena in Greece and England. – Oxford: Oxford University Press, 1992.
[36]Leech G. Principles of Pragmatics. – London: Longman Publ., 1983. – 250 p.

Г.Лич этикет қоидаларига мулоқот усули ва бирликларни минималлаштириш, этикет қоидаларига мувофиқ бўлган мулоқот усули ва бирликларни максималлаштириш тамойилини илгари суради. Бу тамойил ҳам инглиз менталитетидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган бўлиб, уни барча тилларга тўғри келувчи тамойил, деб бўлмайди. Масалан, “Sympathy” – “Ғамхўрлик” қоидасига кўра лоқайдликни минималлаштириш, ғамхўрликни максималлаштириш тамойили Узоқ Шарқ ва кўпгина ғарб мамлакатларида амал қилувчи “даҳлсизлик” тамойили билан қарама-қарши келади.

Б.Фразер “Perspective on Politeness” (Нутқий этикет истиқболлари) мавзусидаги тадқиқотида П.Браун ва С.Левинсон томонидан илгари сурилган нутқий этикет тамойилларига танқидий ёндашди. Унинг фикрича, нутқий этикетни тушуниш учун қуйидаги саволларга жавоб бера олиш керак: Нутқий этикет қандай қўлланади? Сўзловчи танловининг хушмуомала бўлиб эшитилишига қандай омиллар таъсир қилади? Қайси қоида энг юқори самарадорликка эга?[37] Олим тадқиқотда “хушмуомала бўлиш - тингловчини яхши ҳис қилишига имконият яратиш ёки уни ҳижолат тортмаслигини таъминлаш дегани эмас” [38] деган мулоҳазани келтиради. Аммо фикрини далиллар, манбалар билан асосламайди.

М.Жус Америка нутқий этикетини ўрганар экан, мулоқот вазиятини беш турга бўлиб, таҳлил қилади. 1.Қотган мулоқот - Frozen (расмий услуб, тингловчидан жавоб талаб қилинмайди, сўзловчи чиройли сўзлар ва равон грамматикани қўллаб, узун гаплар тузиб гапиради. Маросимлар, тўйлар, расмий тадбирлардаги нутқ, қасамёд ва ҳ. к. ларда қўлланади.); 2. Расмий мулоқот -Formal (лавозими баланд, ёши катта инсонларга нисбатан мазкур услубда мурожаат этилади. Суд, интервью, мажлислардаги нутқларда қўлланади.); 3. Маслаҳатли мулоқот - Consultative (семи- формал, икки

[37] Fraser B. Perspectives on Politeness // Journal of Pragmatics, 1990. – № 14. – P. 219-236.
[38] Ўша манба.

томонлама суҳбат, муҳокама, мунозара); 4. Кундалик мулоқот – Casual (норасмий, эркин. Дўстлар, оила аъзолари, танишлар билан жонли ёки виртуал суҳбатда қўлланади); 5. Интим – Intimate (жуда яқин муносабатдаги кишиларнинг ўзаро тил кодларини ишлатиб мулоқотга киришиши).[39]

М.Жуснинг мазкур назарияси инглиз тили нутқига асосланган бўлиб, мулоқот вазиятларини гуруҳларга ажратиб ўрганиш нафақат она тили вакиллари, балки хорижий тилни ўрганувчиларда ҳам нутқий этикет бирликларини ўрнида қўллаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Аммо бу хусусиятнинг исталган тилга ҳам мос келавермаслиги ва бироз чегараланганлиги сезилади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги - XXI аср бошларида олимлар эътиборини кўпроқ нутқий этикет мавзуси доирасида "беҳурматлик ва қўпол муомала" масаласига қаратишди. Улар инсонлар мулоқотидаги тил аспектларини назарий жиҳатдан ўрганиб, "face-maintaining" (ҳурматни сақлаш), "face-enhancing" (ҳурматни ошириш) ва "face-damaging" (ҳурматга путур етказиш) хулқ-атворини таҳлил қилдилар.[40]

XX1 асрнинг дастлабки йилларидан эса тилшуносликда ижтимоий билиш/тушуниш (social cognition) ва нутқий этикет (politeness) мавзуларидаги тадқиқотлар салмоқли ўринларни эгалламоқда.[41] Бу тадқиқотларда "Фейс назарияси доирасида бир қанча изланишлар олиб борилди, бироқ уларда чуқур таҳлиллар кузатилмади.

[39] Joos M. The Five Clocks. - Bloomington: Indiana University Research Center, 1962. – 108 p.

[40]Culpeper J. Impoliteness and entertainment in the television quiz show: The Weakest Link // Journal of Politeness Research. Language, Behaviour, Culture. – London, 2005. – № 1(1). – P. 35-72.; Culpeper J. (Im)politeness in dramatic dialogue. Exploring the language of drama: From text to context. – London, 1998. – P. 83–95. Lachenicht Lance G. Aggravating language. A study of abusive and insulting language // Papers in Linguistics: International Journal in Human Communication, 1980. –№ 13(4). – P. 607–687.; Bousfield D. Researching impoliteness and rudeness: Issues and definitions. In Miriam A. Locher & Sage L. Graham (eds.) // Interpersonal pragmatics. - Berlin, 2010. – P. 102–134.

[41] Oatey H. Culturally Speaking: Culture, Communication and Politeness Theory // Continuum. – London, 2008. - № 2. - P. 20-27.

Нутқий этикет масаласи россиялик олимлар томонидан ўтган асрнинг 80-йилларидан ўрганила бошланди. Т. В. Ларина[42], И. А. Романова[43], Е.А. Руднева,[44] Р.Ратмайр,[45] Н.Формановская[46] Е.Малюга[47] кабилар ўз ишларини бевосита нутқий этикет масаласига бағишлади. И. А. Романова ва Т.В.Лариналарнинг ишлари нисбатан мукаммаллиги билан эътиборимизни тортади. И.А.Романова "Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология" (Нутқий мулоқот маданияти: этика, прагматика, психология) номли китобида "нутқ этикети муайян маданиятда ўрнатилган формулалар ва муносабат қоидалари доирасидаги нутқ хушмуомалалиги билан ифодаланади,"[48] деб таъкидлайди. Т. В. Ларина "Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английских и русских лингвокультурных традиций" (Мулойимлик категорияси ва мулоқот услуби: Инглиз ва рус лингвомаданий анъаналарнинг чоғиштирма тадқиқи) номли асарида рус халқига хос этикет ҳақида фикр юритар экан, руслар учун бу "ички муносабат эканлиги, у ҳаммага эмас, фақат унга лойиқ кишиларгагина қўлланилиши лозим"лигига урғу беради.[49] Бу жиҳатдан рус, ўзбек ва эрон халқлари этикети тубдан фарқли қилади. Бу халқларда суҳбатдош сўзловчига ёқмаса ҳам, ёки ўзаро муносабат зиддиятли бўлса ҳам, мулойимлик, нутқий этикетга амал қилиб суҳбатлашиш

[42] Ларина Т.В. Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английский и русских лингвокультурных традиций.– Москва: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – 136 с.
[43] Романова И. А. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология. – Москва: Наука, 2009. – 304 с.
[44] Руднева Е.А. Стратегии лингвистической вежливости в спонтанном речевом взаимодействии. - Санкт-Петербург: Институт лингвистических исследований российской академии наук, 2018. – 208 с.
URL: https://iling-ran.ru/theses/rudneva_full.pdf
[45] Ратмайр Р. Вежливость в русском языке и культуре // Русская речь и рынок: традиции и инновации в деловом и повседневном общении. -Москва: Языки славянской культуры, 2013. - С. 140-220.
[46] Формановская Н. И. Ритуалы вежливости и толерантность // Философские и лингвокультурологические проблемы толерантности: сборник статей. - Екатеринбург: Издательство Уральского государственного университета, 2003. - С. 345–362.
[47] Малюга Е. Н. Лингвопрагматические аспекты женской и мужской речи в межкультурном деловом интервью // Серия Гуманитарные науки. – Москва: Российский университет дружбы народов, 2013. - № 13 (156). – С. 198.
[48] Романова И. А. Словарь. Культура речевого общения: этика, прагматика, психология. – Москва: Наука, 2009. – 304 с.
[49] Ларина Т. В. Категория вежливости и стиль коммуникации: Сопоставление английский и русских лингвокультурных традиций. – Москва: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – 136 с.

шарт. Рус маданиятида бундай нутқий этикетга салбий қаралади ва “иккиюзламачилик”, деб тушунилади. Нутқий этикет қатъий қоида ёки цензура даражасигача кўтарилган миллатларда у “расмийлик ва ритуал характер”ни ифодаласа, рус халқида “самимийлик, тўғридан-тўғрилик, тўғрисўзлик, муносабатнинг чин юракдан чиқиши кўпроқ қадрланади. Русларда “вежливость – сердечность” (мулойимлик/нутқий этикет –чин қалбдан) ибораси ҳам бежиз қўлланилмайди. А.Н.Шукиннинг “Методика обучения речевому общению на иностранном языке”[50] (Хорижий тилда нутқий мулоқотни ўқитиш методикаси) номли ўқув қўлланмасида келтирилишича, саломлашишда ҳам руслардаги “Как мама? Как жена?” каби саволлар нутқий этикет белгиси бўлса, баъзи мусулмон халқлари, жумладан, Эронда (жанубий Эрондан ташқари) аксинча беҳурматлик саналади. Зеро, аёллар ҳақида ўзининг қариндошларидан бошқа одам сўраши мусулмончилик қоидаларига тўғри келмайди, деб биладилар. Нутқий этикет (сохта ёки самимий) нутқда катта ўрин эгаллайдиган тил вакилларида объектга йўналтирилса, рус маданиятида бу субъектга йўналтирилувчи тушунчадир ва у албатта самимий бўлиши шарт.

Рус тилшунослигида П.Браун ва С.Левинсон назарияси илгари сурилган тадқиқотлар ҳам кузатилади. Хусусан, Е. В. Свиридова[51] илмий мақоласида нутқий этикет бирликларининг универсал тамойиллари юзага келиши билан боғлиқ далилланган дискурснинг прагмалингвистик аспектларини ўрганади ҳамда нутқий этикет стратегияларини ситуационал мисоллар (илмий раҳбарнинг тадқиқотчига нисбатан қўллаган бирликлари) билан очиб беради. Жумладан, *Bald on record* – директив стратегияга мисол: “Сиз диссертациянгизни зудлик билан ниҳоясига етказишингиз керак! Бу сизни шунча йил ўқитган кафедра

[50] Щукин А. Н. Методика обучения речевому общению на иностранном языке: учеб. пособие для преподавателей и студентовязыковых вузов. – Москва: Икар, 2011. – 454 с.

[51] Свиридова Е. В. О принципе вежливости в аргументативном дискурсе // Логика и аргументация. Санкт-Петербург, Логико-философские штудии. Вып. 8, 2010. С.168-175.
https://docplayer.ru/29095446-O-principe-vezhlivosti-v-argumentativnom-diskurse.html

олдидаги ва шахсан менинг ҳам олдимдаги бурчингиз! Кутубхонага чопинг!" (Вы должны срочно закончить диссертацию! Это ваш долг перед кафедрой, которая вас столько лет учила, и передо мной лично! Марш в библиотеку!); *Positive politeness* – позитив этикет стратегиясига мисол: "Сиз тезгина ишингизни ёзиб тугатиб, тез орада ҳимоя қилсангиз жуда яхши бўларди, ахир қўлингиздан келади-ку!" (Было бы здорово, если бы вы быстренько все дописали и скоренько предзащитились, ведь вы же можете!); *Negative politeness* – негатив этикет стратегиясига мисол: "Яна бир марта эслатишни хоҳламасдим-ку, лекин бизнинг тўпламга мақола топширишнинг охирги муддати эртагача." (Не хотелось бы лишний раз напоминать, но срок сдачи статей в наш сборник истекает завтра.); *Off-record* – нодирективи[52] стратегияга мисол: Негадир мен икки чет тилини биладиган одамлар умумгуманитар мавзусидаги 150 варақ илмий матнни бемалол ёза оладилар, деб ўйлайман. (А мне почему-то всегда казалось, что люди, овладевшие двумя иностранными языками вполне могут написать сто пятьдесят страниц наукообразного текста на общегуманитарную тематику!)

Бизнингча Е. В. Свиридованинг позитив этикет стратегиясига келтирган мисолининг (Было бы здорово, если бы вы быстренько все дописали и скоренько предзащитились, ведь вы же можете!) охирги қисми нодирективстратегиянинг "жавоб талаб қилмайдиган риторик саволлар бериш" субстратегиясига тўғри келади, шунинг учун бу мисолда аралаш стратегия (позитив ва нодирективқўлланган, деб топиш мумкин.

Инглиз халқларида нутқий этикет бирликлари қўлланилишининг айрим жиҳатлари ўзбек халқига яқин. Инглиз этикети қоидаларида шундай таъкидланади: "Агар сиз мулойим бўлсангиз, инсонлар сизни ҳар қандай

[52]Нутқий этикетнинг стратегиялари ўзбек тилида қуйидагича белгиланди: bald on-record strategy -директив стратегия, off-record strategy - нодирективстратегия, positive politeness strategy - позитив этикет стратегия,negativepolitenessstrategy - негатив этикет стратегия.

ҳолатда ҳам эшитади ва сизнинг фикрингизга жиддий ёндашади”. [53] Мулойимлик, ҳалимлик хислати ўзбек ва эрон халқларига хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, бу жиҳатмазкур халқларнинг диний қадриятларида ҳам акс этади. Фикримизнинг исботи сифатида Қуръони Каримнинг Исро сураси, 53-оятини келтириб ўтишни жоиз деб биламиз:

ۖقُل لِّعِبَادِي يَقُولُواْ الَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنزَغُ بَيْنَهُمْ إِنَّ الشَّيْطَانَ كَانَ لِلإِنْسَانِ عَدُوّاً مُّبِيناً

Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир. Албатта, шайтон инсон учун очиқ-ойдин душмандир.[54]

Муҳаммад (сав) тилни ножўя сўзлардан асрашга, имкон қадар сукут сақлашга буюриб: "Ким Аллоҳ таолога ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин", дея марҳамат қиладилар.[55]

Тил ва қалб ўртасидаги узвий боғланиш ҳақида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: "Банданинг имони тўғри бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча, шунингдек, қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча".[56]

Инглиз халқларида Р.Лакофф [57] назариясида ҳам келтирилган нутқий этикетнинг учта олтин қоидасига қатъий амал қилиш муҳим ҳисобланади: 1) Босим ўтказманг: Инсонлар ўзларининг шахсий муҳитларига эгадирлар. Улар шахсий муҳитларига иҳтилоф қилинишини истамайдилар. Улар истамаган ишларини бошқа одам томондан босим ўтказилиб, мажбуран қилишни хоҳламайдилар. Инсонларнинг ҳар бири ўзларига нисбатан индивидуал шахс сифатида муносабат билдиришларини кутадилар. Бу қоидада буйруқ бериш ҳам

[53] Баймуратова С. М. Teaching speech etiquette in English lessons // Молодой ученый. — 2018. — №24. — С.302-303.
[54]http://www.quran.uz/tarjima/quran/17
[55]https://islom.uz/maqola/5576
[56]http://qadriyat.uz/jamiyat/435-shirin-s-z-zhon-ozu-i Ислом нури газетаси, 2012 йил, 6-сон.
[57] Lakoff R. The logic of politeness: or minding your p's and q's // Papers from the Ninth Regional Meeting of the Chicago Linguistic Society, 1973. - P. 292-305.

қораланади; 2) Имконият беринг: агар сиз кимдандир бирор иш бажаришларини сўрасангиз ёки маслаҳат берсангиз уларга розилик ёки рад этиш имкониятини қолдиринг; 3) Эркинлик беринг: Бу инсонларни хурсанд қилишингиз шарт керак дегани эмас. Лекин бошқа кишиларга ижобий кайфият бериш, ўзларини эркин ҳис қилишларини таъминлаш муҳим қоидадир. Кишилар ўз фикрларининг ҳурмат қилиниши ва махсус муносабат билдирилишини кутадилар.

Инглиз халқининг нутқий этикет бирликлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар турлича концептуал назарияларни илгари суради. Масалан, М.Сифианау Англияда 27 та британиялик вакил билан тадқиқот ўтказади ва қўлга киритган натижалар хулосаси ўрнида инглиз нутқий этикетига "жамият қоидаларига амал қилган ҳолда бошқаларнинг ҳиссиётларини ҳисобга олиш" деган таърифни қўллайди.[58]

Япон олимлари Обана ва Томода австралиялик инглизлар билан суҳбат ва изланишлар ўтказиб, нутқий этикет – меҳрибонлик, дўстона муносабат, зийраклик, камтарлик, ҳурмат кўрсатиш каби тушунчаларни ўзида мужассам этган тушунча эканлигини таъкидлайдилар.[59] Айнан шу жиҳатлари инглиз нутқий этикетларининг форс ва ўзбек нутқий этикетлари билан ўхшашлигини таъминловчи яна бир жиҳат эканлиги ойдинлашади. Фикримизнинг исботи сифатида мисолларга мурожаат қиламиз. Инглиз нутқи узр сўраш нутқий этикет бирликлари бир неча йўл билан ифодаланади.

1. "Excuse me" – суҳбатни бошлаш, бошқа кишини эътиборини жалб этиш учун айтилади.

2. "Pardon" – суҳбат жараёнида бирор нарсани эшитмай ёки англамай қолганда, суҳбатдошидан уни яна такрорлашни сўраш ва аниқлаштириш учун қўлланади.

[58] Sifianou M. Off-record indirectness and the notion of imposition // Multilingua 1993. - № 12-1, - P. 69-79.
[59] Obana Y. and Takako T. The sociological significance of "politeness" in English and Japanese languages. Report from a pilot study. Japanese Studies Bulletin, 1994. - № 14 (2). - P. 37 -49.

3. “I am sorry” – бирор хато иш қилганда ёки вазият ёқимсиз бўлганда айтилади. “I am sorry”нинг иккинчи маъноси ҳамдардлик ва ачиниш бўлиб, ўзбек тилида “афсусдаман”, “ҳамдардман” маъносида таржима қилинади. (I am sorry you didn’t pass the exam- Афсус, имтиҳондан ўта олмадингиз.)[60]

Гап компонентлари ёки структурасини ўзгартириш ёҳуд лексик бойитиш орқали ҳам нутқий этикет бирликларини ифодалаш мумкин.

Оддий нутқ	Эҳтиромли нутқ
He is hard to deal with … У билан келишиш қийин…	He is ***a bit*** hard to deal with… У билан келишиш ***бироз*** қийин.
We must stop working together. Бирга ишлашни тўхтатишимиз керак.	I ***am afraid*** we ***will have to*** stop working together. ***Қўрқаманки,*** биз бирга ишлашни тўхтатишимизга ***тўғри келади.***
There has been a mistake. Бу ерда хатолик бор.	***It looks like*** there has been ***some*** mistake. Бу ерда ***бироз*** хатолик бўлганга ***ўхшаяпти.***[61]

Британиянинг типик этикети “ўта такаллуфли” кўринса-да ҳақиқий ҳиссиётлардан узоқ, кўпроқ сохта характерга эга”[62] ҳисобланади. “Мулозамат қилиш” аксарият инглиз савдогарларининг мулоқот безаги ва британияликлар маданиятининг муҳим қисмидир. Инглиз нутқий этикетида “Илтимос” (Please), “Раҳмат” (Thank you) ва “Узр” (Sorry) сўзлари мунтазам қўлланади.

1. Сайқаллаш этикети: “Инглизларда қалб йўқ, унинг ўрнида “юмшатиш, сайқал бериш” (understatement) бор[63] деган тушунча мавжуд. Охирги 50 йил ичида мулоқот маданияти бироз ўзгарган бўлса-да, британияликлар ҳамон “юмшатиш услуби”га амал қиладилар. Инглизларда

[60]https://www.oxfordlearnersdictionaries.com/
[61]Daria Storozhilova. Communication Hacks: Polite English. 2017. https://www.stordar.com/polite-english/
[62]http://british-culture.wikidot.com/public-politeness-formality
[63]Mikes George. How To Be An Alien. Wingate, London / NY, 1946. http://f2.org/humour/howalien.html

бирор бир фожеали, ҳалокатли вазиятлар содир бўлганда ҳам бунга ўта босиқлик билан муносабат билдириш ҳолати кузатилади. Масалан, табиий офат ҳисобланган бўрон содир бўлиб, уй-жойлар, бино ва дарахтларга жиддий зарар ёки шикаст етганида ҳам улар бунга “a bit blowy” – “озгина шамол турди”, деб изоҳ берадилар. Инглизлар билан мулоқотга киришганда жуда зийрак бўлиш талаб этилади. Фикримизни Ж.Майкс[64] таъбири билан ифодалайдиган бўлсак, инглиз кишиси “It’s a bit wet out there, I might join you later” – “Бугун бироз ёмғирли, сал кечроқ олдингизга борарман” деб айтса, аслида “It’s absolutely pissing it down, consequentially I’m not leaving the house today unless it’s on fire!” – “Қаттиқ жала ёғяпти, мен бугун уйдан ҳеч қаерга чиқмоқчи эмасман, чиқишим мумкин, қачонки, уйимга ўт кетса” деган маънога тўғри келади.

“Your english is somewhat unorthodox”- (“Сизнинг инглиз тилингиз бироз ноодатий экан”) жумласи аслида “Сизнинг инглиз тилини билиш даражангиз бир тийинга қиммат экан” маъносида қўлланади.[65]

2. Айбламаслик этикети: Бу этикетнинг моҳиятини қуйидаги ҳаётий вазиятдаги ҳолат билан изоҳлаш мумкин: Кимнингдир оёғини босиб олиб, узр сўралганда, “No harm done!” (Зарари йўқ), “I am sure it’s my fault” (Узр, бу менинг айбим) деб жавоб берадилар. Бу такаллуфли жавобнинг асл коннотатив маъноси қуйидагича: “Бу сизнинг айбингиз, буни иккимиз ҳам биламиз.”[66]

3. *Даҳлсизлик этикети*: Бу этикет инглизлар томонидан жуда кенг қўлланадиган ва машҳур ҳодиса ҳисобланади. Бунинг асосида “Minding one’s own business” – “Бир бирининг ҳаётига/танловига аралашмаслик” тушунчаси туради. Фикримизча, бировнинг шахсий ҳаётига даҳл қилмаслик ҳолати европаликларнинг кўпчилигига хос жиҳат бўлиб, ўзбек халқида аксинча,

[64]Mikes George. How To Be An Alien. Wingate, London / NY, 1946. http://f2.org/humour/howalien.html
[65]Mikes George. How to be a Brit. – London: Penguin, 2017. (reprint) – 272 p.
[66]https://prezi.com/m/hs1zhrhqewvc/british-politeness/ British Politeness

бировнинг ҳаётига бефарқ бўлмаслик, лоқайдликка йўл қўмаслик, аксинча, қўни қўшни, маҳалладошларнинг яхши ва ёмон кунларида уларни қўллаб қувватлаш тамойили кучли. Фикримизни кундалик ҳаётда учрайдиган бир вазият билан далиллаймиз. Масалан, инглиз кишисининг қўшниси ярим тунда пианинони баланд чалса, у бунга ҳеч эътироз билдирмайди. Чунки бу қўшнининг шахсий танлови, хоҳишидир. Аммо ўзбек халқида бундай ҳолат қўшнининг ҳаловатини бузиш деб қаралади ва ўрни келганда танбеҳ берилади.

4. ***Ички ҳиссиётни яшириш этикети:*** Туб британияликлар ҳеч қачон асл ҳиссиётларини ошкор этмайдилар. Масалан, "Ишлар қандай кетяпти?" деган саволга "I'm in a bit of a pickle" - "Вазият озгина жиддий", деб жавоб берилади. Аслида, вазият ўта қийин ва жиддий эканлиги англашилади.[67] Аксарият ҳолатларда инсонлар ибодатхоналарга бориб, ўз ҳақиқий аҳволини роҳибларга сўзлашлари кузатилади. Ўзбек ва эрон халқларида эса бу саволга жавоб тингловчи ва сўзловчининг яқинлик даражасидан келиб чиқиб берилади.

5. Носамимий (назарда тутилмаган) меҳмондўстлик этикети: Меҳмондўстлик анъанаси итальянлар, испанлар, америкаликлар ва баъзи бошқа халқлар маданиятида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у ўзбек ва форс халқлари маданиятидан[68] тубдан фарқ қилади. Хусусан, "You must come for dinner" – "Кечки овқатга келишингиз керак", деган таклиф мазкур халқларда тўғри таклиф (яъни юзаки, кўнгил учун эмас – *Т.Ҳ*) тарзида қабул қилинади. Британияда эса бундай таклиф шунчаки мулозамат учун билдирилади.

Қуйидаги жадвалда кўп қўлланадиган, нутқий этикет акс этган инглизча жумлалар ва уларнинг когнитив маънолари келтирилган.[69]

Жадвал № 2.

[67]www.quora.com Whyare british people so polite?
[68] Изоҳ: Ўзбек ва эрон халқлари меҳмондўстлик этикети 3-бобда батафсил келтирилади.
[69]https://www.angmohdan.com/48-things-british-people-say-and-what-they-actually-mean/

What the british say: *Британиялик айтади:*	What the british mean: *Британиялик назарда тутади:*	What foreigners understand: *Хорижлик қандай тушунади:*
She is very clever! У жуда ақлли!	She is very sly! У жуда айёр!	A compliment to (her) Мақтов
I hear what you say. Нима деётганингизни эшитяпман.	I disagree and do not want to discuss it further. Мен сенга қаршиман, буни ортиқ муҳокама қилишни хоҳламайман.	He accepts my point of view. У менинг фикрларимни қабул қиляпти.
That's not bad! Бу ёмон эмас!	That's good! Бу яхши!	That's poor! Бу ёмон!
That is a very brave proposal. Бу жуда дадил таклиф.	You are insane. Сиз жиннисиз.	He thinks I have courage. У мени жасур деб ўйлаяпти.
Quitegood! Етарли даражада яхши!	A bit disappointing! Унча яхши эмас!	Quite good! Етарли даражада яхши!
Oh, incidentally/ by the way Шунчаки / Айтганча	The primary purpose of our discussion is..... Гапиришимдан асосий мақсад.....	That is not very important. Муҳим гап эмас.
Very interesting! Жуда қизиқ!	That is clearly nonsense! Сафсата!	They are impressed. Уларда таассурот қолди.
I'll bear it in mind. Эсда тутаман.	I've forgotten it already. Унутиб бўлдим.	They will probably do it. Улар бажарадилар.
I'm sure it's my fault. Бу менинг айбим билан бўлди.	It's your fault! Бу сизнинг айбингиз!	Why do they think it was their fault?

		Нима учун улар буни ўзларининг айблари деб ўйлашяпти?
You must come for dinner! Кечки овқатга келишингиз керак!	It’s not an invitation, I’m just being polite. Бу таклиф эмас, шунчаки мулозамат.	I got an invitation. Мени таклиф қилишди.
I almost agree. Деярли розиман.	I don’t agree at all. Умуман норозиман.	He’s not far from agreement. У билан деярли келишдик.
I only have a few minor comments. Менда озгина кичик изоҳлар бор.	You have a lot of mistakes. Сизнинг жуда кўп хатоларингиз бор.	He has found a few typos У озгина хатолар топибди.
Could we consider some other options? Бу томонларни ҳам кўриб чиқа оламизми?	I don’t like your idea. Менга фикрингиз ёқмади.	They have not yet decided. Улар ҳали бир тўхтамга келишмади.
I might join you later… Сизлар билан кечроқ учрашаман.	I’m not joining Учрашмайман.	He’s probably going to join me later Кечроқ учрашсак керак.
Just whenever you get a minute… Қачон бўлса ҳам, вақтингиз бўлганда	Now Ҳозир	When you get the time… Вақтингиз бўлганда...

Инглиз нутқий этикет бирликлари борасидаги назарий фикрлар ва мисолларни ўрганиш асносида нутқий вазиятларни FTA (face threatening acts-фейсга таҳдид солувчи ҳаракатлар) ва FSA (Face saving acts-фейсни сақловчи ҳаракатлар) гуруҳларига бўлиш мумкин:

- ***FSA ифодалаган нутқий этикет бирликлари:***

***Келишувга интилиш*:** Сўзловчи тингловчининг розилигини олиш, ўз фикрига қўшилишга ундаш ҳолатида акс этади. М.: “We are meeting at 3pm on Saturday, aren’t we?” – “Биз шанба куни кундузи соат 3 да учрашамиз, шундай эмасми?” “Try not to miss the chance. Okay?” – “Имкониятни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилинг, хўпми?”

***Норозиликдан қочиш*:** Сўзловчи ва тингловчи якдиллик билан бир қарорга келганларидан кейин қўлланадиган бирликларда ўз ифодасини топади. М.: *“So, you will be able to participate, then.”*“Шундай қилиб, сиз иштирок эта оласиз-а?” Инглиз тилидаги “then” ўзбек тилидаги тасдиқ сўровчи юклама “а”га тўғри келиб, гап хотимасида қўлланилган.

Сабаб кўрсатиш: Инглизлар бирор вазият ҳақида ахборот берганларида, илтимос ёки таклиф қилганларида албатта сабаб қўрсатишга одатланганлар. Масалан, шунчаки *“Don’t wear jeans!”* -“Жинси шим кийманг!” эмас, *“Oh, there is one thing, though. It's going to be formal. So, no jeans. In fact, well, I invited Miss H. She's going to wear along dress.”*[70]- “Ҳа, айтганча, яна бир нарса. Расмий тадбир бўлар экан. Шунинг учун жинси кийилмайди. Мен Ҳ.хонимни ҳам таклиф қилдим, у узун кўйлакда келар экан.” С.Фукушима ва Ю.Ивата[71]тингловчини рози қилишга уриниш ва сўзловчи томондан босим бўлишига йўл қўймаслик мақсадида сабаб кўрсатилади, деб таъкидлайди.

Тингловчининг ҳолатини инобатга олиш: Инглиз нутқий этикетида суҳбатни тўсатдан илтимос қилиш ёки бирор нарса сўрашдан бошлаш беҳурматлик саналади. Ҳол-аҳвол сўраш ва *"Do you have a minute to talk?"* – “Суҳбатлашишга бир дақиқа вақт ажрата оласизми?” каби кириш иборалардан сўнг илтимос ифодаланиши этикет қоидаларига мувофиқ тушади.

[70] Fukushima S. and Iwata Y. Politeness in English // JALT Journal,. - Japan, 1985. -Volume 7. - № 1. - P. 5.
[71] Ўша манба.

Юқорида таъкидланган ***FSA***ни ифодаловчи тамойиллар ўзбек ва форс тилларида ҳам мавжудлиги, уларнинг баъзан инглиз нутқий маданиятига ўхшаш томонлари борлигини кўрсатади.

• ***FTA ни ифодаловчи нутқий этикет бирликлари:***

Сайқаллаш: нутқнинг императивлигини яшириш, жиддий мазмундаги хабарни юмшатиш. Бунда a bit, kind of, minor, a few каби сўзлардан фойдаланилади. "You have only minor mistakes" – "Сизда озгина хатолар бор" (асл маъноси: "Сизда жуда кўп хато бор"), "I am a bit tired" –"Мен бироз чарчадим" (асл маъноси: Мен жуда чарчадим), "Jeans are kind of out"-"Жинси қисман кийилмайди" (асл маъноси: Жинси кийиш умуман мумкин эмас.)

Мавҳум бўлиш: Аниқ мақсад тўғридан-тўғри ифодаланмайди. Жумла ҳурматни ифодалаш учун ўтган замонда тузилади ва "wonder if" бирикмаси билан бошланади. Мисол: *"I was wondering if you would be free at that time."* "Сиз шу вақтда бўш бўлармикинсиз?" Бунда "wonder" сўзи асл "ажабланмоқ" маъносини йўқотади.

Сўзловчи ва тингловчи имперсонализацияси: Бу тамойилда нутқда I-шахс бирлик олмоши "мен" ва II-шахс бирлик ва кўплик олмошлари "сен", "сиз" сўзларини қўлламасликка ҳаракат қилинади. Масалан, *"We're thinking of wearing long dresses."*-"Биз узун кўйлак киямиз деб ўйлаяпмиз." Бунда I-шахс кишилик олмоши ўрнига I-шахс кўплик олмоши қўлланиб, сўзловчи имперсонализацияси акс этган. *"I'm asking people to come at seven o'clock sharp"*- "Мен ҳаммадан роппа-роса соат 7 да келишларини сўрайман." (Сиздан роппа-роса соат еттида келишингизни сўрайман.)

П.Браун ва С.Левинсон, Р.Лакофф, Г.Лич ҳамда П.Грайс каби назариётчи олимлар илгари сурган нутқий этикет тамойилларини ўрганиб, ўзбек ва форс тилларидаги нутқий этикет бирликларини ўрганишда энг мақбул келадигани Браун ва Левинсон назарияси деб топилди ва форс ва ўзбек нутқи тадқиқига татбиқ этилди.

Нутқий этикет бирликлари бевосита халқнинг маданияти, менталитети, диний қадриятлари, инсонларнинг ҳиссиётлари билан боғлиқлиги боис, уларни лингвопрагматик жиҳатдан чуқур ўрганишни тақозо этади.

Лингвопрагматика биринчи бўлиб ғарб тилшунослигида намоён бўлди, Британия олими Г.Лич[72] уни қуйидагича жадвалда акс эттирган:

Жадвал № 3.



[72] Leech G. Principles of Pragmatics. – London: Longman Publ., 1983. – 250 p.



Лингвопрагматика - прагмалингвистика ва социопрагматиканинг ўртасида жойлашади.

Бу ерда лингвопрагматика вербал мулоқотнинг икки асосий компонентлари орасида керакли ҳалқа (занжир) вазифаси билан фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Лингвопрагматика ҳам тил тизими, ҳам сўзловчининг когнитив муҳити орасидаги мослашувни белгилайди. Бу умумий прагматиканинг бошқа бирор қисмига мос келмайди. Жумладан, прагмалингвистика, кўпроқ грамматик хатоларни текширишга мойил бўлиб, нотўғри грамматикани қўллаб билдирилган фикр англашилмовчиликка олиб келишини мисол қилиш мумкин.

Ижтимоий меъёрлар ва тил ўртасидаги боғлиқлик лингвопрагматика доирасида ўрганилиб, қисман социология ва қисман лингвистикани ўз ичига

олади. С.Левинсон[73] таъкидлаганидек, жамият вакиллари билан муваффақиятли мулоқотга киришиш ва ижтимоий қонун қоидаларга риоя қилиш учун социопрагматика, яъни ижтимоий онг, хулқ-атвор, менталитет каби маданий қадриятларни назарий жиҳатдангина билишнинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга прагмалингвистика, яъни жамият тилига боғлиқ лингвистик қонун-қоидаларини билиш билан чекланиш ҳам тўғри келмайди. Бу ҳолатда лисоний ва ижтимоий меъёрларни боғлаб ўрганувчи лингвопрагматика мақбул йўналиш саналади.

Лингвопрагматика кўзда тутилган мақсадга эришишда лисоний воситалардан фойдаланишни таъминловчи инсонга хос қобилият қоидаларидир.

Лингвопрагматика тилнинг фаол нутқий мулоқотдаги қатъий белгиланган шакли ва белгиланган ижтимоий-прагматик тамойилларидир. (the study of the fixed forms of a language that have fixed socio-pragmatic values in actual verbal communication.)

Москва давлат лингвистика университети илмий журналида лингвопрагматика ҳақида қуйидагича таъриф берилган: Бу янги лингвистик мавзу бўлиб, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан тадқиқ қилина бошланди. У семантика, стилистика, риторика, коммуникатив синтаксис, дискурс назарияси, қисман психолингвистика ва социолингвистика билан чамбарчас боғлиқдир. Бу соҳанинг муаммо доираси аниқ, тиниқ эмас. Лингвопрагматика сўзловчининг мақсади ва сўзловчининг суҳбатдошга бўлган муносабатини белгилашни ўрганади.

Лингвопрагматика қуйидагиларни ўрганади:

- нутқ актлари назарияси; сўзлаш мақсади ва нутқ актлари турлари;
- суҳбат олиб бориш қоидалари; нутқий этикетнинг аҳамиятли томонлари;
- мавҳумлаштирилган фикр, қочириқ, кўчирма нутқий актлар;

[73] Levinson S. Pragmatics. Cambridge: Cambridge University Press, 1983.

- дискурс масалалари.[74]

Таъкидлаш жоизки, нутқий актлардаги этикет кўринишлари вербал бирликлар билан бирга, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган новербал (паралингвистик) воситалар орқали ҳам халқнинг турмуш тарзи, қадриятлари, менталитети, ҳамда географик жойлашуви ҳақида маълумот беради. Масалан, рус ва бошқа Европа халқларида қўл бериб сўрашиш Японияда тушунмовчилик, ҳурматсизликни келтириб чиқарса, баъзи араб давлатларида эркакларнинг ўпиб кўришиши бошқа миллат вакиллари учун ғайриоддий кўринади. Янги Зеландияда кишилар саломлашганда бурун бурунга уруштирилиши, айрим шарқ халқларининг таъзим қилиши, тибетликларнинг саломлашиш тариқасида бир-бирларига тилларини чиқариб кўрсатишлари ҳам этикет қоидаларининг турфалигига мисолдир. Новербал ва вербал воситалар мисолида муайян миллат ёки халқнинг ижтимоий ҳаёти, тарихи, маданиятининг ўрганилиши нафақат тилшунослик, балки бошқа соҳалар учун ҳам муҳим илмий хулосалар бериши мумкин.

Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик жиҳатдан тадқиқи икки ёки ундан ортиқ халқнинг ўзаро бир-бирларининг маданияти, менталитети, эътиқоди, анъаналари, қадриятларини кенгроқ англаш, мулоқотда прагматик хатоларга йўл қўйилмаслик, маданият тушунчалари ҳақидаги билимларни ошириш имкониятини кенгайтиради. Бу эса ўз навбатида миллат, миллат тили, жинс, ёш, мавқе, этник келиб чиқиш, иқтисодий ҳаёт, дин каби омилларнинг нутққа таъсири масаласини янада ойдинлаштиради.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Нутқий этикет бирликлари термини Ғарбнинг аксарият илмий манбаларида “Politeness”, рус тилида “этикетные формы”, “вежливость” тарзида

[74] Малюга Е. Н., Попова К. В. Лингвопрагматика речевых стратегий в социальной рекламе // Вестник Московского государственного областного университета (электронный журнал). 2018. № 4. URL: www.evestnik-mgou.ru.

қўлланади. Politeness тушунчаси ҳам вербал, ҳам новербал этикет қоидаларини билдиргани боис нутқий этикет бирликлари терминини инглиз тилига таржима қилганда “Verbal Politeness” деб аташ мақсадга мувофиқ;

2) ғарб маданиятида (АҚШ, Италия, Испания, Франция каби давлатларда нутқ этикети негатив фейс (босим ўтказмаслик) ҳамда сайқаллашларсиз тўғридан тўғри фикрни ифода этиш тамойиллари етакчи эканлиги аниқланди;

3) рус илмий ва амалий манбаларига кўра, инглизларда ва шарқ халқларида носамимий бўлса-да, ҳурмат юзасидан қўлланилувчи бирликларга рус халқи салбий муносабат билдиради ва “иккиюзламачилик”, “ёлғончилик” деб қораланади. Нутқий этикет бирликларини чин дилдан ифодалаш муҳим саналади. Самимий муносабатларда позитив фейс, расмий муносабатларда эса негатив фейс етакчи ўрин эгаллайди;

4) Британияда нутқий этикет бирликларини қўллашда нутқни сайқаллаш, фикрни аниқ ифода этмаслик (мавҳумлик), босим ўтказмаслик тамойиллари устун келиши позитив ва негатив фейс ифодалари билан кузатилади.

1.2. Ўзбек нутқий этикет бирликларининг манбаси ва илмий-назарий асослари

Шарқ халқларида сўз ва сўзлашув маданиятига эътибор жуда қадим замонлардан шаклланган. Сўзнинг қудрати ва унинг кучи доимо зиёлилар, алломалар ва мутафаккирлар эътиборида бўлган.

Абу Райҳон Беруний “Геодезия” асарида нутқ мезонлари, балоғат (нотиқлик) илми ҳақида фикрлар билдириб, бир тилнинг иккинчи тилга ўгирилишида миллат тилининг ўзига хос характерини ҳисобга олиш

муҳимлигини мисолларда акс эттиради[75]. Олим "Наҳв насрда ва аруз назмда айтилган сўзнинг меъёрини ўлчовчи ва хатосини тузатувчи аниқ иккита мезон бўлиб қолди, лекин наҳв булар иккисининг умумийроғидир, чунки у насрни ҳам, назмни ҳам биргаликда ўз ичига қамраб олади. . . Хуллас, яхши нутқ тузиш учун наҳв, аруз, мантиқ фанлари ҳамкорлигидан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг бирортасига аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидаси бузилиши қолган иккитасига таъсир қилмай қолмайди," деб таъкидлайди.[76]

Абу Наср Фаробий (870-950) ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асарида мазмундор ва тугал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқ чамбарчас боғланган бўлиши кераклигини таъкидлайди. "Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласига) келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман. Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган номларни қандай тартибга солишни ҳамда нарсалар (субстанция) ва ҳодисаларнинг (аксиденция) жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни тузишни ўргатади. Учинчи илм мантиқдир: маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз."[77]

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "Мафотихул – улум" –"Илмлар калитлари" асарида ўша давр нутқ маданияти масалалари –иш юритиш сўзлари, адабиётшунослик истилоҳлари ҳақида маълумот беради.[78] Жумладан, биринчи

[75] Бируни А.Р. Избранные произведения. Геодезия. [Djv- 9.5M]. Исследование, перевод и примечания И.Г. Булгакова. Художник И. Икрамов. - Ташкент: Издательство «Фан» Узбекской ССР. Академия наук Узбекской ССР. Институт востоковедения им. Бируни, 1966. – Том 3. – 170 с.

[76] Бируни А.Р. Избранные произведения. Геодезия. [Djv- 9.5M]. Исследование, перевод и примечания И.Г. Булгакова. Художник И. Икрамов. - Ташкент: Издательство «Фан» Узбекской ССР. Академия наук Узбекской ССР. Институт востоковедения им. Бируни, 1966. – Том 3. – 170 с.

[77] Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 320 б.

[78] Van Vloten. Mafatih al-olum. Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmad ibn Yousof al-katib al-Khowarizmi. - Lugduri — Batavorum, 1895.

қисмнинг иккинчи бўлими каломга (22-41 бетлар) бағишланган бўлиб, у етти бобдан иборат. Биринчи бобда каломда ишлатиладиган фалсафий терминларга қисқача талқин берилади ва улар дин аҳли томонидан қандай тушунилиши қайд этилади. “Мафотиҳ ал-улум” биринчи қисмининг учинчи бўлими (41-53 бетлар) грамматикага бағишланади. Ўн икки бобдан иборат бу бўлимда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий араб тили хусусиятлари ҳақида сўз юритади. Асарнинг 53-79 бетлари иш юритишга бағишланган.[79]

Сўз маданиятига оид муҳим фикрлар баён этилган асар сифатида Кайковуснинг “Қобуснома”сига алоҳида тўхталиш жоиз. Асарнинг олтинчи ва еттинчи боблари махсус сўз одобига бағишланган. Жумладан, “Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин. Бу сўзни халқ қабул қилсин.” “Эй фарзанд, агар ҳар нечаким сухандон бўлсанг, ўзингни билағондан камроқ тутғил, то сўзлаш вақтида нодон ва бебурд бўлиб қолмағайсан. Кўб билиб, оз сўзлағил ва кам билиб кўп сўз демағил. Нима учунки, ақлсиз шундоқ киши бўладур: у кўп сўзлар. Дебдуларки, хомушлик саломатлик сабабидир, чунки кўп сўзлагувчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар.” Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!”[80] каби чиройли сўзлаш бўйича панд-насиҳатлар, фикрлар келтирилади.

Шунингдек, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий ва бошқа алломалар асарларида ҳам нутқнинг таъсирчан бўлиши, сўзлашиш ва сўз одоби хусусида қимматли фикрлар келтирилган.

Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, ”Назм ул-жавоҳир” асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши

[79] Р.М.Баҳодиров. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - Б. 9-13.
[80] Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси мабуотни қўллаб қувватловчи жамғарманинг “Истиқлол” ноширлик маркази, 1994. – Боб 7. – Б. 35-42.

билан бирга, унинг мукамаллашишига ҳам катта улуш қўшди. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да шундай ёзади: “*Тил мунча шараф била нутқнинг олатидир ва ҳам нутқдирки, гар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур. . .* ” (Мазмуни: тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир, агар у ўринсиз ишлатилса, тилнинг офатидир).

Алишер Навоий майин, ёқимли, ширали овоз билан сўзлаш ҳақида шундай дейди: *“Сўзни кўнглингда пишқармагунча тилга келтирма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса, тилга сурма”.* (Мазмуни: Сўзни кўнглингда пишитиб олмагунча, сўзлама, кўнглингда бўлган ҳар қандай фикрни ҳам айта берма).

“Маҳбубул-қулуб” (Кўнгилларнинг севгани)нинг 24 - боби воизликка бағишланган. Унда воизлик борасида қуйидаги фикрлар келтирилади:

“Воиз керакки, “қолаллоҳ” (Аллоҳ деди) сўз айтса ва “қола расулуллоҳ” (Аллоҳнинг элчиси деди) мухолафатидин қайтса, худо ва расул йўлиға қадам урса. Ўзи киргандин сўнгра насиҳат била элни ҳам кивурса. Юрумаган йўлга элни бошқармоқ, мусофирни йўлдин чиқармоқдур ва биёбонға кетурмак ва бодияда турмакдур. Усрукки, элга буюрғай хушёрлиқ - уйқувчидекдурки, элга буюрғай бедорлиқ. Уйқусида сўз деган жевлигон бўлур ва дегандек қилмоқ не деган бўлур.

Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур. Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар.

Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай. Воизким, бўлғай олим ва мутаққий - анинг насиҳатидин чиққан шақий. Улки, буюруб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай. Назоирхон била сургувчи мақол - дастиёр била йирлағувчи қаввол.

Қитъа:

Воизки, дастёрсиз ўлмас сухангузор,

Анга ёроду (мусиқа асбоби) мунга аёлғувчи (куйнинг чўзиқ нағмаларини ижро этувчи) ҳукми бор.

Тенгри сўзин аёлғувчи бўлмай дей олмағай.[81]

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашлар баён этилган. Навоий бу асарида сабр, қаноат, камтаринлик (Муқбил ва Мудбир), вафо, ҳаё, карам (мурувват), саховат, ҳиммат, олижаноблик, мардлик, ҳилм (мулойим табиатлилик), дўстлик, илмга амал қилиш, ширинсўзлик, ростгўйлик каби фазилатларни улуғлайди, аксинча, бахиллик, бадфеъллик, ҳасадгўйлик, чақимчилик, хасислик, ёлғончилик, тамагирлик, нодонлик (билимсизлик), такаббурлик, майхўрлик (бадмастлик), баднафслик (очкўзлик) каби ёмон иллатларни қаттиқ қоралайди: “Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар. Кўп сўзловчи – зериктирувчи. Киши айбини гапирувчи – ўзига ёмонлик соғинувчи (бировларнинг айбини излашдан кўра, одам ўз айбларини топиб, улардан қутулиши оқилликдир). Навоий хушмуомала, очиқ юзли одамларга “Очиқ юзидан халойиққа хурсандлик..”, “тилини тиёлган одам – донишманд, оқил.”.[82] деб таъриф беради.

Ўзбек бадиий нутқи тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг назми ва “Бобурнома”си ўзбек нутқининг гўзал намуналаридир. Бобур ўзи ҳаммабоп ёзиш билан бирга бошқаларга ҳам шундай иш тутишни маслаҳат беради. Жумладан, ўғли Ҳумоюнга ёзган бир хатида бировга юборилган мактубни муаллифнинг ўзи бир неча бор ўқиб кўришига, унинг равонлиги, сўзларнинг кўзда тутилган маънони тўғри акс эттирганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг жўнатишга чақиради. “Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқуғучига…”[83]

[81] Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида. – Фасл 24. – Б. 16-17. www.ziyouz.comкутубхонаси

[82]https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/alisher-navoiy/

[83] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Тошкент: Юлдузча, 1990.

Кўринадики, Шарқ мутафаккирлари нотиқ олдига тилни пухта ўрганиш, унинг тил бойлиги ва грамматикасини пухта эгаллаш, мантиқли сўзлашни ўрганиш, нутқни ички (мазмун) ва ташқи (шакл) кўринишига бирдай эътибор бериш, гўзал ва таъсирчан нутқ туза билиш, тил бойликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларини қўядилар, уларнинг ижросини кузатиб, чуқур таҳлил этадилар.

Юқорида номлари зикр этилган мутафаккирлар ижодида нутқий этикет алоҳида илм ёки назария сифатида махсус ўрганилмаган бўлса-да, улар яратган турли соҳага оид асарларда бу масалага махсус боб ёки фасл ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистонда нутқий этикет масаласининг махсус тадқиқот объекти сифатида кун тартибига қўйилиши XX асрнинг охирларига тўғри келади. Э.Бегматов, С.Иномхўжаев, Ш.Искандарова, Ё.Тожиев, А.Арипова, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, Қ.Мўйдинов, А.Мўминова [84] сингари тадқиқотчилар илмий изланишлари ўзбек мулоқоти масалаларига бағишланган бўлиб, нутқ маданияти, нотиқлик санъати ва нотиқлик услуби қатори ўзбек нутқ маданияти соҳасининг ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшган. Ҳ.Ҳожиева[85], С.Мўминов[86],

[84] Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. –Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – 40 б.; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 104 б.; Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент : Фан, 1998. – 51 б.; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Тошкент, 1992. – 160.; Искандарова Ш. Ўзбек нутқи одатининг мулоқот шакллари. Автореферат. – Самарқанд: 1993. – 25 б.; Жабборов Ж. Муомала маданияти 1997, Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари.– Тошкент : Маънавият, 1999. – 64 б.; Бегматов Э. Олий таълим тизимида нутқ маданиятининг ўрни. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999; Арипова А. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари. Автореферат. –Тошкент, 2002; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 188 б.; Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2011. – 63 б.; А.Мўминова (2015) Узбек Нутқ этикети: “Сиз” ва “Сен”нинг ифодаланиши; Мўйдинов Қ. Ўзбек тили суд нутқи лексикаси. Диссертация. –Тошкент, 2019. – 142 б.

[85] Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти. – Самарқанд, 2001. – 130 б.

[86] Мўминов С. М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Диссертация. –Тошкент, 2000. – 235 б., Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 176. б.

Б.Рахматиллаева[87], М.Саидхонов [88] ишлари нутқ маданияти махсус тадқиқ этилган изланишлар сирасига киради.

Ҳ. Ҳожиеванинг “Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти” номли ишида ҳурмат майдони воситалари структур-семантик-функционал жиҳатдан ўрганилган.

Ҳ.Ҳожиева грамматик категория терминига асосланмасликни, уни майдон деб аташни таклиф қилади. Ҳурматга дахлдор лисоний ва нолисоний воситалар структураси ҳамда майдон воситаларининг лисоний ва матний маънодошлигини ўрганиш, ўзбек тили грамматик қурилишининг бош хусусияти-тежамкорликка асосланиб, майдон воситаларининг ўринли-ноўрин, тўғри-нотўғри қўлланишини изоҳлашни мақсад қилади ва қуйидаги натижаларга эришганини таъкидлайди: а) ҳурматнинг ифодаланиши лисоний (феълнинг шахс, сон, ҳурмат қўшимчаси, от ва отлашган сўзлар, сўзнинг ўзак-негизи, сўз бирикмаси ва оҳанг) ва нолисоний воситаларга (ижтимоий муносабат ва эгилиб таъзим қилиб, қўлни кўксга қўйиб салом беришлар назарда тутилади) ажратилди; б) ҳурмат воситаларининг қўлланиши ижтимоий омил (кишиларнинг табақа/синфга мансублиги, жинси, масъулияти, ёши, яқин-яқин эмаслиги, лавозими) билан боғлиқлиги аниқланди; в) ҳурмат майдони воситаларида нутқий маънодошлик мавжудлигига ҳам ойдинлик киритилди. Жумладан, феъл ва отнинг ҳурматга дахлдор қўшимчалари билан олмошнинг маънодошлиги тадқиқ қилинди; г) ҳурматни ифодалаш учун – *лар* кўплик қўшимчаси қўшиб ишлатилиш ҳоллари феълнинг шахс-сон қўшимчалари, кишилик олмоши, эгалик қўшимчаси, эга ва кесимларда учраши аниқланди; д) ҳурмат майдони ядро (феълнинг ҳурмат категорияси), марказ (отнинг ҳурмат категорияси, кесимлик ва олмош) ва ҳурматга муносабат мавжуд бўлмаган чекка қисм (сифат, равиш, сифатдош, ҳаракат номи)га бўлиниши

[87]Рахматиллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским). Автореферат. - Ташкент, 1992.-18 с.

[88] Саидхонов М.М.. Новербал масалалар ва ўзбек тилида уларнинг ифодаланиши. Автореферат. – Тошкент, 1993. – 26 б.

белгиланди; е) ҳурматни категориал маъно эмас, балки майдон деб қараш уни атрофлича таърифлашга имкон беради.[89]

С.Мўминовнинг" [90] ишида мулоқот хулқи муаммосининг назарий масалалари, психолингвистик аспектлари, ҳудуд ва жинс жиҳатдан хосланиши тадқиқ этилган. Тадқиқотда ўзбек халқига хос камтарлик, камсуқумлик бошқа халқлар маданиятдан фарқ қилиши, ўзбек нутқида руҳий кесим аксарият ҳолларда грамматик кесим ва ундан олдин турадиган бўлак зиммасига тушиши, мулоқотда, ҳаттоки, сукут ҳам лисоний ахборот воситаси, услубий фигура сифатида иштирок этиб, ситуатив, психологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос коммуникатив мазмунни ифода этиши; муносабат ифодалашнинг вербал, новербал ва аралаш воситалари мавжуд бўлиб, у кишиларнинг миллати, жинси, ёши ва бошқа ижтимоий белгилари билан боғлиқ ҳолда турлича ифодаланиши каби фактлар аниқланган ва бадиий асар матнлари воситасида далилланган. Шу билан бирга, нутқнинг ҳасрат тури ва унинг адресант руҳиятига ва физиологиясига таъсири ҳақида ўзбек тилшунослигида илк бор назарий фикрлар (адресантнинг реал ҳамсуҳбат, ҳаёлий ҳамсуҳбат, иллюзор ҳамсуҳбат, бадиий персонажларга ҳасрати) баён қилингани таъкидланади. Тадқиқотнинг охирги бобида "сен" ва "сиз" олмошларининг ҳудудий фарқланиши; нутқнинг жинс жиҳатдан фарқланиши (муаллифнинг фикрича, эркакларга қўполлик, қаттиққўллик қанчалик ярашса, аёлларда мулойимликка йўғрилган нозиклик, хушмуомалалик шу қадар ярашади); мулоқот хулқининг инсон машғулоти билан боғлиқ ҳолда шаклланиши; мулоқот хулқининг ёш жиҳатдан катта фарқ қилмаслик даври болалик ва кексаликка тўғри келиши (руҳий жиҳатдан иккала жинсга мансуб бола ва кекса ёшдаги коммуникантда ҳасрат, сергаплик ва эзмаликка мойиллик кучайиб боради) қайд

[89] Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти. – Самарқанд, 2001. – 130 б.
[90] Мўминов С. М.. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Диссертация. –Тошкент, 2000. – 235 б.

этилади. Шунингдек, нутқий актлардан мурожаат шакллар ҳудудий жиҳатдан тасниф қилинган.

Б.Раҳматиллаева изланишида ўзбек ва рус тилларида кишлараро мурожаат қилинганда исмларнинг қўлланилиши: уларнинг қисқартирилиши, исмга қўшимчалар қўшилиши, ном олдидан сўзлар қўлланилиши каби этикет шакллар ва уларга оид экстралингвистик омиллар таъсирини чоғиштириб таҳлил қилади. Тадқиқот натижаларига кўра, адресат ва адресантнинг этикет шаклларини танлаши уларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, таълим-тарбияси, шунингдек, танишлик даражаси, нутқларининг эмоционал белгиси ва сўзлашиш шароити билан боғлиқлиги тасдиқланди; рус тили нутқи мурожаат шақларини қўллашда эр-хотиннинг ўзаро нутқи расмий (рус тилида исм ва отасининг исми, ўзбек тилида эрнинг аёлига исми, хотиннинг эрига исми ёки “ака” сўзи, ёҳуд фарзандининг исми билан мурожаат этиши) ва норасмий (рус тилида исм, ўзбек тилида расмий билан бир хил) вазиятлардаги этикет шакллари чоғиштириб ўрганилди; исмларда суффиксация ҳар икки тилда ҳам маъно экспрессивлигини ошириш ва ижобий оттенкаларни намоён қилиш вазифасини бажариши белгиланди; рус тилида яқин кишиларга тўлиқ исм билан мурожаат қилиш норозиликни ифодалаш мақсадида қўлланилиши ва бу ҳолатнинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги аниқланди. Барча ашёвий мисоллар рус ва ўзбек бадиий асарларидан олинган.

М.Саидхоновнинг диссертациясида[91] паралингвистика (мулоқотга хизмат қилувчи рамзлар, шартли белгилар, имо ишора каби воситалар)да новербал воситаларни интралингвистик ва экстралингвистик омиллар нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. Муаллиф натижаларига кўра, тадқиқотда ўзбек тилшунослигида илк марта ўзбек алоқа аралашувида ишлатилувчи новербал воситалар монографик таҳлил қилинган; новербал воситаларнинг ишлатилиш ўринлари,

[91] Саидхонов М.М.. Новербал масалалар ва ўзбек тилида уларнинг ифодаланиши. Автореферат. – Тошкент, 1993. – 26 б.

мулоқот турлари бадиий асарлар асосида тасниф этилди; новербал воситаларнинг вербал ифодаси бўлмиш ишора феълларининг кенг маънода номинатив хусусияти аниқланди ва ишора ифодасининг мазмуний, тузилишга кўра, услубий жиҳатлари ўрганилган.

1) Шарқ халқларида нутқ маданияти масалаларига қадимдан қизиқиш билан қаралгани мутафаккирлар ижодида бу мавзуга махсус боб ёки фасл ажратилганлиги билан далилланади;

2) ўзбек тилшунослигида нутқий этикет масалалари махсус тадқиқот объекти сифатида XX асрнинг охирларидан бошлаб ўрганилди, тадқиқотларда морфологик ва синтактик бирликларининг ҳурмат майдони воситалари сифатида хизмат қилиши; нутқнинг жинс, ёш, ҳудуд жиҳатдан фарқланишининг маълум даражадаги тадқиқи; мурожаат шаклларининг структур-семантик таҳлили; шу билан бирга, новербал нутқий этикет бирликлари тасниф этилди;

3) илмий тадқиқотларда нутқий этикет бирликлари маъносини англатувчи хушмуомалалик, назокатлиликнинг ифодаланиши, мулоқот хулқи бирликлари, этикет шакллари каби терминлар ўзбек тилшунослари томонидан қўлланилган, аммо нутқий этикет бирликлари термини кузатилмади;

4) амалга оширилган илмий ишларда тадқиқ усули тавсифий, қиёсий, систем ёндашув, компонент ва контекстуал таҳлилларга асосланган;

5) лингвопрагматика доирасида эмпирик тадқиқот усули (жонли ва ёзма нутқ кузатуви, интервью, сўровнома, CASIC -Computer assisted survey information collection – Компьютер ёрдамида маълумот йиғиш тадқиқоти) ва статистик таҳлил кузатилмайди.

1.3. Форсий таорифларнинг лингвомаданий хусусиятлари

Таорифлар форс тили ва маданиятининг “энг нозик нуқтаси”[92] ҳамда “ижтимоий муносабатлар модели”[93] (الگوي ارتباط اجتماعي) деб эътироф этилади. Тaориф[94] (تعارف) сўзи ижтимоий хулқ-атвор, ҳақиқий ёки сохта мулозамат, нутқий этикет каби маъноларда қўлланади. Этимологик жиҳатдан сўз араб тилидан ўзлашган бўлиб, “учрашмоқ”, “таниган киши билан кўришмоқ” маъноларини англатади, форсийда таориф семантик кенгайишга учраб, нафақат саломлашув, балки нутқнинг бошқа вазиятларида ҳам қўлланадиган “ширин муомала”ни англатади. Аммо, таориф сўзини бошқа тилга тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди.

Ўрта асрлар форс тилида ёзилган шеърий манбаларда шоирлар асарларини шоҳ ва сарой аҳлини мадҳ этиш билан бошлайди. Мадҳ билан бошланувчи бундай мисраларни оддий халқ вакиллари ҳам ёд олиб, бора-бора ширинсуханлик, мадҳ (мақтов) кундалик суҳбатларга ҳам кириб келган ва таориф тушунчаси билан мукаммаллашган.

Таориф истилоҳининг форсча изоҳли ва форсча-инглизча луғатларда қуйидаги маънолари учрайди: Юмшоқ тиллик, асалли (ширин) иборалар, ҳурмат кўрсатиш, ҳадя қилиш, таклиф қилиш, мулойимлик, нозиклик, назокатлилик, расмийлик, хушомадгўйлик, алқов, камтарлик, салбий кайфият ёки ҳиссиётни назорат қилиш-жиловлаш, оғир-босиқлик, ҳамдардлик, раҳмдиллик[95].

---

[92] Koutlaki S. The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.

[93] يكي از مشتركات تمام فرهنگ ها الگوهاي «آداب معاشرت» است. آداب معاشرت عبارت است از هنجارهاي گفتاري و رفتاري كه تعيين مي كند فرد در موقعيت خاص اجتماعي چگونه به نحو قابل قبولي «خود» را ارائه و با «ديگري» ارتباط برقرار كند. در نتيجه ، آداب معاشرت نوعي «الگوي ارتباط اجتماعي» است كه در چارچوب آن افراد با يكديگر به تعامل مي پردازد.
شايلي عليرضايي. تعارف در فرهنگ مردم ايران.
Шайли Алирезаи. Ежемесячный исследовательско-культурный журнал. Тегеран: общее управление по исследованию в радио.

[94] Қуронбеков А., Воҳидов А., Зияева Т. Форс тили дарслиги. – Тошкент: Мусиқа, 2006. – Б. 8. (ўзбек тилида “таориф” деб қайд этилган.)

[95] دهخدا، علي اكبر، فرهنگ لغات دهخدا، شمارة حرف ت، : 6 چاپخانه دانشگاه تهران، شهريور 1342
Haym S. The shorter English-Persian dictionary. – Tehran: Yahuda Brukhim, 1960.

Муин “Farhange Moin” луғатида таорифнинг тубандаги маъноларини келтиради:[96]

خوشامد گفتن - [xoṣamäd goftän] хушомад айтиш;

پیشکش دادن– [piṣkäṣ dadän] таклиф қилиш;

اضهار آشنای کردن– [ezhare aṣnayi kärdän] танишиш;

احترام و سپاسگذاری– [ehteram vä sepasgozari] ҳурмат ва миннатдорлик билдириш.

Эрон тилшунослари[97] таорифни бешта тушунчанинг жамланмаси, деб таъкидлайдилар. Улар:

1. ادب [ädäb]- мулойимлик, хушфеъллик, одоб;
2. احترام [ehteram] -хурмат;
3. رودربایستی [rudärbayesti] - ҳаё ва шарм;
4. تواضع - [tävazo’] - камтарлик;
5. مهماننوازی– [mehmannävazi] - меҳмондўстлик.

Таорифлар эрон халқининг нутқ маданиятида жуда қадим даврлардан мавжуд. Аммо илмий-назарий нуқтаи назаридан таорифларининг ўрганилиши XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Ч.Ходж[98], Р.Асади[99], М.Хиллман[100], В.Биман[101], А.Рафи[102], С.Коутлаки[103], М.Асжоти[104], З.Акбари[105] , Р.Эсломи[106],

---

[96] معین، محمد. فرهنگ فارسی (شش‌جلدی). تهران: مؤسسهٔ انتشاراتي اميركبير. ۱۹۷۳

[97] R.Sahragard. A cultural script analysis of a politeness feature in Persian. Proceeding of the 8th Pall conference in Japan, (2004). 2004. P. 399-423.

[98] C.Hodge. Some aspects of Persian style // Language. – Maryland, 1957. - volume 33. - P. 335-369.

[99] Assadi R. Deference: Persian style // Anthropoligical linguistics, 1980. - volume 22. - P. 221-224.

[100] Hillmann M.C. Language and social distinctions in Iran. In M. Bonine and N.R.Keddie (eds), Modern Iran: Te Dialectics of Continuity and Change. - Albany: State University of New York Press, 1981. - P. 327–340.

[101] Beeman W.O. Language, status and power in Iran. - Bloomington: Indiana Univeristy Press, 1986.

[102] Rafiie A. Variables of communicative incompetence in the performance of Iranian learners of English and English learners of Persian. – London: University of London, 1991.- 750 p.

[103] Koutlaki S.The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.

[104] Asdjodi M. A comparison between ta’arof in Persian and limao in Chinese // International Journal of the Sociology of Language. – Germany, 2001. - № 148. - P. 71-92.

[105] Akbari Z. The Realization of Politeness Principles in Persian. - Isfahan, 2002. URL:https://www.researchgate.net/publication/252820379_The_Realization_of_Politeness_Principles_in_Persian

[106] Eslami R.Z. Face-keeping strategies in reaction to complaints: English and Persian // Journal of Asian Pacific Communication, 2004. - №14 (1). - P. 179–195.

Ф.Шарифиён[107], Р.Саҳрогард[108], М.Алиакбари,[109]К.Собери[110], М.Кешоварз[111], Г.Нонбахш [112], З.Аҳмади [113] ва С.Мюллер [114] каби бир қатор олимлар таорифларнинг турли қирраларини ўргандилар ва уларнинг изланишлари соҳа назарий асосларининг шаклланишига боис бўлди.

Таорифлар борасидаги жиддий тадқиқотлардан бири *К.Собери* [115] томонидан амалга оширилган. Олим ўзининг "Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting" (Форс тилида мулойимлик формуласи тартиби: саломлашув, хайрлашув, узрхоҳлик, миннатдорлик ва илтимос) номли тадқиқотида кундалик ҳаётда кўп учрайдиган бешта нутқий актда қўлланадиган нутқий этикет бирликлари, уларнинг ижтимоий-маданий вазифалари, қўлланиш вазиятлари, уларга тўғри жавоб билдириш каби масалаларни эмпирик (кўнгилли иштирокчиларнинг ролга кириш тажрибаси) усул билан тадқиқ этади. Олим форс тилидаги нутқий этикетлар борасида кўпгина бошқа манбаларда кузатилмаган қимматли маълумотлар беради, таржима ва изоҳли луғатлардан топиш мушкул бўлган баъзи шеваларга хос этикет бирликларни (دماغت چاق است؟ [demaγet çaγe] (бурнингиз семизми?) – Аҳволингиз яхшими? احوال شریف؟ [ähvale ṣärif] шарафли аҳволингиз?) ҳам тавсифлаб ўтади. Тадқиқотнинг эмпирик

[107]Sharifian F. Cultural schemas and intercultural communication: A study of Persian. In J. Leigh and E. Loo (eds), Outer Limits: A Reader in Communication and Behavioracross Cultures. - Melbourne: Language Australia, 2004. - P. 119–139.

[108]R.Sahragard. A cultural script analysis of a politeness feature in Persian. Proceeding of the 8th Pall conference in Japan, (2004). 2004. P. 399-423.

[109] Mohammad Aliakbari. The Realization of Address Terms in Modern Persian in Iran: A Sociolinguistic Study // Linguistik online, 2008. - № 35 (3). P. 3-12.
Available at: https://www.researchgate.net/publication/242764953

[110]Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. - 314P.

[111] Keshavarz M.H. The role of social context, intimacy, and distance in the choice of forms of address // International Journal of the Sociology of Language, 2001. - № 148. - P. 5–18.

[112] Nanbakhsh G. Persian Address Pronouns and Politeness in Interaction. Ph.D. dissertation. – Edinburgh: University of Edinburgh, 2011. – 231 p.

[113]Ахмади З. Вежливость и понятие «Таароф» в иранской культуре // Наука и Школа, 2014. – № 3. – С. 102–106.

[114] Corey M., Rachel S., Mark V., Claudia M. Ritualized Indirectness in Persian: taarof and related strategies of interpersonal management. – Maryland: University of Maryland. 2014. - 56 p.

[115] Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. - 314P.

методи ҳам ғарб тадқиқотчилари услубида урф бўлган “Role-Play” (ролга киришиш) тажрибаси ҳам қизиқарли фактларни берган. Бизнингча, сунъий ролга киришириш билан бирга табиий нутқ саҳналарини кузатиш ишнинг салмоғини янада оширади.

Таорифларни махсус ўрганган *С.Коутлаки*[116] диссертациясида форс тилига хос таорифни ғарб этикет бирликлари билан қиёслаш ва мавжуд фарқларни мисолларда беради. М., ўзи кузатган харидор ва сотувчи нутқидан намуна ва таорифнинг инглиз тилида мазмунан яқин вариантини келтиради: (Сўзма-сўз таржима ва мазмунан мос ўзбек нутқий этикет бирликлари бизники):

Х- Харидор; С- Сотувчи.

Жадвал № 4.

Х	Оригинал кўриниши ва сўзма-сўз таржима	Мазмуни
	حاجی آقا، حدمت شما. [haj aqa, xedmæte šoma] *Хожи оға, хизматингиздамиз.*	There you are, sir. *Мана марҳамат (пул бераётиб)*
С	قابل ندارہ. [qabeli nædare] *Арзимайди (пулга).*	Please keep it. *Йўғ-эй, олиб қўйинг, пул керак эмас.*
Х	خیلی ممنون، قربان شما. [xeili mæmnun, qorbane šoma] *Катта раҳмат, қурбонингиз бўлай.*	Thank you for the offer, but no, thank you. *Йўқ, раҳмат, ундай қилманг, олинг.*
С	جان من. [jane mæn] *Жоним билан.*	By my soul, I mean it. *Чин дилдан айтяпман.*
Customer gives money to shopkeeper(Харидор сотувчига пул беради)		
Х	خیلی متشکرم از لطف شما. [xeili motšækkeræm æz lotfe šoma] *Меҳрибончилигингиздан жуда хурсандман.*	Thank you for your kindness. *Сизга катта раҳмат.*
С	خواهش می کنم. [xaheš mikonæm]	It’s nothing. *Ҳеч нарса қилмадим-ку.*

[116] Koutlaki S.The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.

	Илтимос қиламан (ундай деманг.)	
Х	خیلی ممنوتم، قربان شما. [xeili mæmnunæm, qorbane šoma] *Катта раҳмат, қурбонингиз бўлай.*	Thank you for everything. *Ҳаммаси учун раҳмат.*
С	زحمت کشیدین، خدا حافظ. [zæhmæt kešidin, xoda hafez] *Овора бўлдингиз, хайр.*	Thank you for the trouble you've taken [for us], goodbye. *Келганингиз учун раҳмат.*
Х	خدا حافظ، موفق باشین. [xoda hafez, movæffæq bašin] *Хайр. Ўйлаганингизга эришинг.*	Goodbye, God bless you. *Хайр. Худо ёр бўлсин.*

Эрон маданиятида сотувчи сотилаётган буюмни икки бор текинга таклиф қилиши ҳақиқий таклиф эмас, балки ҳурмат юзасидан мулозамат саналади. Албатта, харидорнинг ҳам бу таклифни мулозамат билан рад этиши одобдандир.[117]

Тадқиқотда П.Браун ва С.Левинсоннинг фейс назарияси форс тилидаги мисолларни келтириш билан илгари сурилади. Муаллиф нутқий этикет бирликларининг фақат позитив ва негатив стратегияларини мисолларда аниқлайди, аммо ҳар бир субстратегияга аниқлик ҳамда мисоллар билан ойдинлик киритиш кузатилмайди. Нутқий этикет тамойиллари таркибига кирувчи директив ва нодиректив стратегиялар тадқиқ этилмаган.

Сўнгги йилларда таорифлар мавзусида бажарилган тадқиқотлардан яна бири Элҳом Пурмўҳаммадига [118] тегишли. Муаллиф эронликлар билан ўтказилган сўровнома асосида таорифнинг ишлатилиш частотаси, гендер хусусиятлари, таорифга нисбатан муносабат, тааориф қўлланилишдаги юзага келадиган қийинчиликларни текширган. Масалан, "qabele nadare" "Қурбонингиз бўлай" [119] таорифининг савдо-сотиққа доир суҳбатда қўлланиш частотаси

[117]Koutlaki S.The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – P. 88.

[118] Elham Pourmohammadi. The use of "taarof": the generation and gender factors in iranianpoliteness system. - Saskatoon: University of Saskatchewan, 2018. - 112 P.

[119] Elham Pourmohammadi. The use of "taarof": the generation and gender factors in iranianpoliteness system. - Saskatoon: University of Saskatchewan, 2018. - P. 60.

келтирилади. Тадқиқот натижасига кўра, аёллар нутқида таориф частотаси эркаклар нутқига нисбатан камроқ учраши аниқланади. Ёш жиҳатдан солиштиришда ҳам каттароқ ёшли авлод (40 ёшдан катта) таорифни қўллашга ёшлардан кўра мойилроқ эканлигидалиллар билан ифодаланган. Элҳом Пурмўҳаммадининг бу тадқиқоти форс нутқидаги гендер ва ёш омилларини тушунишга ёрдам беради. Бир жиҳат, респондентларнинг миллати бир бўлса ҳам яшаш жойи фарқли бўлгани боис, уларнинг ўртасидаги сезилган фарқлар ҳам берилганда, таорифга бўлган ташқи таъсир элементларига ҳам ойдинлик киритилиши мумкин эди.

А.Афғари ва А.Каримнианинг[120] инглиз ва форс тилларининг кундалик нутқидаги тўрт маданий фарқи чоғиштирма тадқиқи номли ҳамкорликдаги мақоласида саломлашув, мурожаат, алқов ва меҳрибончилик терминлари инглиз тили билан солиштирилади. Бунда нутқий этикет бирликларининг жойлашиш ўрни, асл мазмуни ва англашилиши зарур бўлган мазмуни тавсифланади, инглиз тилидаги инвариант билан мослаштирилиши билан қизиқувчиларга, инглиз ва форс тили ўрганувчиларга самарали маълумотларни беради. Қиёсий изланиш бўлса-да, форс таорифлари тадқиқига кўпроқ мойиллик сезилади, инглиз тили нутқий этикет бирликларининг ўзига хосликлари ҳақидаги маълумотлар четлаб ўтилади.

Таориф масаласига чет эллик эроншунослар ҳам эътибор қаратишган. Хусусан, немис тадқиқотчиси С. Файка[121] “ادب و تعارف در ایران” (ädäb va täarof där Iran) “Эронда одоб ва таориф” номли мақоласида تعارف термини инглиз тилида Iranian Politeness деб номланишига эътироз билдириб, қуйидагиларни таъкидлайди:

[120] Afghari A., Karimnia A. A Contrastive Study of Four Cultural Differences in Everyday Conversation between English and Persian // Intercultural Communication Studies, 2007. - № 16. - P. 243-250.
[121] С.Файка. ادب و تعارف در ایران. – Гамбург: Гамбург университети, 1998. - Б.1-3.

دانشجویان آلمانی تعارف را به "پولایتنس" تعریف می کردند و پژوهشگران ایرانی بر این عقیده بودند که تعارف و" پولایتنس " با هم یکی نیستند. با اینکه ما به کتب و مقالات علمی دربارۀ تعارف رجوع کردیم، به یک تعریف مشترک نرسیدیم، زیرا در این آثار علمی تعارف به "پولایتنس" تعریف شده است.[122]

“Олмония талабалари Таориф “تعارف” билан Politeness терминларини бир хил деб таъриф берадилар. Лекин аксарият тадқиқотчилар бу маълумотни инкор этадилар. Кўпгина илмий мақола, китоблар ўрганилди, аммо якдил таъриф топилмади. Баъзи эроншунослар ҳам, жумладан, В.Биман[123], С.Коутлаки[124] таорифга Politeness деб таъриф берганлар.

С.Файка мазкур мақоласида таориф нутқий бирликлар билан ифодаланса, *politeness* ҳам ҳам вербал, ҳам новербал, яъни ўзни тутиш, хулқ-атворни ҳам белгилайди, деган тушунчани илгари суриб, қуйидаги келтирган мисоли билан фикрини ойдинлаштиради:

به عنوان نمونه، وقتی که یک مهمان به مهمانی میرود و یک پیشکش مانند یک دسته گل را به میزبان هدیه میدهد، این رفتار مؤدبانه به شمار میرود. اما اگر بعد میزبان بگوید که «چرا این کار را کردید؟ لازم نبود، شما خودتان گل هستید! ...» این رفتار تعارف محسوب میشود[125]

Мисол келтирсак, меҳмон меҳмондорчилика бораётганда бир даста гул каби бирор совғани мезбонга ҳадя қилиши “одоб хулқи” ҳисобланади. Лекин мезбоннинг “Нега бундай қилдингиз? Гул олиб келишингиз шарт эмас эди. Ахир ўзингиз гулсизку! ” дейиши таорифдир.

Хуллас, Эрон маданиятида ҳам таориф қадимий ёзма манбалар таркибида мавжуд бўлган, кишилар кундалик суҳбатининг ажралмас қисмига айланган бўлса-да, тадқиқот мавзуси сифатида ўрганишга XX асрнинг сўнгги чорагида киришилган. Форсий таориф билан эронлик тадқиқотчилардан кўра чет эллик эроншуносларнинг кўпроқ қизиқишлари хорижий илмий манбалар салмоғининг

[122]С.Файка. ادب و تعارف در ایران. – Гамбург: Гамбург университети, 1998. - Б.2.
[123]Beeman W.O. Language, status and power in Iran. - Bloomington: Indiana Univeristy Press, 1986.
[124] Koutlaki S.The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.
[125] Ўша манба.

ортиқлиги билан изоҳланади. Таориф сўзини дунё тилларига бир сўз билан таржима қилиш имконсиз. Чунки унинг маъновий доираси кенг ва турличадир. Таориф новербал эмас, вербал нутқий бирликларни ифодалайди деган, фикрни аксарият чет эллик эроншунос тадқиқотчилар маъқуллайдилар.

Эроншунос тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишларнинг мақсади таорифни имконқадар социолингвистик ва прагматик жиҳатдан ёритиш бўлиб, уларнинг тадқиқот методлари эмпирик сўровнома, жонли нутқ кузатуви ва интервьюларга асосланган. Ғарб назарияси таъсирида форс таорифларида ҳам фейс тушунчаси кириб келган бўлиб, инглиз тилида ёзилган манбалар face, форс тилида ёзилган манбаларда آبرو [aberu] термини билан ифода этилган. Фейс назарияси Эрон тилшунослигида нутқий этикет бирликлари ўрганилишида ҳамон янги ва батафсил тадқиқотларга муҳтож нуқта бўлиб қолмоқда.

I боб бўйича хулоса

1. Нутқий этикет ҳар бир халқнинг индивидуал маданияти, қадриятлари ва менталитетига кўра англашилувчи тушунча эканлиги тасдиқланди. Нутқий этикет бирликлари тадқиқот мавзуси сифатида илк бор Японияда XX аср бошларида, ғарбда XX аср ўрталарида, Эрон ва Ўзбекистонда ўтган аср охирларидан ўрганила бошланди.

2. Кузатишларимизга кўра, инглиз, япон, форс, ўзбек тилларида нутқий этикет бирликларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни алоҳида бўлиб, самимий ёки носамимий бўлишидан қатъий назар қўллаш муҳим ижтимоий қоида даражасига етганлиги далилланди. Шу билан бирга рус нутқий этикетида бирликларнинг имконқадар самимий ифода этилиши халқ характерига хослиги, норасмий суҳбатларда ортиқча сайқаллашлар, мулозаматлардан қочиш тамойили амал қилиши белгиланди.

3. Эрон илмий манбаларида ғарб тилшунослари назариялари ва тадқиқот усуллари (фейсни аниқлаш, эмпирик усул, прагматик таҳлил) таъсири сезилса,

ўзбекча ўқув-услубий ва илмий манбаларда тавсифий характер ҳамда грамматик таҳлилларга йўналтирилганлиги билан рус тилшуносларининг мазкур мавзудаги тадқиқотларини эслатади. Бунинг сабабини хорижий манбаларнинг оригинал шакли билан танишишда форс тадқиқотчиларининг инглиз тили билими, ўзбек изланувчиларининг рус тили билими таъсири деб белгилаш мумкин.

4. Ўзбек ва эрон халқлари нутқий этикет бирликлари (мулозамат) / таориф қадим замонлардан, ислом кириб келишдан аввал, мавжуд бўлиб, ислом кириб келгандан кейин бу тушунчанинг аҳамияти ортди, ҳар икки халқ маданияти, диний тушунчалар билан муштарак ҳолда ижтимоий тамойил сифатида амал қилди;

5. Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистик, лингвопрагматик таҳлил ва тадқиқотнинг эмпирик методлари учрамайди. Мисоллар бадиий адабиёт нутқи билан чегараланади.

6. Эрон ва ўзбек тилшунослигида нутқий этикет стратегиялари ва субстратегиялари чоғиштирма таҳлили ҳозирга қадар кун тартибига қўйилмаган эди.

II БОБ. НУТҚИЙ ЭТИКЕТ АКТЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

Ушбу бобда тадқиқот объекти бўлган форс ва ўзбек тилларидаги нутқий этикет бирликлари нутқий вазиятларга кўра гуруҳларга ажратилди ва улар **нутқий этикет актлари**[126] термини билан аталиб, лингвопрагматик тадқиқ этилди.

2.1. Саломлашув нутқий этикет акти

Мулоқот ва дўстона муносабат ўранитиш учун саломлашув ва хайрлашув формулалари таъсирли вазифани бажаради. Лекин ҳар бир халқнинг ўзига хос нутқ актлари мавжудлиги мавзуга чуқурроқ киришни талаб этади. Тушунмовчиликларнинг айниқса халқаро мулоқотлар вазиятида келиб чиқишга мойил эканлиги[127] мавзу тадқиқига талабни янада оширади.

Саломлашув дунё тилларида турлича талаффуз ва шаклда акс этса-да, суҳбатдошлар ўзаро бир-бирларига яхшилик тилаш, ҳурмат кўрсатиш ва киши ҳолатига қизиқиш билан ифодаланади. Нутқий актлардаги бирликларнинг луғавий маъносини аниқлаш ҳам миллатнинг ижтимоий жиҳатлари борасидаги манбаларга диққат қаратишни тақозо қилади. Масалан, ҳиндлар “Namaste” (नमस्ते) – (санскрит тили “namas” – таъзим қилмоқ, “te” -сиз)“Мен сизга таъзим қиламан”, юнонлар “Geia sas” (γεια σας)- (γεια – соғлиқ, яхши ҳолат, σας – сиз) “Сизга соғлиқ”, финнлар "Mitä kuuluu" "Нима янгилик?", индонезлар “apa kabar?” (apa – нима, қандай, kabar - хабар)– “Қандай хабар?”, вьетнамлар “Ăn cơm chưa?” (Ăn –емоқ, cơm – гуруч, chưa - ҳали)- “Гуруч едингизми?”, японлар “Konnichiwa” こんにちは “Бугунги кун билан”, корейслар 안녕하세요!

[126]Speech act тушунчаси англиялик назариётчи олим Г. Лич (Leech G. Principles of Pragmatics. – London: Longman Publ., 1983. – 250 p.) томонидан илк бор қўлланилган бўлиб, нутқий вазиятда, нутқ акс этаётган суҳбат ҳаракатини англатади ва бу атамани ўзбек тилшунослигида “Нутқий (этикет) акти” деб киритишни таклиф қиламиз.

[127] https://www.advisorycloud.com/board-of-directors-articles/communicating-with-people-from-different-cultures-greeting-people Lester Wills, Marketing & Management Consultant/TLG Consulting

annyeonghaseyo! (хурсанд бўлинг), гуржилар “Gamardjoba” (გამარჯობა)– Ғалаба тилайман!” каби бирликлар билан саломлашувни ифодалайдилар.

Саломлашувда қўлланадиган бирликларда кўпгина тилларда куннинг қисмлари, вақт ифодаланади. Инглиз тилидаги “Goodmorning”, “Goodafternoon”, “Goodevening” сўзлари саломлашувни ифодаласа, “Goodnight” хайрлашув маъносида қўлланади. Форс тилида эса شب بخیر-[ṣab be xeyr][128] ва شب خوش- [ṣabe xuṣ] (кечқурунги саломлашув ёки уйқудан олдин хайрлашув) саломлашув, ҳамда хайрлашув ўрнини эгаллаши мумкин.

Н.Шаммас [129] келтирган маълумотга кўра, эронликлар биринчи марта кўрган одам билан саломлашётганда ўнг қўлни чап кўксига қўйиб, бошни эгадилар. Бу имо-ишора саломлашув юракдан бўлаётганини ифодалаш рамзидир. Эрон маданиятида сўзловчи нутқий этикет актлари жараёнида имо-ишора қилса, суҳбатдошининг ҳам шунга яраша жавоб қайтаришини кутади. Ўзбекларда ўнг қўлни сўл кўксга қўйиб саломлашиш, раҳмат айтиш, хайрлашиш доимий амал қилинадиган маданиятдир. [130]

Форс тилидаги صبح بخیر [sobx be xeyr] хайрли тонг, ظهر بخیر [zohr be xeyr] хайрли кун, عصـــر بخیر [asr be xeyr] хайрли кеч сўзларининг ўзбек тилида ҳам хайрли тонг, хайрли кун, хайрли кеч каби кун қисмларини инобатга олиб қўлланилувчи эквивалентлари мавжуд. Аммо форс тилидаги мазкур саломлашувлар позитив фейсни ифодаласа, ўзбек тилида бунда негатив фейс англашилади. Эрон маданиятида бу бирликларнинг қўлланилиши муносабатнинг яқинлиги, самимийликни ифодаласа, ўзбек тилида аксинча, бироз носамимийлик ва узоқроқ муносабатни билдириши ҳар икки тил

[128] Afghari A., Karimnia A. A Contrastive Study of Four Cultural Differences in Everyday Conversation between English and Persian // Intercultural Communication Studies, 2007. - № 16. - P. 243-250.
[129] Nafez A. Sh. Lingua-pragmatic Politeness and Translatability // Damascus University Journal – Damascus, 2005. – volume 21, - №. (3+4). – P. 132-154.
[130]Хусанов Б., В.Ғуломов. Муомала маданияти. – Тошкент: Таълим, 2009.– 154б.

вакиллари билан ўтказилган сўровномалар, жонли ва ёзма манбалар кузатуви натижасида аниқланди.

Ўзбек тилида саломлашганда мавқе ва ёш ҳусусиятлари ҳам алоҳида ўринга эга. Куннинг қайси қисми бўлишидан қатъий назар, учрашганда биринчи айтиладиган саломлашув бирлиги *"Ассалому алайкум"* ва унинг жавоби *"Ваалайкум ассалом"* ўзбек тилида негатив ва позитив фейсда бирдек қўлланилса, форс тилида арабчадан кириб келган мазкур салом-алик ибораси бироз муносабатлар жуда яқин эмаслигини кўрсатиб, негатив фейсни намоён қилади.

وقت بخیر[131] - [väγt bexeyr] *Салом (Хайрли вақт)* куннинг исталган қисмида қўлланилувчи бирлик бўлиб, форс расмий услубига мойилроқдир. Ўзбек тилидаги энг тўғри таржима вариант *"Ассалому алайкум"*дир.

وقت بخیر [väγt bexeyr]нинг яна мулозамат кучлироқ ифода этилган вариантлари ҳам бор: وقتتان بخیر [väγtetan bexeyr] *"вақтингиз хайрли бўлсин"*; وقت جناب عالی[132] بخیر [väγte jänabe ali bexeyr] *"жаноби олийларининг вақтлари хайрли бўлсин"*; وقت سرکار خانم بخیر [väγte särkar xanom bexeyr] *"бошлиқ хонимнинг вақтлари чоғ бўлсин"* ва ҳ. к. Бу ўзбек тилидаги *"Вақтингиз чоғ ўтсин"*, *"Кунингиз хайрли ўтсин"* каби тилак билдирувчи ибораларга мазмунан мос келади. Бу нутқий этикет бирликларида ҳар икки тилда позитив фейс акс этади. Кўпчиликка нисбатан!سلام بر شما! درود بر شما [Sälam bär şoma!, Dorud bär şoma] каби хитоблар ҳам ўзбек тилидаги*"Ҳаммага салом"* вариантга тўғри келади.

سلام عرض کردیم [sälam ärz kärdim] – *"Биз салом бердик"* тарзида салом бериш ўз-ўзини пастга уриш (камтар тутиш) ҳолатида қўлланади.[133]

[131] https://toloucambridge.com/وقت-بخیر-به-زبان-انگلیسی/

[132] http://www.amozeshgah-rezvan.blogfa.com/post/21

[133] Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012 .P. 78.

Ўзбек маданиятида ҳам, Эрон маданиятида ҳам одатда, (кўпроқ норасмий вазиятларда) саломлашув фақат салом ва унга жавоб бериш, шунингдек, хайрлашув ҳам бир-икки бирликларнинг нутқда ифода этилиши билан чекланмайди. Саломлашув, ҳол-аҳвол сўраш, мулозаматли суҳбат, яқинроқ муносабат бўлса, меҳмонга таклиф қилиш (кўп ҳолларда, носамимий таклиф), бир неча қисмли диалогдан иборат хайрлашув ҳар икки маданият вакилларининг сўзамоликка мойил, самимий ёки носамимий бўлса ҳам мулозаматнинг менталитет доирасидаги қоидаларига амал қилишга масъулият билан қарашларининг гувоҳи бўламиз.

Биринчи марта учрашган инсонга инглиз тилидаги “Nice to meet you” каби ўзбек тилида “Танишганимдан хурсандман”, “Сизни кўрганимдан хурсандман”; форс тилида از آشـــنای با شـــما خوشـــوقتم[134] [äz aşnaiye şoma xuşväγtäm] (Сиз билан танишганимдан хурсандман) жумлалари қўлланилиб, расмий нутқ коннотацияси етакчилик қилиб, негатив фейсни ифода этади. Форс тилида яна бунинг эквивалентлари از دیدن شـما خوشـحالم [äz didäne şoma xuşhäläm]; از دیدار شـما خوشوقتم [äz didare şoma xuşväγtäm] – “Сизни кўриб хурсанд бўлдим” маъносидаги жумлалар илк бор учрашганда ҳам, таниш одамларнинг яна учрашув чоғида ҳам (асосан суҳбат сўнггида) айтилиши мумкин.

Форс тилида позитив фейс ифода этилган, такаллуф етакчи, нутқ дискурс даражаларининг қуйи поғонасига ўзини қўйиб, суҳбатдошни улуғлаш тамойилларига амал қилинган. Ўзбек тилидаги вариантда эса ўтган замон давом феъли қўлланиб, келажакка ишора қилиш суҳбатдошга бўлган ҳурмат ифодаланмоқда, аммо унда форс тилидагидек эмоционал маъно сезилмайди.

Эрон маданиятида яқинроқ муносабатдаги кишилар саломлашувдан сўнг таориф қўлланган қуйидаги диалоглар билан суҳбатни давом эттирадилар:

A: “کجایین، کم پیدایین؟” [kojayin käm peydayin] –*Қаерлардасиз? Камнамосиз?*

[134] Afghari A., Karimnia A. A Contrastive Study of Four Cultural Differences in Everyday Conversation between English and Persian // Intercultural Communication Studies, 2007. - № 16. - P. 243-250.

B: “ما زیر پای شماییم.” [ma zire paye şomayim][135] – *Оёғингиз остидамиз.*

Ўзбек тилида қуйидаги нутқий этикет бирликлари учрайди:

А:Бормисиз? Кўринмайсиз?

Б: Юрибмиз-да бир четда (панада).

Форс тилида ўзини пастроқ туриш ҳолатининг ўзбек тилидагидан кўра кучлироқлиги аниқланди. Бу ҳолатда ҳар икки маданиятда ҳам позитив фейс устун келаётгани (маъқулланишга уриниш) кузатилди. زیر پای شماییم –[zire paye şomaiim] *“Оёғингиз остидамиз”* – суҳбатдошни улуғлаб, сиз бизнинг шоҳимиз ёки биздан баланд одамсиз, деган маъно билан бирга, ўз-ўзини қуйи даражага қўйиб, биз оддий одам сизнинг соянгизда юрамиз деган маъно уйғунлигида ҳақиқий эронча таориф кузатилади. Сабери [136] “Форс тилида кундалик мулойимлик формулалари” номли диссертациясида احوالپرسی [ähvalporsi] “ҳол-аҳвол сўраш” нутқ акти доирасида норасмий нутқга хос қуйидаги савол-жавоб жумлаларни келтиради: دماغت چاقه؟ [Dämaγet çaγe?] *[луғавий: Бурнинг семизми?]* – *“Қалайсан?”* сўроғига مرسی، خوبم. [Mersi xubäm] *“Раҳмат, яхшиман”* маъносидаги вариантлардан бири жавоб тариқасида қўлланади. Бу ҳолда, жавоб мазмунидан кўра, савол кўриниши муҳим аҳамият касб этади ва позитив ҳурматни ифодалайди. Ҳол-аҳвол сўрашда چه خبر؟ [Çe xäbär?] *Қандай янгиликлар?* саволига سلامتی! [Sälamäti] *Соғлик! (Саломатмиз.)* жавоби; کجایید؟ [Kojayi?] *Қаердасиз?* (Қаерларда эдингиз?) ёки نیستید؟ [Nisti?] Йўқсиз? (узоқроқ муддат бир-бирини кўрмаган кишилар суҳбатида) саволларига زیر سایه شما! [Zir saye şoma] *“Соянгиз остидамиз!” (Шу атрофда юрган эдик.)* деб камтарлик билан жавоб қайтарилади. Юқорида қайд этилган барча нутқий этикет бирликлари прагматикасида FSA (face saving acts) – ҳурматни сақлаб қолиш ҳаракатлари кузатилади ва позитив ҳурмат ифодаланади.

[135] R.Sahragard. A cultural script analysis of a politeness feature in Persian. Proceeding of the 8th Pall conference in Japan, (2004). 2004. P. 399-423.

[136] Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. - 314P.

Узоқроқ муддат кўришмай, кейин учрашган инсонлар орасида چشم ما روشن! [Çeşme ma rouşän] *“Кўзимиз ёришиб кетди!”, “Кўзим порлаб кетди!” ибораси “Сизни кўриб, хурсанд бўлдим!”* деган маънони беради. Бунда I шахс бирлик олмошининг ўрнига II шахс кўплик олмоши қўлланилиб, суҳбатдошга нисбатан эҳтиром кўрсатилади ва унинг учрашуви хурсандчилик бағишлаганини айтиб, самимий ёки носамимий таориф ифодаланади.

مشتاق دیدار! [Moştaqe didar] *“Сизни жуда кўргим келган эди”.* Бунинг ўзбек нутқий этикетида ҳам *“Сиз ҳақингизда ўйлаб турган эдим!”* деган муқобили мавжуд.

Метафора, тасвирий ифода, муболаға, фразеологик бирикмалар ҳам нутқий этикет бирликлари ёки таорифнинг кучлироқ эмоционал бўёқдорликка эга бўлишини таъминлайди.

Форсчада–Қандайсиз? (инглизчада: How are you?) ҳол-аҳвол сўраш саволининг қуйидагича кўринишлари сермаҳсул эканлиги аниқланди: /چه خبر؟ چه خبره؟ [Çe xäbäre] /[Çe xäbär] *(сўзма-сўз: Қандай хабар?);* چطور هستید؟ *[Çetour hästid] (қандайсиз?);* خوب هستید؟ *[Xub hästid] (Яхшимисиз?);* حال/احوال شما؟ [Hale şoma] *(Аҳволингиз?).* Бу саволларга қатор нутқий этикет намоён бўлган бирликлар билан жавоб берилиши кўпгина хорижий тил вакилларига эриш ёки ғалати туюлса-да, у эронликлар нутқи гулдастаси, таориф форсийзабонларнинг ташриф қоғози деган, фикрга келдик.

Ҳол-аҳвол сўралганда қуйидагича жавоб берилишининг манбалар тадқиқи натижасида гувоҳи бўлдик: خبر سلامتی، خدا رو شکر.[137] [Xäbäre sälamäti, xoda ru şokr] *Соғ саломатмиз. Худога шукур.*

Бу жавобда таориф учрамайди. Мазмунан нейтрал, саволга тўғридан тўғри жавоб деб айтиш мумкин. Албатта негатив фейс акс этганини пайқаш мумкин. خبر خاصی نیست. [Xäbäre xasi nist] *(Ўзига хос) Айтарлик хабар йўқ.*

[137] Afghari A., Karimnia A. A Contrastive Study of Four Cultural Differences in Everyday Conversation between English and Persian // Intercultural Communication Studies, 2007. - № 16. - P. 243-250.

خبر تازه ندارىم. [Xäbäre taze nädarim] *Янги хабар йўқ / Янгиликлар йўқ.*

Икки жавобда ҳам саволга тўғридан-тўғри жавоб берилгандек туюлади. Бу жавобни икки вазиятда учратиш мумкин. Бири ростдан ҳам ҳеч бир янги хабар йўқ вақтда таорифсиз жавоб бериш ёки ўзини камтар кўрсатиш мақсадида *[xäbäre xasi nist]* ёки *[xäbäre taze nädarim]* деб жавоб беришларини кузатдик. Жавоб бераётган кишида қизиқ бир янгилик, ютуқ, хурсандчилик бор бўлса ҳам, тезда ошкор қилмайди. Яъни хушхабарни ҳам камтарлик билан "айтарлик хабар эмас" қабилида таорифни қўллайди. Бунда ҳам негатив фейс мавжуд.

خبر ها از شما![138] *[Xäbärha äz şoma] Хабарлар сиздандир! (Ҳамма хабар сизда!)*

Бу тартибдаги жавоб суҳбатдошга нисбатан юқори даражада ҳурмат ва эътироф билдирилаётган таорифдир. Ўтказилган интервьюлар, манбаларда жавоб маъносининг қуйидагича таърифи етакчилик қилди: "Биз бир кичик, оддий одам бўлсак, оддий одамда хабар нима қилади. Ҳамма яхши хабарлар сиздек олий инсонларда бўлсин!" Позитив фейс иштирок этган бу жумлада ўзгани улуғлаб, ўзини пастга уриш таориф тамойилларига амал қилинган.

Қандайсиз? маъносидаги савол берилганда, жавоб берувчининг ёнида яна бир инсон бўлса, жавоб қуйидагича нутқий этикет билан ифодаланади: باهاشراحتم [Bahaş rahätäm] - *Улар/Булар билан бирга бўлганим учун яхшиман.*

II шахсга жавоб берилаётиб, III шахсга нисбатан нутқий этикет қўлланилган. Бунда учинчи одамга ҳам эҳтиром кўрсатилиб, "Улар ёнимда бор экан, мен яхшиман" маъносида ишлатилган тақдирда, у шунчаки қатъий нутқий бирликлардан бири бўлиб, чин кўнгилдан самимиятни билдирмайди ва кутилмайди. Суҳбатдошларнинг барчаси эронлик, ёки Эрон маданиятини яхши тушунувчилар бўлса, улар бунинг хушомад-таориф эканини яхши тушунишади.

Маънонинг эмоционал бўёғини кучайтириш учун форс тилида آب از آب تکان نـخـورد![Ab äz ab tekan näxoräd] *(сўзма-сўз: Сув сувга тегмаяпти) Тинчлик!*

[138]http://hamsarekhoob.com/weblog/2/129499

Янгилик йўқ! маъносини берувчи онда-сонда турғун бирикмаси қўлланилиши, унинг бироз эскирган ибора деб, қаралиши аниқланди.

Суҳбатда иштирок этмаётган оила аъзолари ҳақида ҳол-аҳвол сўраб, خوب هستند؟ [Xub hastand] –*Яхшимилар?* саволига الحمدلله دعاگوی شما هستند *[Älhämdulilläh duoguye şoma häständ]*[139] *–Алҳамдулуллоҳ, сизни доим дуо қиладилар* деб, III шахс томонидан II шахсга қаратилган таориф билан жавоб берадилар.

Ўзбек тилида *Қандайсиз?* (инглизчада *How are you?)* маъносида: *Саломатмисиз? Соғлиқларингиз яхшими? Бардаммисиз? Бақувватмисиз? Эсон-омонмисиз? Чарчамасдан юрибсизми? Қалайсиз? Нима гаплар? Нима янгиликлар? Зўрмисиз? Яхшимисиз? Қалай энди? Қалайсиз? Ишларингиз яхшими? Ишлар қалай? Тузукмисиз?* узокроқ кўришмаганда: *Бормисиз? Кўринмайсиз? 100$ лик бўлиб!*[140]-каби саволлар баъзан тартиб билан, баъзан кетма-кет берилади. Саволларнинг ҳаммасида қандайдир босим ва маъқулланишга бўлган эҳтиёж сезилади, уларда позитив фейс аск этган, деб айтиш мумкин. Жавоб тариқасида: *Яхши раҳмат; Алҳамдулиллоҳ шукр; Худога шукр, раҳмат* ҳамда "унча янгилик йўқ" деган маънода қуйидагича ибораларни кузатамиз: *Юрибмизда бир панада; Раҳмат, секин; Юрибмиз секин; Тинчлик.* Бунда одоб қоидаларидан ташқари, ҳар икки мамлакатнинг дини бир бўлгани учун *Аллоҳга шукур, Алҳамдулиллаҳ* каби ислом билан боғлиқ жумлалар қўлланилиши диннинг нутқга бўлган таъсиридир.

Суҳбат чоғида иштирок этаётгани, ёхуд иштирок этмаётганидан қатъий назар, суҳбатдошнинг яқинлари ва оила аъзолари ҳақида аҳвол сўралиши нутқий этикет қоидаларидан саналади. *Уйдагилар яхшими? Онангиз/Отангиз соғ-омонмилар? Катта-кичиклар яхшими?* Шунингдек, суҳбатдошнинг яқинларини ҳам ўз яқинидек кўриб, *Опам / акам / амаким / холам / жияним / укам / синглим яхшими?* ва ҳ. к. қариндошлик сўзларини биринчи шахс эгалик қўшимчаси

[139]http://hamsarekhoob.com/weblog/2/129499
[140]Googleform va DCT so'rovnomalari, interevyulari

билан қўллаб, сўрашиши “мен сизга яқинман” маъноси билан позитив фейсни ифодалайди ва суҳбатдошдан ҳам ҳудди шундай муносабат кутилади.

Ўзбекларнинг саломлашув одобини оилаларда яшаган, меҳмондорчиликлар вақтида кузатган чет элликлар билан кечган суҳбатлар хусусида улардан айримларининг фикрини келтириб ўтишни жоиз деб топдик:

Кавано Акихиро, (Япония, 29 ёш, фзиотерапевт, ўзбек тилини билади): “Аввал менга саломлашувда бундай кўп саволлар берилганда, мен барчасига жавоб қайтара олмагач, ўзбек тилини эгаллаш устида кўп ишлашим керак деган қарорга келдим. Ўзбеклар шу даражада ўзларини яқин олар эканларки, ҳаётимдаги кўп деталлар ҳақида қизиқиб ҳол-аҳвол сўраяптилар, деб ўйлаб, ажабланган эдим. Ўзбекистонда деярли бир йиллик ҳаётим давомида тушундимки, бу саволларга ростдан жавоб бериб ўтириш шарт эмас. Рост жавоб талаб қилмайдиган, ҳаммасига *“Яхши, раҳмат. Ўзингизчи?”* деб жавоб берса бўладиган ҳол-алвол сўраш иборалари дастаси деб айтиш мумкин экан. Японларда ҳол-аҳвол сўраш узоғи 3-4 жумладан иборат диалогдан ташкил қилган бўлиб, уларда ҳам японча этикет қоидаларига кўра, “Қалайсиз?” – “Сизнинг соянгизда яхшиман”; (お元気ですか？－おかげさまで元気です。[ogenki desuka? Okagesamade genki desu.]) ёки шунчаки “Яхшиман” (元気です [genki desu]) тарзида жавоб берилади. Бунда халқларимиз менталитетида ўзаро бир-бирини улуғлаш ҳолатларининг ўхшаш, лекин узундан-узоқ сўрашиш шакли фарқли эканлигини кўрдим.

Азиза дес Дериванти, (Индонезия, 29 ёш, Халқаро алоқалар): Ўзбек халқи ўта куюнчак, саломлашганда жуда кўп саволлар бериб, гаплашиши менга ёқади. Анча совуққон бўлган инглизча “How are you?” – “I am ok, and you?”, - “Me too!” деган шаблон суҳбатдан кўра, ўзбеклардек саломлашиш қизиқ, ҳамда ўзаро мулоқотга киришиб кетишнинг яхши йўли деб ўйладим. Ҳар иш бошидан билингандек, ўзбекларнинг саломлашувининг ўзидан билиш мумкинки, улар

киришимли, сўзга уста ва боз устига, ҳазилкашдир. Бу жиҳат нафақат уларнинг ўзлари, балки бизга ўхшаган "маданий шок"дан чўчиган хорижликлар учун ҳам ёқимли ва ғайриоддий тажрибадир."

Эрон ва ўзбек тилларидаги нутқий этикет бирликларига доир келтирилган мисолларнинг салмоқли улушини позитив фейс ташкил қилади. Зеро, тилшунос Д.Вилсон ҳам шундай таъкидлайди: Позитив фейс эҳтиёжлари ҳамдўстлик ва куюнчакликка йўғрилган бўлса, негатив фейс куч ва ижтимоий масофани, босимдан ҳолиликни[141] билдиради. Шунинг учун саломлашув нутқ актларининг барчасини позитив фейс деб, белгилаш ва FSA (face saving acts) "ҳурмат сақловчи ҳаракатлар" деб айтиш мумкин.

Саломлашув нутқий этикет шакли юзасидан олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги *хулосалар*га келинди:

1) Турли тиллардаги нутқий этикет бирликлари ҳамон батафсил тадқиқотларга муҳтож предмет саналувчи мавзу бўлиб, уни ўрганиш нафақат лингвистик натижалар, балки маданият, менталитет, дин ва бошқа қадриятларга боғлиқ фактларни ҳам аниқлаш ва тили ўрганилаётган мамлакат халқини маълум даражада ҳис қилиш имконини беради;

2) Форс ва ўзбек тилларида кундалик ҳаётда қўлланадиган саломлашув бирликлари кузатув, сўровнома, интервью воситасида нутқий актлар доирасида тўпланди ва деярли бир хил миқдорни ташкил қилди (Ўзбек 53, Форс 59);

3) Форс тилида фақат расмий нуиқларда қўлланадиган баъзи бирликларнинг ўзбек тилида расмий ва норасмий нутқда бирдек қўлланилиши аниқланди. *Ассалому алайкум* – форс тилида жуда расмий характерга эга ибора бўлиб, кўп ҳолларда дин билан боғлиқ тадбирларда қўлланади ёки "Мен тақводорман" деган хабарни бериш учун ишлатилади. Кундалик нутқда эронликлар "Sälam", "Sälamul äläykum" деб саломлашадилар. Ўзбек тилида эса *Ассалому алайкум*

[141]Wilson D. Taped Personal Communication with Wilson Deirdre. - London, 1994.

ҳурмат маъносини ифодалаб, ҳар қандай услубда кузатилади. Муносабатлари яқин кишилар, ёшлар ўзаро ва ёши катталар ёши кичикларга “Sälam” (Салом) сўзини қўллашлари мумкин;

4) Эрон саломлашувида биринчи шахсни ерга уриш, иккинчи шахс ва ҳатто суҳбатда иштирок этмаётган учинчи шахсни ҳам улуғлаши ўзбек кишисига тушунмовчилик келтириб чиқариши мумкин. (Форс нутқи: “Қалайсиз?” – “Яхшиман, чунки ёнимда жаноб С борлар.”) Бундай учинчи шахсни улуғлаш ўзбек тилида тингловчидан яқинлари ва қариндошлари ҳақида (“Укам яхшимилар?” Маъноси: “Сизнинг укангиз яхшими?”) ҳол-аҳвол сўрашда кузатилди.

2.2. Хайрлашув нутқий этикет акти

Инсонлар хайрлашаётганда *“Хайр”*лексемалар жаҳоннинг деярли ҳамма тилларида мавжуд. *Good-bye* (инглизча); *Досвидение* (русча); *Sampai jumpa*[142] (индонезча); じゃまた [143] Ja mata (японча) va ҳ.к.). Аммо баъзи халқлар менталитетидан келиб чиқиб, қизиқарли фарқларни кузатиш мумкин. Бунда диннинг нутққа таъсири ва аҳлоқ меъёрларининг ифодасини кўриш мумкин. Масалан, инглиз тилида *“Goodbye” – “God be with you” – “Худо сиз билан бўлсин*”; испан тилидаги хайрлашув сўзи “*Adious*[144]*” – “Худога” (топширдим);* мусулмон халқларда *“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу барокатуҳ” – Аллоҳ сизга тинчлик, раҳм ва барака берсин”*, форс тилида خُداحافِظ![145][Xoda hafez] *“Худо асрасин! ”*хайрлашув сўзларининг дин таълимотлари билан йўғрилганлигини англаш мумкин. Шунингдек, яхши тилак билдириш, жумладан, кўпгина тилларда мавжуд *“сафарингиз бехатар бўлсин”, “кунингиз*

[142] Alan M. S. A Comprehensive Indonesian-English Dictionary. - Ohio: Ohio University Press, 2004. – 1184 p.
[143] Seigo N. Japanese-English English-Japanese Dictionary (English and Japanese 1st edition). - New York: Random House, 1995. – 688 P.
[144]https://www.etymonline.com/word/adios
[145]https://www.vajehyab.com/

хайрли бўлсин", "соғайиб кетинг" маъноларида қўлланувчи хайрлашув иборалари, ҳамда, сўзловчи тингловчига нисбатан нутқий этикетни ифодалаш учун ўзини пастга уриш (камтарлик) вариантларини ҳам кузатиш мумкин. Форс тилидаги قربونت برم [qorbunet beräm] хайрлашув ибораси *"Қурбонингиз бўлай",* итальянлардаги *"Ciao!*[146]" сўзи *"Мен сизнинг қулингизман"* деган маънони ифодалайди.

Форс тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам суҳбатни бирдан якунлаш, чўрт кесиш, тўсатдан хайрлашиш ҳурматсизлик саналади. Шунинг учун суҳбат якунига ишора сифатида "хайрлашув калитлари"дан фойдаланилади.
از دیدن شما خیلي خوشحال شدم [Äz didän-e şoma xeyli xoshhāl şodäm]"*Сизни кўрганимдан хурсандман",* از ملاقاتتان خیلی خوشحال شدم [Äz molaghatetan xeyli xoshhal şodäm] *"Сиз билан учрашиб, жуда хурсанд бўлдим"* га жавобан من (بنده) هم همچنین [Män (bände) häm hämçenin] */Mänät hämçenin/ "Мен (қулингиз) ҳам шундай" (Мен ҳам хурсандман),* деб айтилиши хайрлашувнинг диалоги кириш қисмидир.

Ўзбек тилида *"Учрашганимиз яхши бўлди", "Сизни кўриб хурсанд бўлдим", "Гаплашиб маза қилдим"* каби жумлалар эса суҳбатни чиройли якунлашнинг бошланғич қисми бўлиб хизмат қилади.

Эмоционал бўёқдорликка эга қуйидаги форсча жумла хайрлашув учун ишлатилади. دیدار زودتر شما باعث خوشحالی من خواهد شد. [Didare zudtäre şoma bayese xuşhaliye män xahäd şod] *"Сизни яқин кунларда кўришим хурсандчилигимга сабаб бўлар эди."* Ўзбек тилидаги бу ибора *"Яна учрашармиз", "Яна гаплашармиз"* каби хайрлашув бирликларига тўғри келса-да, эмоционал маънони тўлалигича очиб беролмайди. Янада эмоционал бўёқдорликка эга таорифни ҳам сўровномалар натижасида кузатдик: از دیدار جناب عالی ما سرافراز شدیم [Äz didare jänobe ali ma säräfräz şodim] *Сиз жаноби олийларини кўриш биз учун ифтихордир* кўринишидаги этикет бирлигини ўзбек тилида учрамади.

[146]https://etymologeek.com/ita/ciao

Форс тилида؟کاري ندارید [Kari nädarid] *“Менда ишингиз йўқми?”* оғзаки норасмий нутқда суҳбатдош сиз билан хайрлашишга тайёр эканлигини тасдиқлаб олиш учун бериладиган саволдир. Ўзбек тилида унинг икки инвариантини кузатдик: *“Яна бирор ишингиз борми?”* деган савол дўстоналикдан узоқроқ муносабатларда қўлланилса, *“Бизга хизмат борми?”* ибораси нутқий этикетнинг юқори даражаси, эҳтиромни англатиши аниқланди.

Форс тилида нейтрал, жаҳон тилларидаги хайрлашув сўзига таржима бўла оладиган خُداحافِظ [Xoda hafez] (маъноси “Худо асрасин!”)–*Хайр!* ҳайрлашув иборасидан ташқари қуйидагича таорифли бирликлар мавжуд:
خدا نگهدار! [Xoda negähdar*] Худо асрасин!* خدا بهمراهت! [Xoda be hämrahät] *Аллоҳ ҳамроҳинг бўлсин*! برو به امان خدا! [Borou be ämane xoda] *Худо паноҳида боргин!*

Мазкур бирикмалар ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилганда, эронлик назарда тутган маъно прагматик хатоларсиз англаниши ҳар икки миллат динининг бир бўлгани учун табиийдир. Лекин бошқа дин ёки фарқ қилувчи маданият вакилига бу тарзда таржима қилиш “динга даъват” ёки босимдек туюлиши манбалар асосида аниқланган.[147] Маълумки, ўзбеклар тилида *“Аллоҳга (омонат) топширдим”, “Худо ўз паноҳида асрасин”* бирликлари ёши улуғлар томонидан ёши кичик инсонларга нисбатан айтилади.

Меҳмон мезбоннинг уйидан кетаётганда хайрлашув қуйидагича кечади: زحمت نکشید، راهرا بلدم.–[Zähmät näkeşid rah ra bälädäm] – *Овора бўлманг, йўлни яхши биламан.* (Кузатманг, ўзим кета оламан); حالا تشریف داشتید! –[Hala täşrif daştid][148] – *Бу ерда қолинг (Секинроқ юринг, эҳтиёт бўлиб юринг).* Буларни сўзма-сўз таржима қилиш, албатта, коннотатив қусурни воқеалантиради.

Қайд этилган мисоллардаги нутқий этикет бирликларидан бехабар одам уларни айниқса *“hala täşrif daştid”* иборасини тўғридан-тўғри тушуниши

[147] www.quora.com/ How-do-you-say-Goodbye-in-Persian
[148] Afghari A., Karimnia A. A Contrastive Study of Four Cultural Differences in Everyday Conversation between English and Persian // Intercultural Communication Studies, 2007. - № 16. - P. 243-250.

табиий. Ажбланарлиси шундаки, ушбу гапдаги [täşrif daştid] (қолмоқ) феъли секинроқ ҳаракат қилмоқ маъносига ишора қилади.

К.Сабери[149] ўзининг “Форс тилида кундалик мулойимлик формулалари” тадқиқотида فعلا [Feläп] *“Ҳозирча”;* می بینمت [Mibinämet] *“Кўришгунча” (луғавий: “Сени кўраман);* تـا بعـد [Ta bäd] *“Кўришгунча”* (луғавий: Кейинроқгача) каби хайрлашув иборалари (инглизча: See you!)) “кўришгунча” маъносида норасмий мулоқотдаги ёшлар томонидан кўп қўлланади; кейинроқ ростдан учрашишга ваъдалашиш ёки шунчаки мулозамат эканлиги мазкур бирликда ноаниқ бўлиб, контекст орқали аниқланади”, -деб келтиради.

Ўзбек тилида “кўришгунча” маъносини ифодаловчи қуйидаги бирликлар кузатилди ва уларга мос келадиган форсий эквивалентларни ҳам қайд этишни жоиз деб билдик:

“Кўришгунча” - تـا دیـدار/ بـا امیـد دیـدار/ فعلا"/ تـا بعـد/می بینمتـان [Ta didar/ba omide xoda/feläп/ ta bä’d/ mibinämet];*“Майли, хайр!”*- خدا حافظ / خدا نگهدار [Xoda xafezi / Xoda negähdar]; *“Майли, соғ бўлинг!”* -بـدرود / بســـلامتـی [Besälamäti / bedorud]; *“Бўпти, майли кўришамиз!”* - تا دیدار/ با امید دیدار/ فعلا"/ تا بعد/می بینمتان [Ta didar/Ba omide xoda/Feläп/ Ta bä’d/ Mibinämet]; *“Майли, яна гаплашармиз!”* - انشـــاءالله در تماس باشـیم[Inşäälläh där tämas başim]; *“Бўпти, хайрлашмаймиз!”*- خوب، با شـما خدا حافظی نمی کنیم.[150] *[Xub ba şoma xoda xafezi nämikonim]; “Ҳали кўришамиз!”* - "فعلا- [Feläп]. Бу ерда майли (розилик жавобини билдирувчи юклама “розиман, маъқул”), бўпти (бўлибди сўзининг қисқартмаси бўлиб, розилик жавобини билдиради) сўзлари хайрлашув актини бошлаб берадилар. “Майли”, “Бўпти” форс тилидаги پس [päs], خوب [xub] сўзларига эквивалент бўлишини кузатдик. *“Кўришгунча”, “Майли, хайр”, “Майли, соғ бўлинг”, “Бўпти, майли кўришамиз”, “Майли, яна гаплашармиз”* –“Қачондир кўришамиз, қачонлиги

[149] Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. P. 135-137.
[150] Quronbekov A. Fors tili darsligi. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2011.

аниқ эмас” маъносини беради. *“Бўпти, хайрлашмаймиз”, “Ҳали кўришамиз”* иборалари яна учрашиш ёки алоқада бўлишга ният борлигини билдиради.

Ҳар икки тилда ҳам позитив этикет белгилари воқеаланади ва улар тингловчини улуғлаш, ўзини эса пастга уриш каби дискурс воситалари қўлланилмайди.

Форс тилида меҳмон, мижозни кузатаётган мезбон томонидан хайрлашув қуйидагича ифодаланади:

Жадвал № 5.

Луғавий таржимаси	**Транслитерация**	**Форс тилида**
Соғ бўлинг!	be sälamät	به سلامت
Худо сиз билан бўлсин!	xoda be hämrat	خدا به همرات
Худо сиз билан ҳамроҳ бўлсин!	däste häy be behämrat	دست حق به همرات
Алининг қўли сизга ҳамроҳ бўлсин!	däste äli be hämrat	دست علی به همرات
Худо паноҳида бўлинг!	där pänahe xoda	در پناه ی خدا
Худо (Ҳақ) паноҳида бўлинг!	där pänahe häy	در پناه ی حق
Яхшиликлар учрасин!	xeyrpiš	خیرپیش
Яна учрашув умиди билан!	be omide didar	به امید دیدار
Қурбонингиз бўлай!	ɣorbunet	قربانت

Демак, форс тилида ҳамма ҳолат учун бирдек қўлланилиши мумкин бўлган хайрлашув бирлиги خُـداحـافِـظ [Xoda hafez] *(“Худо асрасин!”)–Хайр!* сўзини универсал деб қабул қилиш мумкин.[151] Оғзаки талаффузда [xodafez] тарзида қўлланилиши жонли кузатувлар воситасида аниқланди. Унинг синоними خُدانِگهدار [xoda negähdar]- “*Худо асрасин*” кўпроқ расмий нутқда маҳсулдордир.

[151]https://www.quora.com/How-do-you-say-Goodbye-in-Persian

Арабча ўзлашмаларни қўлламаслик тарафдорлари томонидан بِـدرود *[Bedrud]* афзал кўрилади.

بِـدرود [Bedrud] сўзи ўрта форс тилидаги درت[drot] –соғлиқ, фаровонлик маъноларини англатувчи исломдан олдинги саломлашув ибораси бўлиб, بِـدرود [be+dorud] “соғлик/фаровонлик билан” деб таржима қилинади. Замонавий форс тилида بِدرود [Bedrud] юқори ҳурматни ифодаловчи расмий нутқ хайрлашув сўзи деб қабул қилинган. [152]درود [dorud] “салом” сўзи ўрта форс тилига тегишли درت [dort] “соғлиқ” сўзидан, درت [dort] сўзи эса форсча درست [dorost] “тўғри” сўзидан келиб чиққан[153], фонетик ўзгариш билан бирга семантик кенгайишга учраган. Форс тилидаги درســت [дрост] “тўғри” сўзи французча ва инглизча “just” (аниқ, адолатли) сўзлари билан умумий этимологик тарихга эга.

М.: A: خدا نگهدار! خدا حافظ! [Xoda negähdar, xodahafez](*Худо асрасин.) Хайр, хайр.*B: [154]خداحافظ شما! [Xodahafeze şoma] *Хайр.*

Биринчи суҳбатдош айни маънони билдирувчи (Худо асрасин) “Хайр” сўзининг икки шаклини кетма-кет қўллаб, ҳурматга урғу бераётган бўлса, иккинчи суҳбатдош خداحافظ [xodahafez] сўзидан кейин II шахс, кўплик олмошини изофа билан қўллаб, خداحـافظ شـــما [xodahafeze şoma] сўзи билан биринчи суҳбатдош қўллаган сўзнинг айни ўзини эмас, унга бироз шаклий (маъновий эмас) ўзгартириш киритиб, жавоб бермоқда.

Бу анъананинг ўзбекча нутқда ҳам фаоллиги аниқланди.

Суҳбат-1. A: *Майли, хайр. Яхшиликда кўришайлик.* خدا حافظ. با امید دیدار بخاطر خوبی. [Xoda hafez. Bä omide didar bexatere xubi]*B: Бўпти, яхши юринг, хайр.*

خوب، مراقب خودتان باشید، خدا حافظ. [Xub, moraghebe xodetan başid. xoda hafez]

Суҳбат-2. A: *Майли хайр, соғ бўлинг.* - خدا حافظ. به سلامت. [Xoda hafez. Be sälamät]*B: Хайр, саломат бўлинг.* - خدا حافظ. به سلامت. [Xoda hafez. Be sälamät]

[152]https://forum.wordreference.com/threads/persian-bedruud.2624851/
[153]https://infogalactic.com/info/Durood
[154] Saberi K. Routine Politeness Formulae in Persian: A Socio-Lexical Analysis of Greetings, Leavetaking, Apologizing, Thanking and Requesting. Ph.D. thesis. – Christchurch: University of Canterbury, 2012. - P. 130-132.

(Ingliz tilida: A: Bye, see you! B: Bye!)

Таориф бирликларини қўллаш ҳурмат ва эҳтиром белгиси бўлган форс халқи нутқидаги قربونت برم! [Qorbunet beräm] *Қурбонингиз бўлай!* (Мен ўзимни сиз учун қурбон қилай) ибораси турли нутқ актлари ичида хайрлашув ва саломлашув ўрнида ҳам қўлланади. Бунинг маъносини тушуниб тинглаган хорижлик суҳбатдош "Эрон халқи жуда хушмуомала" ёки "форс нутқи этикет бирликлари муболағали", деган фикрга бориши табиий ҳол.

با اجازه [Ba ejaze][155] – *Ижозатингиз билан, рухсатингиз билан* – форс тилида ўртача расмий ва расмий мулоқотларда биринчи бўлиб хайрлашишни бошловчи суҳбатдош томонидан айтилади. Ўзбек тилида ҳам, ҳудди шу бирликнинг норасмий ва расмий мулоқот учун "*Рухсатингиз билан борайлик", "Майли, бизга энди рухсат"* каби муқобиллари мавжуд.

ما رفتیم [Ma raftim] *Биз кетдик (Мен кетмоқчиман)* –норасмий мулоқотда ҳурмат изҳори ва камтарлик маъносини акс эттириш мақсадида 1 шахс бирлик ўрнига 1 шахс кўплик олмоши ва феълнинг шахс-сон қўшимчалари қўшилади ва феъл маъно жиҳатдан келаси замонга тегишли, аммо шаклан ўтган замон аниқ феълида тусланган. Замоннинг алмашинуви иш ҳаракатнинг жуда тез вақтда амалга оширилишини билдиради.

Ўзбек тилида меҳмон ва мезбон суҳбатларида "*Хайр", "Яхши боринг", "Уйдагиларга салом айтинг", "Яна келинг", "Ётиб борардингиз", "Яна бир пас ўтиринг", "Аллоҳ паноҳида асрасин", "Аллоҳга омонат топширдим", "Яхши етиб олинг", "Яхши қолинг", "Эҳтиёт бўлинг", "Ўзингизни эҳтиёт қилинг", "Юринг айлантириб келаман", "Юринг бизникига", "Бизникига ҳам боринг*"[156] каби кўринишлари учради.

[155] Corey M., Rachel S., Mark V., Claudia M. Ritualized Indirectness in Persian: taarof and related strategies of interpersonal management.– Maryland: University of Maryland. 2014. P. 29.
[156]https://forms.gle/GyWsrRhgNPpYxgeJ7

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кўпгина тилларда хайрлашув кишилар бир-бири билан яна кўришишга умид билдириш ва Худодан яхшилик тилаш билан боғликдир. Форс ва ўзбек тилларида хайрлашув бирликларини қўллашда позитив фейс етакчилик қилади.

Ҳар иккала тилда ҳам самимий ёки носамимий таориф/нутқий этикет бирликларини ёзма манбадан аниқлаш мушкул. Бунда паралингвистик воситалар ва новербал мулоқот ҳам муҳим ўрин тутади. Кишиларнинг юз ифодаси, гапириш оҳанги, ўзини тутишидан самимий ёки шунчаки "ҳурмат юзасидан" муносабатни ҳис қилиш мумкин.

Гендер хусусиятларига кўра, форс аёллари эркакларга қараганда маданий мажбурият юзасидан нутқий этикет бирликларини қўллашлари жонли кузатув ва ёзишмалар орқали ҳам белгиланди. Хайрлашув ибораси سلامت باشید! [Sälamät başid] *Саломат бўлинг!* асосан аёллар нутқига хос. قربان شما! [Qorbane şoma] *қурбонингиз бўлай!* فدات شوم! [Fedat şäväm] *Фидойингиз бўлай!* بنده [Bände] *қулингиз* каби ўзини пастга уриб, суҳбатдошни улуғлаш тамойили эркаклар нутқида кўпроқ кузатилди. Ўзбек тилида нутқий этикет бирликлари гендер жиҳатдан фарқланмаса-да, хайрлашув ибораси ортидан қўлланилган "эркалаш" *(айланай, гиргиттон, қоқиндиқ)* сўзлари аёллар нутқига хос.

Эронда мусулмонлар арабча ўзлашмаларни қўллашни афзал билсалар, мусулмон бўлмаганлар ва "форс соф тили жонкуярлари" соф форсча сўздан тузилган ибораларни қўллашга уринадилар. Ўзбек тилида сўзловчиларнинг деярли барчаси мусулмон бўлгани учун арабча ўзлашмаларга ижобий муносабатни кўрамиз.

2.3. Мулозамат (хушомад, алқаш, мақташ, камтарлик) нутқий этикет актининг лингвопрагматик жиҳатлари

Турли маданият вакиллари мулоқотда суҳбат қурилиши ва прагматик воситалар қўлланилишининг турли қоидаларига эгадирлар. Улар бир прагматик

маънони ифодалаш учун ҳар хил шаклларни татбиқ этишлари ёки аксинча бир хил бўлган мулоқот шакллари турлича прагматик маънони англатиши мумкин. Масалан, бир киши “таклиф/ёрдам қилиш” мақсадида хизматларини таклиф этса, бошқа маданият вакили ҳудди шу мулоқот шаклини “узр сўраш” учун қўллайди. Таъкидлаш жоизки, халқлараро рационализация ва концептуализация ҳар доим ҳам тилда фарқланишларга олиб келмайди ва шу билан бирга, тилдаги ўзаро маданий ўхшашликлар ҳам ҳар доим ўхшаш рационализация натижаси билан бўлмайди. Турли жамият ва маданиятнинг тарихи инсонлар маданий онгининг шаклланишига таъсир кўрсатган воқеалар ва жараёнлар билан характерланади.

Мулозамат ошкор этиш, яъни суҳбатдошни улуғлаш, унга эҳтиром кўрсатиш, самимий ёки носамимий алқовлар билан сийлаш кўпроқ шарқ халқларига хос маданиятдир. Шарқ халқлари ичида эронликларни мулозамат кўрсатишнинг моҳир устаси деб эътироф этсак муболаға бўлмайди. А.Зейнаб таъкидлаганидек, “Таориф инсонлар мулоқотида кишилар ўзаро бир-бирларини ёқтириш ва ёқтирмасликларидан қатъий назар, эҳтиром ва хушмуомалалик қилишни англатиб, доим ўзини камтар тутиш, давомий таклифларсиз бирор нарсани тановул қилмаслик ва ҳоказоларни ўзида мужассам қилади.[157] Форс тилида таориф ўзининг экспрессивлиги, фикрларнинг поэтик ифода этилиши билан ажралиб туради. Унда кўпгина ритуал бирликлар метафора, аллегория, гиппербола йўллари билан ифода этилади. М.,قربان شما [Qorbane şoma] *Қурбонингиз бўлай! /* فدات شم [Fedat şäm] *Фидойингиз бўлай! Сиз учун ўлай! /* قدم شما روی چشم ما [Qädäme şoma ruye çeşme ma] *Қадамингизни кўзимизга суртайлик”* каби мулозамат бирикмаларини европаликлар “ошириб юбориш”, “носамимийлик”, “сохталик” деб қабул қиладилар.

[157] Ахмади З. Вежливость и понятие «Таароф» в иранской культуре // Наука и Школа, 2014. – № 3. – С. 103.

Юқорида изоҳланган мулозамат сўзлари форс тили стандарт грамматик қоидаларидан бироз узоқлашган. .قدم شما روی چشم ما ([qädäme şoma ruye çeşme ma äst]- боғлама тушиб қолган) От-кесим ифодаланмасдан, интонация билан оғзаки нутққа хос тарзда гап тугалланган. Оғзаки услубга хос грамматик ва лексик ўзгаришларнинг ёзма нутқда ҳам ифодаланиши “муносабатнинг яқинлигини кўрсатишга” бўлган мақсад бўлиб, позитив фейсдир.

Ўзбек тилида ҳам кўпроқ ёши катталар, айниқса, аёллар томонидан *“Гиргиттонингиз бўлай”, “Ўлай сизга”, “Вой ўлиб қўя қолай”, “Жонимни сўранг, берай”, “Жоним билан”* каби маъно жиҳатдан *“Хизматингизга тайёрман”* иборасига тўғри келадиган бирикмалар қўлланилишининг гувоҳи бўлдик.

Эронликлар жуда кичик ёшидан ўз ўйинчоқларини дўстлари ва қариндошларига беришга, ўзларига берилган ширинликларни меҳмон учун сақлаб қўйишга ўргатилади. Чунки Эронда меҳмон жуда муҳим инсон саналади. Ғарбликлар эронликлар ҳақида “Меҳмонининг кўнгли учун ҳамма нарсадан воз кечадиган халқ”[158] деб таърифлайдилар. Уйингизни садақа учун тақиллатган гадой ҳам сизга нисбатан мулозамат қилади. Теҳрон кўчаларида бир гадой катта қоп ва иккита узун таёқ кўтариб кетар эди. Бир киши унга садақа бераётиб сўради:این چوبها برای چه؟ [In çubha bäraye çe] *“Бу таёқлар нега керак?”* Гадой бунга می خواهی وردار! [Mihai värdar] -*“Агар сизга керак бўлса олаверинг!”* деб жавоб беради. У киши نه، مرســی! [Nä, mersi] – *“Йўқ раҳмат!”* деб жавоб қайтарди. Бу ҳолда гадойнинг таклифи “садақа учун миннатдорлик”ни етказиш йўлидир[159].

Р.Саҳрагард мулозамат таорифи ҳақида шундай дейди: Эронда ўзаро муносабатларда мулозамат жуда муҳим ўрин тутади. Эронликнинг пальтосини

[158]https://iranamaze.com/iranian-hospitality/

[159] Afghari A., Karimnia A. A Contrastive Study of Four Cultural Differences in Everyday Conversation between English and Persian // Intercultural Communication Studies, 2007. - № 16. - P. 243-250.

мақтаган америкалик таорифни тушунмасдан эронликнинг пальтосини кўтариб кетишга сал қолди, деб мисол келтиради. Америкалик:!چه پالتوی قشـنگ دارید [Çe paltuye qäşäŋ darid] *Пальтойингиз қандай чиройли экан?* Эронлик: – !مال شـماسـت [Male şomast] – *Бу сизники (сизга)!* [160] Шунингдек, америкаликнинг уйида меҳмон бўлган эронлик ўзининг таориф тамойилларига амал қилиб, таклиф этилган ичимлик ва егуликка!نه، مرسـی [Nä, mersi] – *Йўқ, раҳмат!"* деб жавоб бериб, оч қолганлари ҳақида айтганларини М.Амоузаде[161] таъкидлайди.

Ўзбекистонда меҳмон бўлган хорижликлар билан ўтказган индивидуал интерьвюмизда ўзбек мулозамати борасидаги объектив нигоҳ билан қаралган изоҳлар ҳам "ўзбек тилидаги мулозамат нутқий этикет бирликлари"ни ўрганиш учун манбалардан бири бўлди.

Ўзбекча мулозамат нутқий этикет бирликлари аксарият хорижликларда қуйидагича таассуротлар қолдиргани аниқланди: (стратегия)

а) Ижобий томондан:

-яқин қариндошлар мурожаат шакллари билан ҳамсуҳбатни чақириш (ака, опа, болам, синглим, укам, акам, амаки, хола ва ҳ. к.);

-ўзини пастроқ, ҳамсуҳбат/меҳмонни улуғ тутиши (меҳмондорчиликда мезбон-ўзбек официантдек ўзини тутиши; мақтовга камтарлик билан жавоб бериши (мисол: -Жуда билимли инсонсиз! – Йўғе, ошириб юборяпсиз, ҳали кўп ўрганишимиз керак);

-яқин муносабатли суҳбат (суҳбатдошни суҳбатга тортиш мақсадида турли саволлар бериш, турли мавзулардаги мулоқот).

б) Салбий томондан:

-меҳмонга босим ўтказиш (меҳмонга "олинг, олинг" деб кўп бор таомни таклиф қилиш);

[160] R.Sahragard. A cultural script analysis of a politeness feature in Persian. Proceeding of the 8th Pall conference in Japan, (2004). 2004. P. 399-423.

[161] Amouzade M. Politeness in Persian // Language Forum, 2001. – № 27. - P. 131-141.

-шахсий саволлар берилиши (Неча ёшсиз? Оилалимисиз? Нима иш қиласиз? Ойлик яхшими?);

-мавҳум таклиф ёки ваъда (таклифнинг рост ёки юзаки эканлигини аниқлаш мушкуллиги: “Юринг, бизникида меҳмон бўлинг”, “Агар ёрдам керак бўлса, бемалол мурожаат қилинг” ва ҳ. к.)

Шу ўринда хорижликлар, эронликлар ва ўзбеклар иштирокида ўтказилган “мулозамат мавзусидаги сўровнома[162]” натижаси ҳам фикримизни далиллайди.

Жадвал № 6.



[162] https://forms.gle/EvPAau8jVQrpDuTSA / https://forms.gle/GyWsrRhgNPpYxgeJ7

Жадвал № 7.



Жадвал № 8.



Японияда[163]60 киши билан ўтказилган сўровнома натижасига кўра ўзбекона мезбон мулозамати уларга ёт тушунча бўлиб, ҳеч бир қатнашувчи меҳмонга

[163]https://docs.google.com/forms/d/1thQty0cDRubAgAVNZXRt8ZSDlciOm2Bwm3Jwsz_zaRw/edit#responses

нисбатан “Марҳамат, олинг” деб кўп марта айтаман, деган жавобни белгиламаган. Улар бир марта таклиф қилишни маъқул кўришларини билдирганлар. Бунда негатив фейс ифодаланган. Ўзбеклар [164]орасида ҳудди шу сўровнома натижаларига кўра эса, “Олиб ўтиринг, - деб кўп марта айтаман” жавоби салмоқли улушни эгаллаган бўлса, японларга хос бўлган “ҳеч нарса демайман” жавоби ҳеч бир иштирокчи томонидан танланмаган. Эронликлар жавобларида ўзбеклардек позитив фейс ифода этилган бўлиб, экспрессивлик нуқтаи назардан ўзбек халқидан-да мулозамат даражаси кучли эканлигини “агар емасангиз хафа бўламан” (бу хорижликлар учун “очиқ босим”- Ҳ.Т.) жавобининг улуши кўплигидан ҳам англаш мумкин. Эронликларда ҳам “ҳеч нарса демайман” ва ўзбеклар томонидан белгиланган “олиб ўтиринг деб 1-2 марта айтаман (21, 7%)” жавоби белгиланмаган.

Маълумки, мақтов ҳам мулозамат доирасидаги нутқий акт бўлиб, унинг турли халқларда қўлланилиши ўзига хос маданий ва когнитив ҳусусиятларга эгаки, унинг муҳитида иштирок этиб англанмаса, суҳбат чоғида прагматик хато қилиб қўйишнинг эҳтимоли юқоридир. Мулозамат қилишда мақташ ва унга жавоб қайтариш тамойилларини тушуниб олиш айниқса дипломатик мулоқотларда ўта аҳамиятли ва муваффақиятли истиқболга элта оладиган билим бўлади.

Ф.Шарифиан “Форсча “ṣekäste-näfsi” (камтарлик) маданий схемаси. Форс ва инглиз-австралияликларнинг мақтовга жавоблари тадқиқи” номли мақоласида[165] форс ва австралиялик ўртасидаги мулозаматли суҳбатни мисол келтиради:

(Муаллифнинг Цукуба университети 2016-2017 даврги япон ва ўзбек нутқий этикет бирликлари бўйича тадқиқот дастуридаги изланишлари натижаси)

[164]https://docs.google.com/forms/d/12JGDTIKx6aZu2iZH_8DJn60GDGkJK2FGmahfwzzrQ9E/edit#responses

[165] Sharifian F. The Persian cultural schema of shekasteh-nafsi. A study of compliment responses in Persian and Anglo-Australian speakers. - Melbourne: John Benjamins Publishing Company, 2005.

Инглиз тили австралиялик ўқитувчи ва эронлик талабанинг оригинал суҳбати:

Lecturer: I heard you've won a prestigious award. Congratulations! This is fantastic.

Student: Thanks so much. I haven't done anything. It's the result of your effort and your knowledge. I owe it all to you.

Lecturer: Oh, no!!! Don't be ridiculous. It's all your work.

Ўзбекча таржимаси:

Ўқитувчи: Эшитишимча, нуфузли мукофот ютиб олибсан. Табриклайман! Бу жуда ажойиб.

Талаба: Катта раҳмат. Мен ҳеч нарса қилмадим. Бу ҳаммаси сизнинг ҳаракатингиз ва билимларингизнинг самараси. Мен бунинг барчаси учун сиздан қарздорман.

Ўқитувчи: Йўғе! ! ! Тентак бўлма. Бу ҳаммаси сенинг ишинг.

Бу суҳбатдан кейин ўқитувчи талабанинг муваффақиятига қўшган ҳиссаси ҳаддан ташқари муболаға билан ифодалангани, бу унга ноқулай ҳиссиётни берганини таъкидлайди ва талаба "ҳақиқатдан жуда узоқлашди" (stretched the truth too far) деб изоҳ берди. Талаба эса ўз мулозаматли жавобини ноўрин деб топмайди.

Юқоридаги бир-бирини тўғри тушунишдан йироқ бўлган номувофиқ суҳбатда эронлик талаба ўқитувчининг мақтовига ўз маданиятидан келиб чиқиб "şekäste-näfsi", яъни камтарлик қилса, австралиялик ўқитувчи ўзининг австралияча "индивидуал маданий меъёри"га таянган.

Ўзбек ва эронлик ўртасидаги биз кузатган суҳбатни мисол ўрнида келтирсак:

Ўзбек: چه قشنگه! [Çe qäşäŋe!] *Қанчалар чиройли!*

Форс: (چشــماتون قشــنگ می بینه! (چشــمهایتان قشــنگ می بیند [Çeşmatun ɣäşäŋ mibine] *Сизнинг кўзларингиз чиройли кўряпти!* / چشــم شــما قشــنگه! [Çeşme şoma ɣäşäŋe] *Сизнинг кўзларингиз чиройли!*

Ўзбек тили вакили келтирган мақтовга, форс тили сўзловчиси қайта мақтов билан жавоб қайтаряпти. Бунда "камтарлик ва суҳбатдошни улуғлаш" тамойилига амал қилинган бўлиб, "аслида мендаги нарса у қадар чиройли эмас, сизнинг кўзларингиз чиройли кўргани учун сизга чиройли кўриняпти" маъносида мулозамат кўрсатилмоқда. Муболаға, ҳусни-таълил каби бадиий санъатларни англаш мумкин. Бу ўзбек кишисининг наздида "ҳаддан ташқари мулозамат, ошириб юбориш, ўта камтарлик, сўзамоллик" деб қабул қилиниб, позитив таассурот, ва баъзи вақтлар "кесатиққа ўхшаш жавоб" деган негатив таассурот қолдиришини интервьюлар[166] орқали аниқладик.

Шунингдек, расмий мулоқотларда ҳам оғзаки услубга хос структура билан қўлланилиши табиий ҳолдир. Бунда است [äst] боғламасининг оғзаки услубга хос варианти қўлланиб, морфемик ўзгариш юз беради (قشنگه! [ɣäşäŋe] ←قشنگ است! [ɣäşäŋ äst]) ҳамда ҳарфлар тушиб қолиш ва муайян унли товушнинг ўрнини бошқа бир унли товуш эгаллаши натижасида (ä (а) товуши а (о) товушига алмашиниши: (باران [baran] بارون [barun]) фонологик ўзгаришларни ўзида акс эттириб, адабий нутқ билан структур фарқ қилади.

Форс: چه قشنگ حرف زدید! [çe qäşäng xärf zädid] Жуда чиройли гапирдингиз!

Ўзбек: مرسی، سعی کردیم. [mersi, sa'y kärdim] Раҳмат, ҳаракат қилдик.

Форс суҳбатдош билдираётган "Чиройли сўзладингиз!" мақтовига ўзбек суҳбатдош миннатдорчилик билдириб, "Ҳаракат қилдик!" деб жавоб қайтарар экан, "Муваффақиятли бўлдими, йўқми, билмадик, лекин ҳаракат қилиб кўрдик." маъносини назарда тутиб, ўз камтарлигини кўрсатади. Бунинг камтарлик эканлигини ўзбек халқигина тушуниши мумкин. Чунки, мазкур

[166]https://docs.google.com/forms/d/12JGDTIKx6aZu2iZH_8DJn60GDGkJK2FGmahfwzzrQ9E

“ҳаракат қилдик” жавоби форс тили ва бошқа Осиё халқлари тилига, жумладан, хитой, япон, корейс, индонез тилларига таржима қилинса, “манманлик, ўзини севиш” коннотациясини англатади. “Ҳаракат қилдик, мана эришдик”, “Ҳаракатимиз билан муваффақият қозондик”, “Ҳаракат қилдик, меҳнат зое кетмади” каби маънолардаги “ўз-ўзидан ғурурланиш” онг ости тушунчалар ўзбек халқи маданиятини нотўғри талқин бўлиши хавфини туғдиради. (Хитой, япон ва корейс ларда мақтовга “Ундай эмас”, Индонез ларда “Йўқ, йўқ” деб жавоб қайтарадилар.) Расмий услубда адабий, норасмий услубда оғзаки нутқ ифодаланиши ўзбек тилига хосдир. Структур ўзгаришлар кузатилмайди.

Демак, ўзбек тилида расмий нутқда адабий тил билан ифодалаш ҳурмат, этикет белгиси бўлса, ундан фарқли равишда, форс тилида расмий ва норасмий нутқда “таориф” бирликларини оғзаки нутқ нормаларида ифодалаш яқин муносабат, ҳурмат кўрсаткичидир. Ҳар иккала маданиятда позитив фейс (ҳурмат ифодаси) етакчи. Форс тили этикет бирликларида *гипербола, ҳусни таълил, талмеҳ, ташбеҳ, ташхис, иштоқ, таблиғ, литота* каби поэтика ва поэзияга хос бадиий тасвир санъатларни кузатамиз.

Қуйида форс ва ўзбек тилига хос мулозамат бирликлари келтирилган. Мақтовчи –А, Мақталувчи –Б.

Жадвал № 9.

N	***Форсча таориф***	***Ўзбекча таржимаси***
1	A: چه خانه قشنگه! [çe xaneye γäşäŋe]	A: Қандай чиройли уй!
	B: قابل نداره! [γabeli nädare]	B: Арзимайди.
	A: صاحبش قابل داره [sahebäş γabel dare]	(Мақтовингизга арзимайди) A: Соҳиби бунга арзийди.
	A: چه خانه قشنگه! [çexaneyeγäşäŋe] B: خونه خودتونه ! [xuneye xodetune]	A: Қандай чиройли уй! B: Бу сизнинг уйингиз!
	A: چه کار عالی انجام دادی!	A: Қандай ажойиб иш қилибсиз!

2	[çe kare aliye änjam dadi]	
	B: چه میگین، شرمنده ام. [çe migin, şärmändeäm]	Б: Нималар деяпсиз, ҳижолатман.
	A: دشمنت شرمنده بشه!]doşmänet şärmände beşe]	A: Душманингиз ҳижолат бўлсин.
3	A: چه لباس زیبا! [çe lebase ziba]	A: Чиройли кўйлак экан.
	B:! متعلق به خودتونه [motä'leγ be xodetune]	B: Бу сизга!
4	A: می تونم قلمرو بگیرم ؟ [mitunäm γälämi begiräm]	A: Ручка олиб турсам майлими?
	B:مال شماست! [male şomast]	B: Бу сизники.
5	A: قیمتش چند است؟ [γeymätäş çänd äst]	A: Неча пул?
	B: قابله نداره ! [γabele nädare]	B: Арзимайди (Пул беришингизга арзимайди.)
6	A:! پخته شما خیلی خوبه [poxteye şoma xeyli xube]	A: Жуда мазали пиширибсиз!
	B:! ولی به پای دست پخته شما نمی رسه [väli be paye däst poxteye şoma nemirese]	B: Лекин сизчалик эмас.
	B: مرسی، خیلی ممنون! [mersi, xeylimämnun]	B: Раҳмат, жуда хурсандман.
	B:! لطف دارید / لطف شما زیاد! [Lotf darid / lotfe şoma ziyad]	B: Жуда меҳрибонсиз.
	B: اثلاً اینطوری هم که میگین نیست [äslän intouri häm ke migin nist	B: Сиз айтаётгандек эмас.
	B:! نوش جان [nuşe jan]	B: Ош бўлсин.
7	B:! شما لطف دارید [şoma lotf darid]	B: Лутф кўрсатяпсиз.
8	B:. هر چه داریم به خاطر شما است [här çi darim be xatere şomast]	Нимамиз бўлса ҳам сиз учундир.
9	B:! حجالتم میدین [xejalätäm midin]	Ҳижолат қиляпсиз.
10	A: ماشین خوب خریده اید [maşine xub xärideid]	Яхши машина олибсиз.

	В:هر وقت احتیاج داشتین میتونین بگیرین! [här väγt ehtiyaj daştin mitunin begirin]	Керак бўлган пайтда бемалол олаверинг.

Юқорида келтирилган форс мулозамат бирликлари ўзбек тилидаги бирликлар билан чоғиштирилса, бирмунча лингвопрагматик тафовут ва ўхшашликларнинг мавжудлиги аниқланади. Янги уй сотиб олган кишига уйга нисбатан мақтовга (چه خانه قشنگه! [çe xaneye γäşäηe] Қандай чиройли уй!) нисбатан бериладиган жавоблар ва уларнинг фоиз кўрсаткичлари қуйидагича тус олди:

1) لطف دارین! [lotf darin] Лутф қиляпсиз! (Аслида мақтовингизчалик эмас, сиз лутф билан мақтаяпсиз маъносида) – 73%

2) [γabele nädare] Мақтовингизга арзимайди. - 15%

3) چشماتون قشنگ می بینه! قابل نداره! [çeşmatun ɣäşäη mibine] Сизнинг кўзларингиз чиройли кўряпти! –10%

4) خونه خودتونه ! [xuneye xodetune] Бу сизнинг уйингиз! - 2%

Форс тили вакиллари мақтовга жавобда нисбатан “шекасте-нафси” – камтарлик (ўзини камтар тутиш, ўзгани улуғлаш) тамойилига қатъий амал қилишлари муҳим нутқий этикет қоидаси эканлигини кўрсатдилар. Бунда мақтовга нисбатан, фақат “миннатдорлик билдириш” – “мақталувчи манман экан”, деган таассурот келиб чиқишига сабаб бўлади. Қолаверса, мақтов учун миннатдорлик билдириш форс менталитетида ёт тушунчадир.

Ўзбек тилидаги сўровнома иштирокчилари бу мақтовга (Уйингиз жуда чиройли экан. / Зўр уй олибсиз!) қуйидаги жавобларни белгиладилар:

1. Катта раҳмат. -36%

2. Раҳмат, хурсанд қилдингиз. - 34%

3. Ёқдими? Юринг ичкарига кирамиз. – 10%

4. Ташаккур. Сизга бундан-да яхшилари насиб қилсин. - 9%

5. Раҳмат. Худо насиб қилди. Келинг, азиз меҳмонимиз бўлинг. -6%

6. Раҳмат. 10 йилда эришдим орзу қилган уйимга. -1%

Таъкидлаш жоизки, 5-рақамдаги жавоб форс тили вакиллари томондан ҳам қўлланади. Ўзбек тилида эса айнан бу жавобнинг мутахассислиги форс тили бўлган кишилар томонидан ишлатилиши қайд этилди. Кўринадики, ўрганган, мутахассислиги бўлган тилнинг маданияти кишининг она тилидаги нутқига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Ўзбек тили вакилларининг мақтовга жавоб беришида "миннатдорлик билдириш", "ўз танловидан қониқиш", "мақтаётган инсонга тилак билдириш", "ўз-ўзини эътироф этиш" ва "Худога шукроналик" каби маъно етакчи бўлиб, миннатдорлик билдириш бирлиги билан бирга қўлланилади. Бу бирликлар форс тилига тўғридан-тўғри таржима қилинса "манманлик мазмуни" англашилади. Ёки аксинча, форс мақтов нутқий этикет бирликларига жавоблар тўғридан-тўғри таржима қилинса, "муболағали такаллуф", "сохта камтарлик", "ношукурлик" коннотациясини келтириб чиқаришини 100 та ўзбек иштирокчидан 83 таси эътироф этди.

Айнан шу савол ("Уйингизни мақташганда, қандай жавоб берасиз?") Ғарб маданияти вакилларига берилганда, қуйидагича жавоблар кузатилди:

1) It is lovely, isn't it? – Ростдан ҳам зўр-а?!

2) Thank you, I really love it. – Раҳмат, ўзимга ҳам жуда ёқди.

3) Thanks a lot. – Катта раҳмат.

Бу тарздаги "ўз ютуқларидан фахрланиш" маъносидаги жавоб бирликлари нафақат форс тили, балки ўзбек тили нутқи маданиятида ҳам ижобий бўлмаган таассурот берувчи бўёқдорликка эгадир.

Жадвал № 10.

Форс мақтов бирликларининг ўзбекча инвариантлари (сўровнома натижаси)
А: Қандай чиройли/гўзал уй!
Б: Катта раҳмат. Сизга бундан-да яхшилари насиб қилсин//Насибамиз қўшилган экан, олдик. Худога шукур*(миннатдорчилик, тилак, шукроналик)*.

А: Қандай ажойиб иш қилибсиз!
Б: Катта раҳмат. Ҳаракат қилдик //Ўзи бундан ҳам яхши қилмоқчи эдик. Озгина вақт етишмади // Ўзимизча бир ҳаракат қилиб кўрдик-да! *(ўз-ўзини эътироф қилиш, камтарлик ичида эътироф, камтарлик)*.
А: Чиройли кўйлак экан.
Б: Ростдан-ми? Катта раҳмат// Вой, арзонга олганман. // Эй, уй ичи кийимга ўхшамайдими? // Раҳмат, онамнинг совғаси. // Раҳмат, бир ўзимни мукофотлай дедим-да. // Йўғ-ей, оддиймасми?! *(такрорий мақтов кутиш, буюм тафсилоти, камтарлик, эътироф, харид сабаби)*.
А: Ручкангизни олиб турсам майлими?
Б: Бемалол. // Вой олаверинг, сўраб ўтирасизми! // Соати 2000 (дўстлар орасида) *(олижаноблик кўрсатиш, ҳазил қилиш)*.
А: Неча пул?
Б: . . . . . сўм // Келиштириб бераман. Қанча оласиз? (Размерингиз неча?) // От билан туя бўлармиди? *(тўғридан тўғри жавоб, савдодан аввал харидор билан суҳбат, харидорни товарга қизиқтириш)*.
А: Жуда мазали пиширибсиз!
Б: Ош бўлсин // Сизга ёққанидан хурсандман*(эътироф)*.
А: Зўр нутқ сўзладингиз. Оғзим очилиб қолди.
Б: Катта раҳмат // Йўғе, уялтирманг// Ҳали кўп ўрганишимиз керак*(миннатдорчилик, камтарлик)*.
А: Яхши машина сотиб олибсиз. Муборак бўлсин. Тагидан шамол ўтсин.
Б: Катта раҳмат // Қуллуқ*(миннатдорчилик)*.

Ф.Шарифиан[167]ўтказган сўровнома натижасига кўра, ўқитувчи томонидан мақталган 20 та талабанинг 18 таси таҳминан қуйидагича жавоб беришларини таъкидлаганлар:

من این موفقیت رو مدیون زحمات شما هستم و اگریاری شما نبود هرگز به این موافقیت دست پیدا نمیکردم.

[man in moäfaγiät ra mädyune zähämate şoma hästäm vä ägär yariye şoma näbud härgez be in moäfaγiät däst peida nemikärdäm]

“Мен бу муваффақият учун сиздан қарздорман, агар сизнинг ёрдамингиз бўлмаганда, бу ютуқни ҳеч қачон қўлга киритолмас эдим.”

[167] Sharifian F. The Persian cultural schema of shekasteh-nafsi. A study of compliment responses in Persian and Anglo-Australian speakers. - Melbourne: John Benjamins Publishing Company, 2005.

Айни шу савол австралиялик талабаларга берилганда, улар*‘I worked for it hard though’ and ‘all I had to do is try hard enough’- “Мен бу учун қаттиқ меҳнат қилдим” ва “Қилишим керак бўлгани етарлича меҳнат қилиш бўлди”* каби жавобларни қайд этганлар.

Ҳудди шу мақтовга ҳар иккала миллат вакили маданиятига хос болган жиҳатлар ўзбек нутқий этикетида аниқланди. Жумладан, эронликларга хос камтарлик ва австралияликларга хос ўзини эътироф этиш тамойили ўзбек тилида *“Ҳаракат қилдик, устоз.” / “Мақсадимиз сизнинг юзингизни ёруғ қилиш эди!”/ “Бу ҳаммаси сизнинг ўгитларингиз/дарсларингиз натижаси!”* жавобларида кузатилди.

“Ҳаракат қилдик, устоз” да меҳнат қилганининг эътирофи ҳамда шунчаки ҳаракат қилиб кўргани изоҳланиб, бир пайтнинг ўзида эътироф ва камтарликни англаш мумкин. *“Мақсадимиз сизнинг юзингизни ёруғ қилиш эди”* жавобида устозга нисбатан ҳурмат даражаси қўлланилиб, нима қилсак ҳам сиз учун бўлди деб улуғланмоқда ҳамда *“юзингизни ёруғ қилдик/муваффақиятга эришдик”* маъносида ўз-ўзини эътироф этиш мазмуни билдирилади. *“Бунинг ҳаммаси сизнинг ўгитларингиз/дарсларингиз натижаси”* – ўта камтарлик кўриниши бўлиб, Эрон таорифига эквивалент бўла олади.

Мисоллар: (1) *A:*همیشـــه مهربـان و مفیـدی! [Hamişe mehräbano mofidi] *Доим меҳрибон ва ёрдамга шайсиз.* B: مرســـی. ولی اینجوری هم نیســـت که میگی! [Merci. Vali injoriäm nist ke migi] *Раҳмат, лекин сиз айтаётганчалик эмас. (2)* A: وای! امروز خیلی خوشـــتیـپ شـــدی! [Vay! Emruz xeili xoştip şodi] *Вой, бунчалар гўзал бўлиб кетибсиз! B:* نـه بـابـا! خوشـــتیـپ نیســـتم اثلاً. [Nä baba. Xoştip nistam äslän] *Йўғ-эй, (Нималар деяпсиз) мен чиройли эмасман*.[168]

[168] Vahid Sh.P. , Gholam R.Z. Investigating the Use of Compliments and Compliment Responses in Persian: Effect of Educational Background // International Journal of Applied Linguistics & English Literature ISSN 2200-3592 (Print), ISSN 2200-3452 (Online). – Sydney, 2017. - volume 6. - № 1.

Эрон нутқий маданиятида мақтов қабул қилгандан кейин сукут сақлаш, шунчаки жилмайиб қўйиш беодоблик, ҳурматсизлик саналади. Албатта мулозамат / мақтовга нисбатан ўзини паст тутиш тамойилига амал қилиб жавоб бериш кутилади. Ўзбек нутқий маданиятида ҳамайни қоида амал қилади.

Ўзбек тилида *"Жуда чиройли бўлиб кетибсиз"* мақтовига *"Раҳмат, ўзингиз ҳам қолишмайсиз"* деган жавоб энг кўп кузатилиб, бунда форс тилидан фарқли равишда, ўз-ўзини пастга уриш эмас, мақовга қарата "қайтариқ мақтов" билан жавоб бериш нутқий этикет анъанасига айланган деб топилди.

Мулозамат сўзларнинг юқори даражадаги ҳурмат изҳор этишдан ташқари, киноя, сарказмни ҳам англатиши ва келишмовчилик вақтида бирликда семантик ўзгариш юз беришини тадқиқот натижалари далиллайди:

Ўзбекча *"Хизматингизга тайёрман", "Хизматлар бўлса бемалол (айтинг)"* мулозамат иборасининг форсча эквиваленти бўлмиш خدمتت میرسم *[xedmätet miräsäm]"Хизматингизга етиб бораман"* иборасида илтимосни қабул қилиш, ёрдам таклиф қилиш ҳолатидан ташқари "пўписа қилиш" маъноси ҳам кузатилди.

Ака: خواهرجان، لازم دارم فرودگاه بروم [xahärjan, lazem daräm forudgah beräväm] *Синглим, аэропортга бормоқчиман.*Сингил: به خدمتت میرسم [be xedmätet beräsäm] *Хизматингиздаман.*

Мазкур мисолда ака аэропортга кетаётганлиги ҳақида хабар бериб, синглисидан аэропортгача машинада олиб бориб қўйишни илтимос қилмоқда. Сингил ҳам бу илтимосни тушуниб, уни манзилга олиб бориб қўйишини таъкидламоқда. Бунда به خدمتت میرسم нутқий этикет бирлиги вазифасида келган.

Она: کی گلدان را شکست؟ [Ki goldanra şekäst] *Гулдонни ким синдирди?*

Ўғил: خواهر ! *[Xahär] Синглим!* Қиз: ! به خدمتت میرسم [be xedmätet beräsäm] *(хизматингда бўламан) Сендан ўчимни оламан.*[169]

[169] Corey M., Rachel S., Mark V., Claudia M. Ritualized Indirectness in Persian: taarof and related strategies of interpersonal management. – Maryland: University of Maryland. 2014. - P. 16-17.

*[be xedmätet beräsäm]*прагматик мавҳум (pragmatic ambiguity) бирлик бўлиб, фақат контекстдан унинг асл маъносини белгилаш мумкин.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Ҳар икки тилда ҳам, самимий ёки носамимий таориф/нутқий этикет бирликларини ёзма манбадан аниқлаш мушкул. Бунда паралингвистик воситалар ва новербал мулоқот ҳам муҳим ўрин тутади. Кишиларнинг юз ифодаси, гапириш оҳанги, ўзини тутишидан самимий ёки шунчаки “ҳурмат юзасидан” муносабатни ҳис қилиш мумкин;

2) Мулозамат сўзлар эҳтиром маъносидан ташқари киноя ва сарказмни ҳам ифодалайди. Асл маънони англаш учун контекст билан танишиш талаб этилади;

3) Форс ва ўзбек тилларида мулозамат бирликларини қўллашда позитив фейс етакчилик қилади.

2.4. Мурожаат шаклларининг лингвопрагматик таҳлили

Мурожаат қилиш терминлари нутқий этикет бирликлари мавзуси доирасида кўпгина тилларда энг самарали ва батафсил амалга оширилган тадқиқот масалаларидандир. Мурожаат бирликлари нафақат мулоқотнинг муқаддимаси ёки боғловчиси бўлиб хизмат қилади, балки сўзлашувчиларнинг эмоционал ҳолати, мавқеи, нутқ услубини ҳам кўрсатувчи воситадир.

Л.Вуд ва К.Крогер Мулойимлик ва мурожаат терминлари тадқиқотида инглиз мурожаат терминларида негатив ҳурмат ифодаси позитив ҳурмат ифодасидан кўра салмоқли ўрин эгаллаши аниқланиб, негатив ҳурмат ифодасида позитив ҳурмат ифодасидан кўра эҳтиром маъноси етакчи эканлигини мисоллар билан далиллаган.[170]

А.Фукада ва Н.Асато япон нутқий этикет бирликларини П.Браун ва С.Левинсоннинг универсал назариясига асосланиб тадқиқ қилишган. Бу ўринда

[170]Wood, Linda A., Kroger, Rolf O. Politeness and forms of Address // Journal of language and social psychology, 1991. – volume 1, - № 10. - P. 145-168.

япон ижтимоий иерархиясининг вертикал аспектлари (қуйидан баландга, баланддан қуйига ўзгариш) ҳам инобатга олинган.[171]

Э.Иригилиати “Индонезия тиббиёт соҳасида эҳтиром ифодасида мулойимлик, мурожаат терминлари ва мулоқот кодлари”[172] номли илмий мақоласида Индонезия тиббиёт соҳасида мурожаат терминларининг қўлланилишини текширган. Унинг илмий натижаларига кўра, яқинлик, якдиллик муносабатларини билдирувчи *‘Kamu’/ ‘Anda’ – ‘сен’/ ‘сиз’, ‘Mbak’- ‘опа’/ ‘сингил’, ‘Mas’-‘ака’/ ‘ука’, ‘Om’-‘тоға’/ ‘амаки’, ‘Tante’-‘хола’/ ‘амма’*каби терминларда позитив ҳурмат ифодаси етакчилик қилган бўлса, мурожаат терминлари сифатида кўпроқ расмий мулоқотда касб номи ва фамилия / иккинчи исм *‘Bapak Arifi’ – ‘Арифи жаноблари’, ‘Bapak rektor’ – ‘Ректор жаноблари’* қўлланилиши негатив фейсни акс эттирди.

М.Кешоварз Эрон инқилобидан кейин нутқда қўлланилувчи мурожаат шаклларини ўрганди ва яқин қариндошлар номи билан яқинлик ва якдиллик маъносини билдирувчи терминларни қўллаш 1970 йиллардан кейинги даврдан бошлаб кенг тарқалганлигини аниқлайди.*[173]*

М.Алиакбари Эронда замонавий форс тилида мурожаат терминларини тушуниш: Социолингвистик тадқиқот номли мақоласида форс тилида мурожаат терминларини 10 қисмга бўлиб тасниф қилди.[174]

[171] Fukada Atsushi, Asato, Noriko. Universal politeness theory: application to the use of Japanese honorifics // Journal of pragmatics, 2004, - volume 36.
[172] Iragiliati, Emalia. Politeness, forms of address and communicative codes in Indonesian medical discourse // Bahasa dan seni, 2006. - volume 1. - № 1, - P. 79-100.
[173] Keshavarz M. H. Forms of address in post-revolutionary Iranian Persian: A sociolinguistic analysis // Language in Society, 1988. - № 17. – pp. 565-575.
https://www.jstor.org/stable/4167978?read-now=1&seq=2#page_scan_tab_contents
[174] Mohammad Aliakbari. The Realization of Address Terms in Modern Persian in Iran: A Sociolinguistic Study // Linguistik online, 2008. - № 35 (3). P. 3-12.
◦_The_Realization_of_Address_Terms_in_Modern_Persian_in_Iran_A_Sociolinguistic_Study

К.Афзали турмуш ўртоқларнинг ўзаро мулоқотида мурожаат шаклларни турли ижтимоий қатламларнинг ҳозирги Эрон жамиятидаги кўринишларини ўрганди.[175]

А.Мўминова мақоласида II шахс кишилик олмошларининг кўплик ва бирлик шаклларидаги маъно хусусиятлари, уларнинг оилавий мулоқотда қўлланиши, шунингдек, диалектлардаги фарқли жиҳатларини тадқиқ қилади.[176]

Изланишларимиз форс ва ўзбек тилида мурожаат терминларининг қуйидаги шакллари мавжудлигини кўрсатди:

Исм билан мурожаат қилиш шакллари. Турли халқларда исм ва фамилия халқ ва давлатнинг муайян қоидаларига мос равишда белгиланган бўлиб, бир миллат иккинчи миллатдан фарқланади ва исм билан мурожаат қилишда ҳам нутқий этикет бирликларини ишлатиш тамойилларига амал қилиш муҳим саналади. Масалан, индонез халқларида фамилия деган тушунча йўқ. Ҳар бир инсонда 2 та, 3 та ва баъзан 4 та исм бўлади. Расмий ҳужжат ва мулоқот учун қўйилган исмлардан бири фамилия вазифасида келиши мумкин ва унда ҳамма исм тўлиқ ёзилади. Лекин исм эгасига ота-онаси томондан 3 та ёки 4 та исм ичида танлаб олинган бир исм билан мурожаат қилинади.

Япон ва корейс халқида фамилия авлоддан авлодга ўтадиган мерос саналади. Фақат аёллар турмуш қургач, турмуш ўртоғининг фамилиясига ўтиши мумкин. Уларда “отасининг исми”-“middle name” деган тушунча йўқ. Мазкур халқларда фамилия билан мурожаат қилиш расмий услуб ва ҳурмат белгисидир. Биринчи исм билан фақат яқин инсонларгина чақира оладилар.

1919 йилгача эронликларда фамилия бўлмаган. Бир хил исмлар орасида ажралиб туриш учун суффикс ва (احمد نژاد Ähmädnejad, فرخزاد Färrohzad) префикс ёки олд сўзлардан (آیت الله خمینی Ayätullah Homeyni, سید علی SeyyidÄli)

[175]105. Afzali K. The role of address forms of spouses in different social strata in Iran and its sociolinguistic implications // International Journal of linguistics, 2011. - volume 15. - № 1, - P. 82-86.
[176]Муминова А. Узбекский Речевой Этикет: Сен (Ты), Сиз (Вы) // Вестник Российского университета дружбы народов. 2015, №3.

фойдаланганлар. Эронча исмларнинг 15% Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида келтирилган исмлардан олинган.[177] Шунингдек, XX асрнинг биринчи чорагигача кишига у туғилган шаҳар номини исм олдида қўллаш ҳам урф бўлган. (مازندرانی Mazändärani, اصفهانی Esfähani, تبریزی Täbrizi ва ҳ.к.) Резо шоҳ томонидан қабул қилинган (1925-1941) фамилия деган тушунча ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топди. اســـم خـــانـوادگـی[esme xanevadegi] “Отасининг исми” деган тушунча яқин йилларгача мавжуд бўлмаган. Аммо сўнгги йилларда айрим ҳолларда эронликлар паспортларида исм, фамилиядан ташқари отасининг исми ҳам қайд этиладиган бўлди.

Бугунги кунда Эронда кўпгина Ғарб ва Узоқ Шарқ халқларидаги каби исм билан тўғридан-тўғри чақириш одобсизлик саналади. Тенгдошлар орасида ҳамда катталар томонидан кичикларга қарата исм билан мурожаат этиш мумкин. Лекин яқин муносабатларда ҳам исмдан олдин ёки кейин آقا [aγa] “жаноб”, خانم [xanom] “хоним”, جـــان [jan] сўзларининг қўлланилиши суҳбатнинг хушмуомалалик билан ўтишини маълум маънода таъминлайди. Исм билан мурожаат қилинганда جان[jan] сўзини қўшиш кўпинча позитив фейс, آقا[aγa] / خانم [xanom] эса ҳам позитив (яқин муносабат), ҳам негатив (расмий муносабат) фейсни ифодалайди. Аниқ қарор учун суҳбат матнини таҳлил қилиш лозим бўлади. Фамилия билан мурожаатда албатта унинг олдидан آقا[aγa] / خانم [xanom] сўзи иштирок этиб, расмий нуткда негатив фейсни акс эттирди.

Бевосита ўзбеклар билан мулоқотга киришувчи эронликлар нутқини кузатганимизда шунга гувоҳ бўлдикки, эронликларнинг аксарияти ўзини биринчи исми билан таништиради ва ўзбеклардан шу “биринчи исм” билан мурожаат қилишларини сўрайди. Ўз ватандошлари билан эса ўз нутқий этикет қоидаларига содиқ қолган ҳолда фамилия мурожаати билан мулоқотда бўладилар.

[177] Mohammad Aliakbari. The Realization of Address Terms in Modern Persian in Iran: A Sociolinguistic Study // Linguistik online, 2008. - № 35 (3). P. 3-12.

Ўзбек тилида ҳам эронликлар каби XX асргача фамилия тушунчаси бўлмаган, 30-40 йиллардан фамилия муайян тартибга айланиб, қатъий қоида тарзини олган. VI-VII асрлардан ота исмидан кейин "ўғли", "қизи" сўзларини келтириш орқали, кейинроқ араблар таъсирида "ибн" (ўғли), "бинт" (қизи) каби арабча сўзлар воситасида номлаш урф бўлган. Шунингдек, зиёлилар орасида қисман "зода" (Ҳамза Ҳакимзода), "ий", "ия" (Абдулла Қодирий, Музайяна Алавия) қўшимчалари орқали, баъзан қўшимчаларсиз (Парда Турсун, Ҳамид Олимжон) шаклда воқеаланган. Мустақилликкача фамилия миллий-маҳаллий шакл эмас, балки руслар томонидан белгиланган ота ёки бобо исмига –ов, -ев (эркаклар учун), -ова, -ева (аёллар учун) қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинган.

Ўзбек тилида исм билан мурожаат этиш руслар таъсирида шаклланган тизим нутқий этикет қоидаларига жуда яқиндир. Фамилия билан чақириш катта лавозимдагилар кичикроқ лавозимдагиларга нисбатан қўлланилиб, расмий характерга эга. Ўта расмий ҳолатда, ҳурмат маъносида исм ва отасининг исми қўлланади. (Сарвиноз Рўзиевна, Бобур Асрорович) Бу тарзда қўллашда ёшнинг аҳамияти бўлмайди. Фамилия ёки исм ва отасининг исмини қўллашда негатив фейс етакчилик қилади.

Ота-она томондан берилган исм билан мурожаат этишда ҳам форс тили нутқий этикети хусусиятлари билан ўхшашлик аниқланди. Исм ёрдамида катталар кичикларга ёки тенгдошлар ўзаро мурожаат қиладилар. Суҳбатда яқинлик ва ҳурмат коннотациясини белгиловчи "жон", "хон", "бек" (Комилжон, Дилфузахон, Сардорбек) каби исмдан кейин қўлланувчи қўшимчалар кичик ёшдагиёки тенгдошларга нисбатан, шунингдек, "опа", "ака" (Гулёра опа, Санжар ака) қариндошлик сўзлари ўзидан катталарга нисбатан қўлланади. Бунда позитив фейс акс этади. Бундан мустасно тарзда, ака/опа шакллари нафақат ўзидан катталарга, баъзи ҳолларда касбдошлар орасида (ёшдан қатъий назар) ҳам тенг қўлланилиши мумкин.

Кишилик олмошлари билан мурожаат қилиш. Форс тилида ўзбек тилидагидек мурожаат учун II шахс кишилик олмошларидан унумли фойдаланади. Бир киши учун "сен"– تو [to], кўпчилик учун "сиз" –شـما [şoma], шунингдек, бир киши учун II -шахс кўплик "сиз" – شما [şoma] қўлланилади. III-шахс бирликнинг "у" – او [u] ўрнига III-шахс кўпликдаги кишилик олмошининг "улар" –ایشـان [işan] шакли қўлланилиши мурожаат бирлиги бўлмаса-да, учинчи одамга нисбатан кўрсатилаётдан ҳурмат саналади. Мазкур ҳолатлар ҳар икки тилда ўз аксини топади. Аммо форс тилидаги I шахс бирлик олмоши من [män] ўрнига "қул" маъносини билдирувчи بنده [bände] сўзининг қўлланилиши фақат эски ўзбек нутқи акс этган манбаларда кузатилиб, ҳозирги ўзбек тилида учрамайди.

...که بنده ارز می کند Bände ärz mikonad ke…"Мен (қул) айтадики....

Қулингизнинг густаҳлигини авф этинг (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).[178]

Касб, лавозим билан боғлиқ мурожаат шакллари. Форс тилида касб сўзлари билан мурожаат этиш шакллари кенг тарқалган. Мурожаат қилинаётган шахс ва сўзловчи бир хил статусда бўлса ҳам, сўзловчи ўзидан баланд статус "бирлигини" мурожаат шакли сифатида қўллаши ҳам таорифнинг бир кўринишидир

Юсеф: آقای مهندس، با کی کارra انجام می دهم. [aghaye mohändes, bo ki karra änjam midehäm][179] Жаноб муҳандис, ким билан ишни ижро қилишим керак?

Сойе: خانم مهندس سایه نیازی [xanome mohändese Sayeye Niyazi] Муҳандис хоним Сойе Ниёзи.

Алиакбар Мўҳаммади [180] таснифига асосланиб, қуйидаги бирликлар иштирок этган мурожаат вазиятлари тадқиқ қилинди: а) *касб сўзлари:* دکـتـر

[178]https://kitobxon.com/uz/kitob/yulduzli_tunlar

[179]https://www.youtube.com/watch?v=TO9x5ZDhSG8&t=7sAtashbas фильми, 13: 52-дақиқа Atashbas фильми, 19: 48-дақиқа

[180] Mohammad Aliakbari. The Realization of Address Terms in Modern Persian in Iran: A Sociolinguistic Study // Linguistik online, 2008. - № 35 (3). P. 3-12.

[doktor] –доктор, / مهندس [mohändes] – муҳандис, ســـردار [särdar] – бошлиқ, امیر [ämir] бошлиқ, استاد [ostad] – устоз/уста, پروفسور [perofesor] - профессор, رییس[raiis] -бошлиқ, ســـــربـــاز [särbaz] аскар; *b)Касб бирлиги + жаноб/хоним*: Касб бирликлардан олдин ёки кейин خانم [xanom] “хоним” ва آقا [aγa] “жаноб” сўзлари келиши юқорироқ ҳурматни ифодалайди: خانم دکتر [xanom doktor] – доктор хоним, آقـای مـهنـدس [aγaye mohändes] – жаноб муҳандис, خـانـم مـعلـم [xanom moällem] – муаллима хоним, آقای رییس جمهور [aγaye räiis-jomhur] жаноб президент; *c) касб бирлиги+ фамилия:* دکـتـر مـحـمـدی [doktor Mohämmädi] Доктор Муҳаммади; *d) жаноб/хоним +касб бирлиги + фамилия:*آقای دکتر محمدی [aγaye doktor Mohämmädi] Жаноб доктор Муҳаммади; *e) жаноб/хоним +касб бирлиги + исм + фамилия:* آقای مهندس احمد محمدی [aγaye mohändes Ähmäd Mohämmädi – Жаноб муҳандис Аҳмади Муҳаммади.

Ўзбек тилида индивидуал кузатув ва сўровнома натижаларига асосланиб мурожаатни қуйидагича тасниф қилиш мумкин: *а) касб бирлиги билан мурожаат:* “Касалимни даволаса бўладими, доктор?” “Шофёр (Шопир), бироз кутиб туринг, илтимос.” “Домла, илмий иш бўйича маслаҳатингиз керак эди.” “Нима десангиз шу, ҳўжайин.” Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “домла” сўзининг қўлланиши ҳам нутқий этикетда семантик ва прагматик хусусияти билан вазиятга кўра фарқланди. (1) ўқитувчи, устоз маъносида; (2) ёши катта илмли одам; (3) диний ташкилотлар билан боғлиқ одам (имом) ёки диндан яхши хабардор киши. *б) касб/лавозим бирлиги + қариндошлик терминлари:* “доктор болам”, “шофёр ака”, “уста ака”, “директор ака”, “чевар қизим”, “чевар хола”. “Уста” – қурувчи, сартарош, ошпазлар ҳамда “ўз ишининг моҳир устаси” маъносини билдирувчи мурожаат атамасидир. *с) касб бирлиги + исм (исм/фамилия/отасининг исми):* “Ҳанифа чевар”, “Қуронбеков домла”, “устоз

https://www.researchgate.net/publication/242764953_The_Realization_of_Address_Terms_in_Modern_Persian_in_Iran_A_Sociolinguistic_Study

Сарвиноз Рузиевна”, “Ҳамшира Асророва”. *д) касб бирлиги +илтифот сўзи:* “Жаноб президент”, “Муҳтарам президент жаноблари”.

Яқин қариндошлик терминлари. Бу гуруҳдаги терминлар ҳар иккала тилда жуда маҳсулдор бўлиб, нутқда кенг тарқалган. Форс тилида фарзанд отага нисбатан қуйидагича сўзлар билан мурожаат қилади: بابا [baba], پدر [pedär], آقاجان[aγajan], بابایی [babaii], باباجان [babajan]. *Она* مامان [maman], مادر [madär], مامانی [mamani], مامانجان [mamanjan] каби сўзлар билан аталади. *Ака-укалар*га нисбатан برادر [bäradär], داداش [dadaş], داداشی [dadaşi], خان داداش [xan dadaş] “буюк ака” каби сўзлар, *опа-сингилларга* эса خواهر [xahär], آبجی [abji], همشیره [hämşire] ва уларнинг исми билан мурожаат қилиш шакллари кузатилди.. “Буви” مادر بزرگ [madär bozorg], مامان بزرگ [maman bozorg], مادرجان [madärjan], خانمجان [xanomjan], ننه [näne], بیبی [bibi] ва “бобо” پدر بزرگ [pedär bozorg], بابا بزر [baba bozorg], پدرجان [pedärjan], آقاجان [aγajan] тарзида ифодаланади. Ўзбек тилида “ота”, “дада”, “ада”, “дода”, Хоразм, Жиззах каби вилоятларда “ака” деб отага, “она”, “ая”, “ойи”, “нана”, “нанна”, “опа”, “эна” деб онага мурожаат қиладилар. Ака-укаларга нисбатан “ака”, “ақа”, “оға”, “ука”, опа-сингилларга эса “опа”, “апке”, “опача”, “ука”, “синглим” мурожаат шакллари кузатилди. “Бобо”, “бува”, “дода”, “катта ота”, “бова”, “опоқи”, “опоқи дода” каби бирликлар “ота-онанинг отасига, “буви”, “ойи”, “катта ойи”, “ая”, “момо”, “эна” терминлари эса ота-онанинг онасига нисбатан қўлланилиши кузатувлар асосида аниқланди.

Аксарият мамлакатларда ота ва онанинг ака-ука ва опа-сингилларига бир хил мурожаат термини қўлланса, ўзбек тилида ҳам, форс тилида ҳам ота ва онанинг яқинлари учун алоҳида бирликлар мавжуд. Ота тарафдан қариндошларга عمو [ämu] “амаки”, عمه [ämme] “амма”; она тарафдан қариндошларга خاله [xäle] “хола”, دایی [daii] “тоға” деб мурожаат қилинади.

Мазкур бирликлар Ўзбекистон вилоятлари ҳудудлари географик жойлашув ўринларига қараб бир-биридан фарқ қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бунда форс

тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам яқинлик ва эркалашни билдирувчи “жон” қўшимчаси позитив фейсни ифодалайди.

Ўзбек тилида қиз фарзанд/набирани “онам”, “онажон” ва ўғил фарзанд/набирани “отам”, “отажон” деб чақириш ҳолати форс нутқида ҳам учрайди ва бу фарзандни “эркалаб чақириш”, “фарзанд билан илиқ муносабат”ни акс эттиради. М.: بابایی در را باز کن! [babaii, därra baz kon] Отам, эшикни оч.[181]

Эронликлар жиянларини “жиян” деб эмас, ўзларига берилган мурожаат шакли билан чақиришлари кузатувлар жараёнида ўзбек тилида учрамаган қизиқ ҳолатлар сирасига кирди. М., خالـه جـان، بـه من کمـک کن![xalejan, be män komäk kon][182]“Холажон, менга ёрдам бер.” Хола жиянига нисбатан خاله [xale] “хола” деб мурожаат қилмоқда.

Қариндош бўлмаган кишиларга нисбатан қариндошлик терминларини қўллаш кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам кузатиладиган нутқий этикет бирлиги бўлиб, форс ва ўзбек тилларида кенг тарқалган.

Бу ҳолатда мурожаат қилувчи ва мурожаат қилинувчининг ёш жиҳатлари ҳам ҳисобга олинади.

Эҳтиром кўрсаткичли бирликлар. Шарқ халқларида қадимдан эҳтиром кўрсаткичли бирликлар тингловчига ҳурмат кўрсатиш, улуғлаш мақсадида нутқда ифодаланиб келган. Бу бирликлар дин, маданият, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган. Расмий услубда суҳбатга киришиш учун эронликларقربان [γorban] “жаноб”, جناب [jenab] “жаноб”, سـرکار[särkar] “хоним”, خانم [xanom] “хоним”, آقا [aγa] “жаноб” каби сўзларни исм билан ёки исмсиз қўллашни хуш кўрадилар.([γorban] “қурбон”, “жаноб” бирлиги олдидан исм қўлланилмайди.) [särkar khanom Märyäm Esmaelzade] Марям Исмоилзода хоним.

[181]Mohammad Aliakbari. The Realization of Address Terms in Modern Persian in Iran: A Sociolinguistic Study // Linguistik online, 2008. - № 35 (3). P. 3-12.
[182]Mohammad Aliakbari. The Realization of Address Terms in Modern Persian in Iran: A Sociolinguistic Study // Linguistik online, 2008. - № 35 (3). P. 3-12.

Ўзбек тилида “жаноб” ва “хоним” бирликлари аксарият ҳолларда хорижликларга нисбатан расмий мулоқотларда (“Кимура хоним” – япон аёлига мурожаат) ва раҳбарият вакилларига мурожаат қилинганда (“Муҳтарам Вазир жаноблари”) ифодаланиб, кундалик нутқда ҳамда ўзаро расмий суҳбатда кузатилмайди. Бунда расмий нутқда исм, отасининг исми, норасмий нутқда эса исм ёки исмга қариндошлик сўзларини қўшиб мурожаат этиш шаклларини кўриш мумкин. Эҳтиром кўрсаткичли бирликларда негатив фейс англашилади.

Яқин муносабатларда қўлланилувчи сўзлар ва бирикмалар. Ўзбек ва форс тилларида энг кенг тарқалган “жон” қўшимчаси мурожаат шаклларига қўшилиб, яқин муносабатни изҳор этиш, низо, можародан қочиш, эркалаш каби когнитив маъноларни ўз ичига олади: احمدجان [ähmädjän] Аҳмаджон, қадрли Аҳмад.

Форс тилида дўстона ва яқинлик муносабатлар кўрсаткичи [jigär] “жигар”, [räfiγ] “ўртоқ”, [aziz] “азиз”, “қадрли” [kuçulu] “кичкинтой” сўзлари ёрдамида ифодаланади, ўзбек тилида ҳам “жигар”, “азизим”, “кичкинтой” каби инвариантлари қўлланилади. Аммо бунда семантик фарқларни англаш муҳим. Масалан, عزیزم [äzizäm] мурожаати форс тилида ҳамма яқин кишиларга бирдек қўлланса, ўзбекларда “азизим” кўпроқ турмуш ўртоқлар орасида ва баъзи ҳолларда кесатиқ маъносида ишлатилади.[183] آقای عزیز [aγaye äziz] “азиз акажон”, “азиз биродар”, خانم محترم [xanome mohtäräm] “муҳтарам хоним”, عزیز دلم [äzize deläm] “дилимнинг азизи”, دختر نازم [doxtäre nazäm] “чиройли қизим”, گل پسر [gol pesär] “гул ўғлим”, دسته گلم [däste goläm] “гулдастам” сингарибирликлар шулар жумласидандир. Ўзбек тилида “муҳтарам” сўзи фақат расмий характерга эга бўлган суҳбатларда қўлланади. “акажон”, “опажон” каби қариндошлик сўзлари узоқ ва яқин муносабатларда бирдек акс этса, “жигар”, “оғайни”, “ўртоқ” кўпроқ йигитлар орасида яқин дўстларга нисбатан айтилиши аниқланди. Ўзбек

[183] https://docs.google.com/forms/d/12JGDTIKx6aZu2iZH_8DJn60GDGkJK2FGmahfwzzrQ9E

тилида кичик болаларни эркалаш учун йўналтирилган асал болам, тойчоғим, қўзичоғим, болажоним, чиройли қизим, гўзал қизим, ширинтойим, шакарим, новвотим, шоколадим каби бирликлар оғзаки ва ёзма нутқ манбаларида акс этди. Мазкур сўз ва бирикмаларда форс тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан позитив фейс ифодаланади.

Мазкур фасл бўйича қуйидаги хулосалар олинди:

1) форс ва ўзбек тилларида норасмий нутқда тенгдошлар ўртасида ва ёш жиҳатдан катталар ўзларидан кичик кишиларга исм билан мурожаат қиладилар. Ўзбек тилидан фарқли ҳолда, форс тилида ўзидан катталарни исми билан чақириш нутқий этикет қоидаларига зид. Ўзбек тилида исм ва отасининг исми ёшдан қатъий назар расмий мурожаат саналади. Бу ҳолат форс тилида кузатилмайди;

2) форс тилида касб-кор лексикаси билан мурожаат этиш шакллари ўзбек тилига қараганда кенг тарқалган. Мурожаат қилинаётган шахс ва сўзловчи бир хил мавқеда бўлса ҳам, сўзловчи ўзидан баланд мавқе “бирлигини” мурожаат термини сифатида қўллаши форс тилида ҳурмат белгисидир. Яқин қариндошлик терминлари қариндошлардан ташқари бегоналарга нисбатан ҳам қўлланилишининг сабабларидан бири ҳар иккала маданиятда ҳам суҳбатнинг равон ўтиши учун бўлган интилиш деб топилди;

3) ўзбек ва форс тилларида фарзанди, набираси ёки фарзанди ва набираси қатори ёшларга ёши улуғ томонидан *онам, отам* каби мурожаат қилиниши кузатилди. Форс тилида бу ҳолат бошқа қариндошлик терминларда ҳам аниқланди. Хола жиянини *хола,* тоға жиянини *тоға* деб чақириши эркалашнинг бир тури бўлиб хизмат қилади. Бу мурожаат шакли ўзбек нутқида учрамайди;

4) форс тилида эҳтиром кўрсаткичли бирликлар кундалик ҳаётда фаол қўлланилса, ўзбек тилида *жаноб* ва *хоним* бирликлари аксарият ҳолларда хорижликларга нисбатан расмий мулоқотлар ва раҳбарият вакилларига

мурожаат қилинганда ифодаланади, кундалик нутқ ҳамда ўзаро расмий суҳбатда кузатилмайди.

II боб бўйича хулоса

1. Саломлашув нутқий актида ҳар икки маданиятда позитив фейснинг етакчилиги, айрим ҳолларда эса ўзбек нутқида негатив фейс учраши аниқланди.

2. Нутқий этикет бирликларини суҳбат актларида қўллаш форс ва ўзбек тилида битта сўз ёки ибора билан чекланмасдан, бир неча ибораларнинг қўлланилиши кузатилди. Бунда эронликларда “сўзамоллик мусобақаси” ва ҳурмат кўрсатиш қабилида бўлса, ўзбек тилида ҳурмат ва такаллуф маъносида акс этиши аниқланди.

3. Ҳар иккала тилда ҳайрлашув ва мулозамат нутқий актларида позитив этикет стратегияси сермаҳсул бўлиб, уни аниқлаш контекстдан ташқари, паралингвистик воситаларга ҳам боғлиқ бўлиши аниқланди.

4. Мурожаат шакли сўз ва бирикмаларда форс тилида ўзбек тилидаги каби асосан позитив фейс ифодаланади. Айрим ҳолларда форс тилида нодиректив (мавҳумлик) ва ўзбек тилида директив сратегия кузатилади.

III БОБ. НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ ВА ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Чет тилини ўрганиш унинг грамматикаси, лексикаси ва талаффузини ўрганиш билан тугалланмайди. Танланган сўзни тўғри вақтда муносиб кишига айта билиш мулоқотнинг муҳим шартларидан саналади. Бу шарт лингвопрагматика доирасига кириб, фаол вербал мулоқотда социо-прагматик жиҳатдан тайин қилиб қўйилган бирликлар ўрганилади.

Н.Шаммас [184] таъбири билан айтганда, лингвопрагматика доирасида ўрганилувчи бирликлар ижтимоий алоқадорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий масофани англаш ва инсонларнинг ўзаро мулоқотидаги маданият, менталитет билан боғлиқ нутқий этикет мезонларининг барқарорлигини сақлаш мақсадида нутқда ифода этилади. Саломлашиш, хайрлашиш, мулозамат, миннатдорлик, табриклаш, узрхоҳлик, тасалли бериш, шикоят қилиш каби нутқий вазиятларда қўлланилувчи ибораларни табиий (одатий) нутқда ифодаланиш масалалари лингвопрагматиканингпредмети саналади.

Норасмий ва расмий нутқда акс этган нутқий этикет бирликларини қўллаш стратегиялари ҳам назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиниши мақсадга молик.

Нутқий этикет бирликларини норасмий ва расмий нутқ вазиятларида стилистик таҳлил қилиш ва лингвопрагматик хусусиятларни ёритиш мақсадида 100 нафар эронлик, 100 нафар ўзбекистонлик иштирокчиларнинг норасмий нутқ вазиятлари бўлмиш “меҳмоннавозлик” ва “табриклаш” мавзусида биз томондан тузилган 10 та саволдан иборат сўровномага берган ёзма жавоблари, forms.google.com иловасида яратилган сўровнома дастури[185] натижалари, Эрон

[184] Shammas N. Cross-cultural Pragmatic Failure: Misunderstanding in Verbal Communication between Speakers of Arabic and English, Unpublished Ph.D Thesis. - UK: University of Loughborough.
[185] https://docs.google.com/forms/d/1g1_xKwo_OxfYftt9Ve95KwVKlhEJQkZG9Hy7rW_y9Ew/edit?usp=drive_web

ва Ўзбекистон давлатларининг расмий вебсайтларида [186] жойлаштирилган расмий музокаралар видеокетма-кетликлари ҳамда дипломатик табрикномаларнинг оғзаки ва ёзма нутқдаги этикет бирликлари лингвопрагматик чоғиштирма аспектда тадқиқ қилинди, шунингдек, ўзбек ва форс тиллари вакилларининг нутқий этикет бирликларига (таорифлар)га бўлган муносабатлари интеревью ва ижтимоий вебсайтлар[187] воситасида ўрганилди.

3.1. Ўзбек ва форс нутқида нутқий этикет бирликларининг қўлланилиш стратегиялари

Америкалик П.Браун ва британиялик С.Левинсон томонидан илгари сурилган ва тилшунослар томонидан қабул қилинган назариялар асосида нутқий этикет бирликларининг қўлланилиш стратегияларини форс ва ўзбек нутқий этикет бирликларида акс этиш жиҳатлари таҳлилга тортилди.

3.1.1.Норасмий мулоқотда нутқий этикет бирликларининг қўлланиш стратегиялари

Юқорида келтирилган тўрт стратегиядан позитив этикет ва нодиректив стратегия нутқий этикет бирликларини ифодалашда етакчилик қилиши суҳбатнингнизосиз амалга ошишига хизмат қилишини илмий кузатувлар натижасида аниқланди.

[186]https://www.president.ir(Эрон ислом республикаси президенти расмий вебсайти), https://www.mfa.ir(Эрон ислом республикаси ташқи ишлар вазирлиги расмий вебсайти), https://www.president.uz(Ўзбекистон республикаси президенти расмий вебсайти) , https://www.mfa.uz (Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазирлиги расмий вебсайти)

[187]www.facebook.com, www.twitter.com, http://hamsarekhoob.com/weblog/2/129499, www.quora.com

3.1.1.1. Меҳмондорчиликда ишлатиладиган нутқий этикет бирликлари

Норасмий мулоқотда турли нутқий вазиятларни (меҳмондўстлик, савдо-сотиқ, турли бошқа хизмат соҳаларида ва ҳ.к.) кузатилса-да, меҳмондўстлик ўзининг фарқли томонлари билан эътиборни ўзига тортади.

Меҳмондўстлик дунёнинг кўпгина халқлари маданиятига хос бўлиб, мезбон ва меҳмон ўртасидаги вербал ва новербал эҳтиромли муносабатдир. Бу форс тилида مهمانتوازی [mehmannävazi], ўзбек тилида *меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик* деб юритилади. Мезбон сифатида чиройли такаллуфли сўзлар, иборалар қўллаш, меҳмоннинг кўнглини олишга ҳаракат қилиш, ўзини жуда камтар тутиш, ширин муомала ва мазали таомлар таклифи билан меҳмонда ижобий таассурот қолдиришга интилиш ҳар икки халқ маданиятига оид хусусият ҳисобланади. “Меҳмондўстлик саҳнаси” мезбон уйи, кафе ёки ресторан каби овқатланиш жойларида акс этади. “Меҳмондўстлик” Эрон ва Ўзбекистон маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, бу муносабатга мазкур икки халқнинг “визиткаси”, деб таъриф бериш мумкин.

Эрон ва ўзбек халқларининг “меҳмондўстлик” саҳналарини жонли ва виртуал кузатиш натижасида икки халқ нутқий этикетида мазмунан қисман ва мутлоқ ўхшаш бирликлар билан бирга, фарқ қилувчи томонлари ҳам албатта мавжудлиги аниқланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, албатта халқнинг географик жойлашуви[188] ҳам роль ўйнаса-да, умумий жиҳатдан қаралганда, ўзбек халқида нутқий этикет бирликларини қўллашда форс тилидаги каби “сўзамоллик пойгаси” –“таорифларни ўрнида кетма-кет қўллаб, ҳар бир таорифга жавобан таориф қўллаш” ижтимоий тамойилига у қадар талабчанлик билан қаралмайди. Аммо ҳар икки халқ вакиллари фарзандларига ёшлигидан "меҳмондўст бўлиш"ни ибратли ҳикоялар, ҳадислар, диний ва дунёвий таълимлар асосида ўргатадилар ва амалда ҳам кўрсатадилар.

[188] Водий халқига “сермулозамат”, Ўзбекистон шимолида яшовчиларга “бироз совуққон”/ “мулозаматдан йироқ” деб таъриф берилишини турли хил вилоятли фуқаролар билан ўтказган суҳбатларимиз орқали аниқланди.

Эрон халқида меҳмоннавозлик ислом давригача ҳам ўз ўрнига эга бўлган бўлса-да, ислом кириб келгач, бу маданият янада ривожланди, диний манбалар далиллари билан таълим-тарбияда ҳам муҳим қоида бўлиб қолмоқда.

Алинежод Салими "جایگاه مهمان و مهمان نوازی در فرهنگ ایرانی" "Эрон маданиятида меҳмоннинг ўрни ва меҳмондўстлик" номли мақоласида келтирган фикрларга тўхталамиз:

"در اسلام خانه ای را که مهمان داخل آن نشود و کسی که از مهمان فراری است نکوهش کرده است. در حدیثی از پیامبر آمده است هر که به خدا و روز قیامت ایمان آورده مهمان را گرامی بدار! ایرانیان عموما در خانه های خود قسمتی را برای پذیرایی از افراد در نظر میگیرند و به مهمانخانه می گویند."

"Исломда меҳмон келмайдиган, меҳмон қочадиган уй танқид қилинган. Пайғамбар ҳадисида келтирилади: "Қиёмат кунига иймон келтирган ҳар киши меҳмонни улуғлаши керак."[189]

Эронликлар ҳам, ўзбек халқи ҳам ўз уйларининг бир қисмини меҳмонларни кутишга ажратадилар ва уни *меҳмонхона* деб атайдилар.

مهمانحبیب خدا اســـت. [mehman häbibe xoda äst] "Меҳмон худонинг дўсти", مهمـان نـاخوانـده خرجش پـای خودش اســـت. [mehmane naxande xärjäş paye xodäş äst] "Чақирилмаган меҳмоннинг харажати оёғи остидадир" каби халқ мақолларида ҳам меҳмонни улуғлаш одоби акс этади ва "Меҳмон отангдек улуғ", "Меҳмон атои худо", "Меҳмон ризқи билан" каби ўзбек мақоллари орқали ўзбек маданияти билан ҳамоҳанглик англашилади.

Қиёслаш учун бошқа халқлар тилида меҳмонлар учун хона қандай юритилишига қизиқдик. Инглиз тилида *living room* (яшаш хонаси / дам олиш хонаси); рус тилида *гостинная* (меҳмонхона), швед тилида *vardagsrum*(сўзма сўз: ҳар кунги хона), француз тилида *salon* (зал, салон, хона), вьетнам тилида *phòng khách* (меҳмонхона), индонез тилида *kamar tamu* –(меҳмоннинг хонаси),

[189] لیدا علی نژاد سلیم. مهمانداری و مهمانوازی ایرانی. تهران: دفتر پژوهش فرهنگی، ۱۳۹۵. ۱۷۲ ص https://literaturelib.com/uploads/books/pdf/

хитой тилида 客厅[Kètīng] – “меҳмонхона” тарзида номланиши аниқланди. Меҳмон учун мўлжалланган хонанинг номланишидан ҳам кўринадики, шарқ халқларида меҳмонга муносабат ғарб халқларидан ажралиб туради.

Меҳмоннавозликнинг бошланғич нуқтаси бўлмиш *таклиф қилиш* бир неча нутқий вазиятни ўзида акс эттиради. Жумладан, меҳмонга таклиф қилиш, уйга кираётганда ундаш, бирор ичимлик, егулик ва ҳ.к. ларни таклиф қилиш Эрон ва ўзбек маданиятида меҳмондўстликнинг муҳим ва нозик жиҳатлари саналади.

Меҳмонга таклиф қилиш. Уйга ёки бирор бошқа таомланиш жойига таклиф қилиш форс ва ўзбек нутқий этикетларида самимий: чин кўнгилдан ёки носамимий: шунчаки ҳурмат юзасидан ифода этилади. Таклифнинг чин дилдан ёки шунчаки айтилаётганини аниқлаб олиш хорижликларга мушкуллик туғдиради.

Коутлаки[190]нинг ёзишича, Эрон халқида шунчаки меҳмонга таклиф қилиш суҳбатга якун ясаш учун қўлланади ва бу таклиф мулойим рад этилади. Бу таориф ўзбек нутқий маданиятига ҳам тўғри келади. Масалан: “Юринг бизникига”, “Бир пиёла чой ичамиз”, “Чиқинглар бизникига”, “Боринг, чойлашамиз!” (форс тилида:.چـای بـخـوریـم[191]) суҳбатнинг якуний қисми бўлиб хизмат қилади. Мазкур таклифни “тўғри таклиф” деб эмас, “хайрлашувга белги” деб санаш мумкин. Бу ҳолда ҳар икки тилда нутқий этикетнинг *Off-record – нодиректив / билвосита стратегияси* қўлланади. Уйга (манзилга) таклиф воситаси “сиз билан хайрлашмоқчиман” коннотациясини билдиради.

Таклиф самимий бўлса, *позитив этикет стратегияси* қўлланилиб, Эронда рад этилгандан кейин таклиф қилувчи томонидан уч маротабагача такрорланади. Ўзбек халқида самимий таклиф уч мартадан ҳам зиёд такрорланиши мумкин.

[190]Koutlaki S. The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.
[191]https://www.magiran.com/article/1656456

Меҳмон уйга кирганда унга уйда киядиган кийимлар берилади. Бу ҳолат Ўзбекистонда деярли кузатилмайди.

Агар мезбон меҳмон узоқроқ вақт мезбоннинг уйида бирга қолишини хоҳласа таом ҳақида эслатади. Эрон халқи орасида кечган табиий суҳбатлардан бирини мисол тариқасида келтирамиз:

“Ўттиз ёшлардаги эр-хотин қирқ ёшлардаги оиланинг уйига огоҳлантирмасдан боради. Меҳмон жуфтлик оилавий дўстларини кўриб кетишга оз фурсатга келганини айтганда, қуйидагича суҳбат юзага келади:

Меҳмон жуфтлик: A, B. Мезбон жуфтлик: C, D.

C: می خواهیم بریم(برویم) اگه می خواین(می خواهید) اینطوری کنین(کنید)، من میرم(میروم) الان بیرون! [mixahim berim äge mixain intouri konin, män miräm älan birun]*(Нодирективв)*

Агар кетамиз демоқчи бўлсангиз, мен ҳозир ташқарига чиқиб кетаман.

B: کجا؟[koja?] Қаерга?

C: مـیـرم (مـی روم) بـیـرون! از خـونـه(خـانـه) [äz xane miräm birun] Уйдан чиқаман.*(Нодирективв)*

A:چرا؟[çera] Нега?

C: (می خواهم) برم (بروم)، می خوام برم نداریم. می خوام [miham beräm, miham beräm nädarim] “Кетаман, кетаман” дейишлар бизда йўқ (Кетаман дейишингизни қабул қилмайман) *(Директив)*

A:؟چرا کی میخاد (می خواهد) بره (برود) بیرون [çera? Ki mixahäd bere birun] Нега? Ким кетмоқчи? *(Позитив)*

C:دو دقیقه می خواید (می خواهید) بشنید (بنشنید) و برین (بروید) ، من نیستم اهلش نه، اگر اومدین

[nä, ägär umädin do däγiγe mixaid beşinid berin, män nistäm ähleş] Йўқ, агар дақиқа ўтириб кетмоқчи бўлиб келган бўлсангиз, мен буни қабул қилмайман. *(Негатив)*

A: چرا؟[çera] Нега?

B: بشین (بنشین) آقا، بشین حالا .سخت نگیر شما، می خوایم میبینمتون (می بینمتان)، بریم. [beşin aγa beşin hala. Säxt nägir şoma, mihaim mibinämetun berim] Ўтиринг ака, ўтиринг.Ҳаммаси жойида. Биз шунчаки сизларни кўришга келганмиз.*(Позитив)*

D:یه (یک)حاضری درست می کنیم میخوریم. خوب،اگه سخت نمی گیریم، همون (همان)

[xob, äge säxt nämigirim, hämun ye hazeri dorost mikonimmixorim] Хўп, агар қийин демасак, бир енгил овқат пишириб еймиз.*(Негатив)*

A:نه، نه شما اثلاً اصرار نکن![nä, nä, şoma äslän esrar näkon] Йўқ, йўқ, сиз умуман ўзингизни уринтирманг. *(Позитив)*

B: نه دیگه، شــما الان اومدین از بیرون، ولش کن! [nä dige, şoma älon umädin äz birun, veleş kon] Йўқ, йўқ, сиз чарчаб келдингиз. Қўйинг буни (positive politeness, bald on).

C: ما خسته ایم؟[ma xästeim?] Биз чарчадикми?*(Негатив)*

D: مرگ خودم. :تازه خســـتگی مون (خســـتگیمان) در میاد (می آید) اینجا باشـــین (باشـــید) [taze xästegimun därmiad inja basin, märge xodäm] Сиз бу ердалигингиз боис чарчоғимиз чиқиб кетди, ўлай агар. (худо ҳаққи)"[192]*(Позитив, нодиректив)*

Мезбон меҳмонга "пўписа" қилиб (босим билан), уни кетиб қолмасликка ва бирга кечки овқатни тановул қилишга ундамоқда. Бунда икки томоннинг яқин дўстона алоқалари сезилади. Нутқий этикет бирликлари стратегияларининг тўрт кўринишига бу мисолда гувоҳ бўлиш мумкин. Суҳбатдаги мезбонларнинг "Енгил таом тайёрлаймиз", "Биз чарчабмизми?!", "Сизни кўриб чарчоғимиз чиқди, Худо ҳаққи" каби жумлаларидан меҳмоннинг кечки овқатга самимий таклиф қилиниши, унинг кўпроқ ўтиришлари англашилади.

Ўзбек киши меҳмонининг у билан узоқроқ қолишини истаса, суҳбат тахминан қуйидагича тус олишини қуйидаги жонли жараён яққол ифодалайди. А: меҳмон; В: мезбон.

А: Сарвиноз опа, бизга рухсат энди.

[192]Koutlaki S. The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.

B: Яна бироз ўтиринг, илтимос.

A: Сизни ҳам роса овора қилдик. Вақтингизни олдик. Энди борақолайлик.

B: Вой, ҳеч овора бўлмадим-да. Зерикиб ўтирган эдим ўзи. Сизлар келиб кўнглим ёришиб кетди. Шошманг, ошни дамладим. Ош еб кейин кетасизлар. Худо хоҳласа зўр чиқади.

A: Ҳа майли, қўлингиздан бир ош ер эканмиз-да. Қарашиб юборайликми?

B: Йўқ, йўқ. Ишнинг ўзи йўқ. Дастурхонга қараб, бемалол ўтиринглар. Бир пасда пишади ҳозир.[193]

Ўзбек нутқидаги “илтимос”, “Зерикиб ўтирган эдим ўзи. Сизлар келиб кўнглим ёришиб кетди”, “Ош еб кейин кетасизлар” каби илтимос қилиш(позитив), вақти бўш бўлганини “зерикиш” сабаби билан таъкидлаш (позитив), меҳмонни кўриб хурсанд бўлганини айтиб мулозамат қилиш ва императив оҳангда шарт қўйишдан (директив) таклиф самимий эканлиги англашилади. Мезбоннинг “Ҳа майли, қўлингиздан бир ош ер эканмиз-да” (позитив) дейиши ва “Қарашиб юборайликми?” деб ёрдам таклиф қилиши (позитив) таклифга кўнганлигини кўрсатади. “Худо хоҳласа зўр чиқади.” – бирлиги ўз-ўзини эътироф қилиш (позитив) билан муносабат яқин эканлигини билдиради.

Форс тили вакиллари ўртасидаги носамимий таклифга мисол:

30 ёшлардаги аёл ходима –A; 40 ёшлардаги яқинда унвонга эришган эркак ходим – B.

A: آقای دکتر زین العابدین، شیرینی استاد شدن را باید بدید.

[aγaye doktor zäynäbidin, şirini ostad şodanra bayäd bedin]

Доктор Зайналобидин оға, профессор бўлганингизга (нишонлаш учун) ширинлик беришингиз керак. *(PP)*[194]

[193]Жонли кузатув.

[194] Изоҳ: PP: Positive politeness strategy (Позитив этикет стратегияси); NP: Negative Politeness strategy (Негатив этикет стратегияси); BO: Bald on strategy (Директив стратегия); RO: Record off strategy (Нодиректив стратегия).

B: خواهش می کنم، تشریف بیارین منزل تا در خدمتتون باشیم.

[xaheş mikonäm, täşrif beyarin mänzel ta xedmätetun başim]

Бизнинг уйимизга келинг, хизматингизда бўлайлик.*(PP)*

A:.شما لطف دارید، شوخی کردم

[şoma lotf darid, şuxi kärdäm]

Илтифот қиляпсиз, ҳазиллашган эдим. *(PP)*

B:.خواهش میکنم، حتماً باید در خدمت باشیم

[xaheş mikonäm, xätmän bayäd där xedmät başim]

Илтимос, албатта хизматингизда бўлишимиз керак.[195]*(RO)*

Юқоридаги диалогда A таклифга илтимос билдиряпти, B носамимий таклиф қиляпти. Унга жавобан A мулоҳазасини жиддий айтмаганини таъкидласа-да, B яна носамимий таклиф билан суҳбатни якунламоқда.

Ўзбек ва Эрон халқларида кимнидир меҳмонга таклиф қилишда қўлланадиган бирликлар бўйича сўровнома ўтказиб, қуйидаги натижага эришдик:

<u>Форс тилида меҳмонга таклиф қилишдакўп қўлланган бирликлар:</u> [196]

-حتماً باید در منزل ما جمع شـــویم. [hätmän bayäd där mänzele ma jäm şim] Албатта бизнинг уйимизда йиғилишимиз керак*.

- برای ناهار / شام تشریف داشته باشید.[bäraye nahar / şam täşrif daşte başin] Тушликка / Кечки овқатга келинг.

-من تعارفی نیســتم، جدی می گم بیایید. [män täarofi nistäm, jeddi migäm beyayin] Мен таориф қилмаяпман (бу шунчаки мулозамат эмас), жиддий айтяпман келинг.

- حتماً باید در خدمت باشیم[xätmän bayäd där xedmät başim] Албатта хизматингизда бўлишимиз керак.

[195]Koutlaki S.The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.
[196]Ўша манба.

- خواهش می کنم، تشریف ببرین منزل تا در خدمتتون باشیم. [xaheş mikonäm, xätmän bayäd där xedmätun başim] Бизнинг уйга келинг, хизматингизда бўлайлик.

- بدون شما اصلاً خوش نمیگذرد.[bedune şoma äslän xoş nemigzare] Сизсиз (тадбир) умуман яхши ўтмайди*.

- این مهمانی بدون شما فیض ندارد.[in mehmuni bedune şoma fäyz nädaräd] Бу меҳмондорчиликнинг сизсиз файзи бўлмайди.

- ما قل می دهیم بهتون، بد نگذره.[ma γol midim behetun, bäd nagzäre] Ваъда берамиз, ёмон ўтмайди.

- می دومین که همه ی ما، خوشمزگی غذای خودتون نمی شه.[Midunim ke hämeye ma, be xoşmäzegiye γäzaye xodetun nemişe] Ҳаммамиз биламизки, овқатларимиз сизнинг мазали овқатларингизга етмайди.

- منت میگذارید سرمان اگه تشریف بدترین. [mennät mizarin säremun äge täşrif biyarin] Ташриф буюрсангиз биз учун шараф бўлар эди.

Ўзбек тилида меҳмонга таклиф қилишда фаол қўлланган бирликлар:[197]

- Албатта бизникига боринг/келинг, кутаман.*

- Бормасангиз / келмасангиз хафа бўламан.

- Ўтирадиган (ётадиган) бўлиб боринг / келинг.

- Уйга ўтинг/келинг, азиз меҳмонимиз бўлинг.

- Сиз бўлмасангиз қизиқ бўлмайди.*

- Келинглар /боринглар айланиб.

- Келасиз-а? / Борасиз-а? Кутаман-а?

- Бизникига келинг/боринг, чойлашамиз.

- Чиқинг, ўтирамиз.

- Майли, чиқинглар.

Ўзбек ва форс тилларидаги "Сиз бўлмасангиз қизиқ бўлмайди " بدون شما اصلاً خوش نمیگذرد[bedune şoma äslän xoş nemigzare] ва “Албатта бизникига

[197]https://docs.google.com/forms/d/12JGDTIKx6aZu2iZH_8DJn60GDGkJK2FGmahfwzzrQ9E/edit#responses

боринг/келинг, кутаман” حتماً باید در منزل ما جمع شـویم[hätmän bayäd där mänzele ma jäm şim]ибораларининг ўзаро мазмунан ва прагматик яқинлиги аниқланди.

Форс тилидаги حتماً باید در خدمت باشیم [bayäd där xedmätun başim] ибораси ўзбек тилига сўзма-сўз “хизматингизда бўлишимиз шарт” шаклида таржима қилинади, лекин маъно жиҳатдан нутқ вазиятидан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилидаги *уйимизда меҳмон бўлинг! Ёрдам керак бўлса бемалол айтинг!* каби тингловчига илиқ муносабат кўрсатиш таклифини билдирувчи ибораларга эквивалент бўлолади. *Хизматингизда бўлишимиз шарт* ибораси ўзбек тили табиий нутқий этикет доирасида кенг қўлланилмайди. Фақат тўй-ҳашам, тадбир эгасига таклиф қилинувчи томондан изҳор қилинади. Масалан: *Тўй бошлаб қўйибсиз, хизмат(ингиз)да бўламиз, худо хоҳласа.*

خوشـــمزگی غذای خودتون نمی شـــه [be xoşmäzegiye γäzaye xodetun nemişe] – “овқатимиз сиз пиширганчалик мазали бўлмайди” деб эрон халқи таклиф орасида тингловчига мулозамат, ўзини камтар тутиш билан ҳурматни бажо келтиради вакўп ҳолларда самимий таклифни ўзида акс эттиради. Ўзбекларда бундай мулозаматнинг учраш частотаси жуда кам фоизни ташкил этди.

Форс тилида اگه می تونید [äge mitunid] “агар -а олсангиз”, دوست دارید [dust darid] “хоҳласангиз”, فکر کنم [fekr konäm] “ўйлайманки”, ممکن اســت [momken] “балки”, “мумкин”, احتمـال دارد [ehtemal daräd] “эҳтимол” каби бирликлар билан таклиф билдирилса, англаш керакки, бу таклиф самимиятдан узоқ бўлади.

З.Эсломи [198] “Форс ва инглиз тилларида таклиф билдириш: ростми ёки сохтами?” номли мақоласида қуйидаги мисолларни қайд этади:

- شـــما هم اگه دوســـت دارین تشـــریف بیارین![şoma häm äge dust darin täşrif biyarin] Хоҳласангиз, сиз ҳам келинг.

- اگه شـما هم بیایین خوشـحال می شـیم.[äge şoma häm beyayin xoşhal mişim] Сиз ҳам келсангиз, хурсанд бўлардик.

[198] Eslami R.Z. Invitations in Persian and English: Ostensible or genuine? // Intercultural Pragmatics, 2005.-№2(4). P. 453–480. https://www.researchgate.net/publication/249939806

Ўзбек тилида “келинг/боринг, айланиб”, “бир келинг уйимизга”, “майли, чиқинглар”, “юринг, олиб кетаман, айланиб келасиз”, “келарсиз”, “бир пиёла чойимиз бор!” каби таклифлар аксарият ҳолларда самимийликдан йироқ мазмунда, форс тилидаги каби суҳбатни якунлаш, тингловчини қадрлашни билдириш, унда ижобий таассурот қолдириш учун восита сифатида хизмат қилишига амалий далиллар билан ойдинлик киритилди.

Носамимий таклиф ибораларида асосан позитив этикет ва нодиректив стратегияси қўлланганлигини кузатилди.

3.Эсломи таъкидлашича, эрон халқида таклиф самимий бўлса, буйруқ оҳангида акс этади. Таклиф самимий бўлса-да, таклиф қилинувчи томонидан ҳар хил важлар кўрсатилиб, таориф билан бир неча марта рад этилади. Таклиф қилувчи таклиф қилинувчини гўёки “кўндиришга ҳаракат қилиб” у ҳам таорифларни қўллайди.

Қуйидаги суҳбат самимий таклифга мисол бўла олади:

مینـاجـان پـا شـــو، بریم بـه خونـه ی مـا. [Minajan pa shou, berim be xuneye ma] Миножон, ўрнингдан тур, бизникига борамиз.

نه، عزیزم، قربونت. [Nä, äzizäm, γorbanet] Йўқ, азизам, қурбонинг бўлай.

حـالا بـیـا، تـعـارف نـکـن! [hala biya, täarof näkon]Тезюрақол, таориф қилма. (тортинма)

نه، والا ،زحمتتون می شه. [nä valla zähmätetun mishe] Йўқ, сизни овора қиламан.

نه، خواهش می کنم، من غذای ساده درست می کنم. [na xaheş mikonäm, män γäzaye sadde dorost mikonam] Йўқ, овораси йўқ. Мен бир енгилгина овқат пишираман.

نه، شما تازه کارتون تمام کردین، خسته شدین. [na γoma taze karetun tämam kardin, xaste şodin] Сиз ҳозиргина ишингизни тугатдингиз, чарчагансиз.

نه، به خدا، من واقعاً ســاده می گیرم. پا شــو، جدی می گم. [Na. be xoda man vaγeän sadde migiräm] [pa şou jeddi migäm] Йўқ. Худо ҳаққи мен оддий нарса пишираман. Кетдик, жиддий айтяпман.

خوب، مزاحمت می آیم. [xo’b, mozahemet miγam] Хўп, сизни безовта қиламан.[199]

Ўзбек нутқида ҳам самимий таклиф форс тили каби “директив” ва “позитив этикет” стратегиясида ўз ифодасини топади, аммо мулозамат сўзлар у қадар кўп қўлланилмайди. Буйруқ оҳанги ва меҳмоннинг ташрифига ишонч ҳосил қилиш учун қайта ўзидан (келасиз-а?!) тасдиқлатиб олиш тамойиллари амал қилади.

اگر تصمیم به عدم شرکت گرفتید، باید یک دلیل قانع کننده داشته باشید. یادتان باشد که رد دعوت به مهمانی دیگران خیلی پسندیده نیست و حتی الامکان نباید دعوت را رد کرد.[200] - “Агар тадбирга қатнашмасликка қарор қилган бўлсангиз, ишонса бўладиган (қаноатлантирадиган) сабабингиз ҳам бўлиши керак. Эсингизда бўлсинки, меҳмондорчиликка бўлган таклифни рад этиш мезбонга ёқмайди ва иложи борича таклифни рад қилмаслик мақсадга мувофиқ.”

Алинежод Салимийнинг таъкидлашича, самимий таклифга аввалига таориф билан “сохта рад жавоби” берилса-да, аниқ узрли сабаб бўлмаса, иложи борича меҳмондорчиликда иштирок этишга ҳаракат қилиш керак. Таклиф қилинган жойга сабабсиз келмаган ёки қатнаша олмаслигини олдиндан огоҳлантирмаган киши эронликларда салбий таассурот қолдиради ва кейинги муносабатларга ҳам қайсидир маънода зарар етказиши мумкин.

Эрон ва Ўзбекистон маданиятида “меҳмондорчиликка таклиф” доирасида ушбу умумий қоидалар амал қилиши тадқиқот натижаларига кўра аниқланди:

-Таклифнинг самимий ёки носамимийлигини муайян белгилари орқали аниқлаб олиш керак (Эрон, Ўзбекистон).

-Ростдан (самимий) таклиф қилинган жойга узрли сабаб бўлмаса, албатта боришга ҳаракат қилиш керак (Эрон).

-Таклифни рад этишда ҳам жуда зийраклик ва ишонарли сабаб кўрсатилиши зарур (Эрон, Ўзбекистон).

---

[199]Eslami R.Z. Invitations in Persian and English: Ostensible or genuine? // Intercultural Pragmatics, 2005.-№2(4). P. 453–480. https://www.researchgate.net/publication/249939806

[200]https://mehregan-farhang.com/wp-content/uploads/2018/02/1مهمان_داری_و_مهمان_نوازی_در_فرهنگ.pdf

-Эронда огоҳлантирмасдан кимнингдир уйига бориш нормал ҳолат, аммо у ерда узоқ қолиш ёки тез қайтиш қарори мезбоннинг ҳолати, қўллаётган таорифлари ва ўзини тутишидан англашилади (Эрон).

-Таклиф қилинмаган жойга бошқа бир таклиф қилинувчининг ундови билан бориш унча ижобий қабул қилинмайди (Эрон).

Шунингдек, нодиректив ва позитив этикет стратегияси нутқда етакчилик қилиши кузатилди (Эрон, Ўзбекистон).

Форс тили ва ўзбек тиллари нутқий этикет бирликларида меҳмонга таклиф қилиш самимий ва носамимий эканлигини фарқлаб олишнинг аниқ мезонлари йўқ. Шундай бўлса-да, матн, оҳанг, ёрдамчи бирликларнинг мавжудлиги, суҳбат кечаётган замон ва макон, таклиф қилувчининг ўзига хос характери, унинг таклиф қилинувчи билан бўлган муносабати каби омиллар таклифнинг ҳақиқий ёки сохталигини маълум бир даражада аниқлашга ёрдам беради.

Меҳмондорчиликда мезбоннинг *уйига киришда* ҳам нутқий этикет бирликларини қўллаши ва новербал имо-ишоралар билан ҳамоҳанг тарзда ўзгаларга эҳтиром кўрсатиши шарқнинг кўпгина халқлари, жумладан, Ўрта Осиё мамлакатларида чиройли хулқ намунаси сифатида амал қилса, Эрон маданиятида бу ҳолат алоҳида ўринга эга.

Лейла Шамснинг “Сиз таорифни биласизми?” номли видеодарси [201] да уйга кириш саҳнаси тасвирланади ва қуйидагича акс этади:

Жадвал № 11.

	Форсча	**Транскрипция**	**Ўзбекча таржима**
А	آقا بفرمایید!	[aγa befärmaiid]	Жаноб, марҳамат!

[201]https://www.youtube.com/watch?v=u5oX2n1-diA Learn Persian (Farsi) with Chai and Conversation- About Tarof (Taarof), an Iranian tradition

B	نه، تورا خدا، بفرمایید!	[nä tora xoda, befärmaiid]	Йўқ, худо ҳаққи, сиз киринг, марҳамат!
A	خواهش میکنم، بفرمایید!	[xaheş mikonäm, befärmaiid]	Илтимос, сиз киринг!
B	نه،قدمت روی چشمم، بفرمایید!	[nä, γädämet ruye çeşmäm]	Йўқ, сизнинг қадамингизни кўзимизга суртайлик!
A	آقا تمنو می کنم، بفرمایید!	[aγa tämänno mikonäm befärmaiid]	Жаноб, ёлвораман, марҳамат!
B	آقا محلسیم، تورا خدا، بفرمایید!	Aγa mohlesim, to ra xoda, befärmaiid	Жаноб, сизнинг муҳлисингизмиз, худо ҳаққи, марҳамат!
A	اثلاً این حرفها نمیشه، خودکشی می کنم.	Äslän in härfha nemişe, xodkoşi mikonäm.	Бу гаплар ҳеч ўтмайди, ўзимни қурбон қиламан.
B	نه، من فرش قرمز را گذاشتم برای شما!	Nä, män färşe γermez ra gozaştäm bäraye şoma	Йўқ, мен сиз учун қизил гилам солганман!
A	من واسه ات پیراهنم را در میارم و میذارم اینجا!	Män vasseät pirahänämra där miyaräm vä mizaräm inja.	Мен сиз учун кўйлагимни ечаман ва шу ерга ёяман!
B	شما هم خوشتیپتر هم جوانتر، بفرمایید!	Şoma häm xoştiptär häm jävantär, befärmaiid	Сиз ҳам келишгансиз, ҳам ёшроқсиз!
A	شما بزرگتر بفرمایید!	Şoma bozorgtär, befärmaiid	Сиз каттасиз, марҳамат!
B	با هم دیگه بریم تو، بفرمایید!	Ba häm dige berim tu, befärmaiid	Унда иккаламиз кирамиз ичкарига, марҳамат.
A	بفرمایید!	Befärmaiid	Марҳамат.

Эрон маданиятида ҳар бир суҳбат вазияти ўзига хос таорифларни ўзида мужассам этади. Юқорида келтирилган суҳбатда асосан позитив этикет

стратегияси қўлланилган бўлиб, ўз-ўзини ўта камтар тутиш ва суҳбатдошни улуғлаш тамойилига амал қилинган. (“қадамингизни кўзимизга суртайлик”, “сизнинг муҳлисингизмиз”, “ўзимни қурбон қиламан” ва ҳ.з.)

Ўзбек маданиятида ҳам эшикдан кираётганда суҳбатдошлар томонидан нутқий этикет бирликлари ва новербал воситалар ифода этилади. Оғзаки суҳбатлардан бирини мисол тариқасида берамиз:

A: Қани, марҳамат.

B: Йўқ, катталардан бўлсин.

A: Сиз меҳмонсиз, киринг.

B: Раҳмат, сизларни ҳам безовта қилдим.

A: Йўғ-эй, нималар деяпсиз.[202]

Кўриниб турибдики, ўзбек нутқий этикетида ҳам суҳбатдошни улуғлаш: “катталардан бўлсин”, “сиз меҳмонсиз”; “раҳмат” тарзида миннатдорлик билдириш орқали таклифга кўниш; “сизларни ҳам безовта қилдим” деб узр сўраш ва мезбон томондан “узр сўрашга ҳожат йўқ” қабилида жавоб бўлиши каби далиллар воситасида позитив этикет стратегиясининг каби етакчилиги аниқланди. Айни чоғда, Эрон маданиятидаги каби давомий суҳбат ва ўз-ўзини жуда камтар тутиш ҳолати деярли кузатилмайди.

Икки халқ вакили билан ўтказилган сўровноманинг “Эшикдан кираётганда қандай мулозамат бирликларини қўллайсиз?” деган саволга берилган жавоблар натижаси график воситасида қуйидагича ифодаланди:

[202]https://docs.google.com/forms/d/12JGDTIKx6aZu2iZH_8DJn60GDGkJK2FGmahfwzzrQ9E/edit?usp=drive_web

Жадвал № 12.

Мулозамат бирликларининг *Қани!Марҳамат* каби таклиф сўзлари билан бирга келиши кузатилди. 40% дан ортиқ ўзбеклар “Сиздан бўлсин” / “Ўзларидан бўлсин” нутқий этикет бирлигидан суҳбатни бошлашлари қайд этилади. Шунингдек, 10%дан ортиқ респондентлар “Аввал сиз! /Сиз биринчи!” жавобини ҳамда 10%га яқин кишилар “Кириng, кириng” вариантини келтирдилар. Сўровнома жавобларида юқори фоизни эгаллаган мазкур уч бирликларда директив ва позитев этикет стратегияси англашилади.

Форс тили бўйича натижаларга кўра 90% дан ортиқ респондентлар эшикдан киришда بفرمایید[befärmaiid] “Марҳамат!” сўзини қўллашлари қайд этди. Унинг !شما بفرمایید[şoma befärmaiid] “Марҳамат,сиз кириng!”, !تو را خدا، بفرمایید [to ra xoda, befärmaiid] !تو را خدا، بفرمایید “Худо ҳаққи, марҳамат!”,!بفرمایید آقا[befärmaiid, aγa] “Жаноб, марҳамат!”, !بفرمایید خانم[befärmaiid, xanom] “Хоним, марҳамат!”каби кўринишлари учради.

Икки тилда кузатилган суҳбатлар таҳлили полайтнес куалитатив метод бўйича қуйидагича акс этади:

Жадвал № 13.

Нутқий этикет стратегиялари	Ўзбек	Форс

Позитив	~30	~30
Директив	~20	-
Негатив	-	-
Нодиректив	~50	~70
Жами:	100	100

Ўзбек нутқий этикетида “Ўтинг”, “Сиз киринг” каби буйруқ шаклида ифодаланган бирликлар ҳурмат маъносини беради ҳамда нутқий этикет стратегиясининг директив (Bald-on record) бўлимига мос келади. Мазкур стратегиядаги сўз ёки бирикмалар форс тилида учрамади.

Ўзбек тилидаги “Ўзларидан бўлсин” *(таклиф),* “Ҳурматингиз бор” , “Аввал катталардан” *(тингловчини улуғлаш)* ва форс тилидаги آقا محلســیم، تورا خدا، بفرمایید [Aγa mohlesim, to ra xoda, befärmaiid] “муҳлисингизмиз, худо ҳаққи, марҳамат” ” من فرش قرمز را گذاشــتم برای شــما! [män färşe γermez ra gozaştäm bäraye şoma] “Мен сиз учун қизил гилам солганман!”! شما هم خوشتیپتر هم جوانتر [Şoma häm xoştiptär häm jävantär,] “Сиз ҳам келишгансиз, ҳам ёшроқсиз!” *(тингловчини улуғлаш, мақташ)* мисоллари позитив нутқий этикет стратегияси ҳар икки тилнинг статистик частотаси деярли бир миқдорда эканлигини далиллайди.

Нодиректив (off-record) стратегияси бўйича форс нутқий этикет бирликлари юқори миқдорни ташкил қилди. Жумладан, бу стратегиянинг белгилари бўлмиш қаршилиш кўрсатиш (نه [nä] “йўқ”, اثلاً این حرفها نمیشه–[Äsläп in härfha nemişe] “Бу гаплар ўтмайди” / “Бунақаси кетмайди”), метафораларни қўллаш, жой алмаштириш (кишилик олмошлари, шахс сон қўшимчаларининг ўрин алмашиши: مــن [män] “мен” ўрнига مــا [ma] “Биз”), муболағаларни қўллаш (خودکشـــی می کنم. [xodkoşi mikonäm] “ўзимни қурбон қиламан”) тамойиллари маҳсулдорлиги аниқланди. Ўзбек тилида ҳам мазкур стратегиянинг қаршилиш кўрсатиш (“Йўғ-эй, нималар деяпсиз!”), жой алмаштириш (“Ўзларидан бўлсин” - II шахс ўрнига III шахс ишлатилиши), *тавтологияларни қўллаш* (“Киринг-киринг”, “Ўтинг, ўтинг”) каби жиҳатлари нутқда аҳамиятли эканлиги белгиланди.

Academia.edu, researchgate.net, scholar.google каби ва amazon.com вебсайтидан қўлга киритилган электрон ва босма манбаларнинг аксариятида форсий таорифни тушунтиришда қуйидаги мисол келтирилганининг гувоҳи бўлдик:

مهمان: سلام عرض کردم. فلانی هستم

Меҳмон: Ассалому алайкум. Фалончиман.

میزبان: سلام علیکم. به به. چشم ما روشن. بفرمایید آقا، بفرمایید داخل

Мезбон: Ва алайкум ассалом. Баҳ баҳ. Кўзларимиз ёришиб кетди. Марҳамат, ака, марҳамат ичкарига.

میهمان: نه دیگه مزاحم نمی شـــم. گفتم احوالتون بپرســـم. ببینم چه می کنید. کار مختصـــری هم بود که عرض کنم خدمت شما

Меҳмон: Йўқ безовта қилмайман. Аҳволингизни сўрасам, нима қилаётганингизни кўрсам дегандим. Сизда бир кичкинагина ишим ҳам бор эди.

میزبان: آلان می یام پایین میزبان در را بازمی کند و بعد از دست دادن می گوید

خوب بچه ها چطورند. خانواده خوبند. چرا تنهایی آمدید. بفرمایید داخل

Мезбон: Қани ичкарига кирамиз (эшикни очиб, меҳмонни киритади). Болаларингиз яхшими? Уйдагиларингиз (оилангиз) яхшими? Нега бир ўзингиз келдингиз? Марҳамат, ичкарига.

میهمان: نه مزاحم خانواده نمی شم. غرض این بود که روی مبارک شما را ببینم و گپی بزنیم

Меҳмон: Йўқ, оилангизни безовта қилмайман. Муборак юзингизни кўрсам ва суҳбатлашсам деган эдим, холос.

میزبان: این چه حرفی است آقا. بفرمایید منزل. یه پیاله چایی که این حرفا را نداره. بفرمایید. بفرمایید

Мезбон: Бу қандай гап бўлди, ака. Марҳамат уйга киринг. Бир пиёла чойга марҳамат, марҳамат.

میهمان: نه والله. مزاحم نمی شم. همین جا خوبه

Меҳмон: Йўқ, худо ҳаққи. Безовта қилмай. Шу ер яхши.

میزبان: اختیار دارید آقا. بفرمایید داخل

Мезбон: Нималар деяпсиз, ака. Ичкарига киринг.

میهمان: چشم اصرار می فرمایید. نظر لطف شماست

Меҳмон: Жуда лутф кўрсатяпсиз.

میزبان: بفرمایید تو

Мезбон: Марҳамат

میهمان: نه خواهش می کنم. شما بفرمایید

Меҳмон: Йўқ, илтимос, сиз биринчи киринг.

میزبان: استدعا می کنم. بفرمایید تعارف نکنید. کلبه محقری است، متعلق به شماست. میهمان حبیب خداست

Мезбон: Ёлвораман, марҳамат, тортинманг. Оддийгина кулбамиз сизнинг ихтиёрингизда. Меҳмон Аллоҳ дўстидир.

میهمان: نه آقا ابداً. شما اول بفرمایید

Меҳмон: Йўқ ака. Сиз олдин киринг.

میزبان: می بخشید. پس جلو می روم که راه را خدمت شما نشان بدهم

Мезбон: Узр сўрайман олдинда юриб, сизнинг хизматингизда йўл кўрсатаман.

میهمان: بله، بله. استدعا می کنم. بفرمایید.

Меҳмон: Ҳа, ҳа, илтимос, марҳамат.

میهمان:یا الله، یالله!! می بخشید مصدع اوقات شدیم

Меҳмон: Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ. Кечиринг. Вақтингизни оляпмиз.

میزبان: خواهش می کنم. بفرمایید. بفرمایید. صفا آوردید. لطف کردید. قدوم شما مبارک است

Мезбон: Ундай деманг. Марҳамат, марҳамат. Хуш келибсиз. Лутф кўрсатдингиз. Сизнинг қадамингиз биз учун муборакдир.

میهمان به طرف صندلی می رود که میزبان می گویدنه آقا آنجا نه. بفرمایید بالا

Марҳамат, у ерга эмас, тўрга чиқинг.

میهمان: خواهش می کنم. همیجا راحت است

Меҳмон: Йўқ раҳмат, шу ер яхши.

میزبان: استدعا می کنم. بفرمایید. می دانم کلبه ما قابل شما نیست

Мезбон: Ўтинаман, марҳамат чиқинг. Биламан, кулбамиз сизга лойиқ эмас.

Уйга киргандан кейин мезбон меҳмоннинг ўзини бемалол ҳис қилиши, хижолат тортмаслиги учун таорифларда давом этади. Форс тилида.خونه ی خودتونه [xuneye xodetune] “Ўзингизнинг уйингиз”, ўзбек тилида “Бемалол ўз уйингиздек ҳис қилинг!”, “Бу ер ҳам сизнинг уйингиз” каби вариантлар бошқа тилларда ҳам деярли ўхшаш кўринишларда, жумладан, инглиз тилида[203] “Feel like at home” – “Уйингиздагидек ҳис қилинг”, япон тилида[204]どうぞ遠慮なく[douzo enryonaku] - “Марҳамат тортинманг”, индонез тилида “Bayangkahlah seperti di rumahmu!” – “Уйингиздагидек ҳис қилинг!” вариантлари мавжуд.

1) Эрон маданиятида давомий суҳбат ва ўз-ўзини ўта камтар тутиш ҳолати, сўзамоллик пойгаси нутқий этикет қоидаси сифатида қўлланади.

2) Ўзбек маданиятида бардавом мулозамат кузатилмаса-да, мулозамат бирликларини қўллаш маданияти муҳим саналади, ҳурмат ифодасини воқеаланади;

3) Форс тилида *қаршилик кўрсатиш, метафора, муболаға, тавтологияларни қўллаш* билан нодиректив (Off-record) стратегия маҳсулдор.

4) Ўзбек тилида *таклиф,тингловчини улуғлаш* билан позитив стратегия, *қаршилиш кўрсатиш, тавтологияларни* қўллаш билан (Off-record) нодиректив стратегия кўпроқ кузатилди.

Меҳмоннавозлик жараёни икки халқда ҳам *таом тановул қилиш* билан боғлиқдир. Меҳмонни яқин ёки узоқ муносабатда бўлишидан қатъий назар, таомга таклиф қилиш нутқий этикет қоидаларидан саналади.

Тановул қилиш жараёни форс ва ўзбек миллатининг мулозамат нутқий этикет бирликларининг энг кўп қўлланадиган нутқий вазияти ҳисобланади. Кўпчилик халқлар маданияти ва динида “тановул вақти” алоҳида этикет

[203]https://www.usingenglish.com/
[204]https://www.nihongomaster.com/

қоидаларини билиш, узрхоҳлик, ҳол-аҳвол сўраш, миннатдорлик билдириш, шукр қилиш, дуо қилишни талаб этади. Тановул қилишдаги суҳбат бирликлари турли маросимлар, одатлар билан боғлиқ бўлиб, махсус, ижтимоий қатъий белгиланган ҳамда индивидуал бирикмаларда кузатилади.

Эрон нутқий маданиятида меҳмондўстликда кишилар бирор тадбир (байрам, туғилган кун ва ҳ.к.) сабаб ёки сабабсиз ташриф буюрсалар ёки, бирор юмуш билан келсалар саломлашишдан кейин суҳбатни шунчаки бошлаб юборишлари беҳурматлик саналади. Аввал меҳмон безовта қилгани учун мезбондан бир неча бор узр сўраши, агар кутилмаганда келса,“сизни кўргим келган эди” / “сиздан ҳавотир олдим” деб келиш сабабини кўрсатиши, мезбон ва меҳмон ўзаро бир-бирларининг саломатликлари, оила аъзолари, фаолияти, кайфияти, ҳаётдаги янгиликлар ҳақида сўраб, ҳол-аҳвол сўрашлари ўзига хос нутқий этикет кўринишидир. Таорифлар кетма-кетлигини ўзида жамлаган диалогдан кейингина суҳбатнинг асосий мақсадига ўтилади. Форс тили вакиллари ҳар қандай суҳбат жараёнида ҳам “илтимос”, “кечирасиз”, “ҳеч қиси йўқ”, “нималар деяпсиз!” маъноларидаги таорифларни кенг қўллайдилар.

Эронда огоҳлантирмасдан келган меҳмон ва мезбон суҳбатини қуйидагича тусда кечади:

Меҳмон: خیلی ممنون، بدونه برنامه اومدیم. [xeyli mämnun, bedune bärname umädim] “Катта раҳмат, огоҳлантиришсиз (дастурсиз) келдик.”

Мезбон: نه، بابا. من هم کاری نکردم که برای خودمان درســـت کردیم.[nä baba, män häm kari nakärdäm ke bära xodemun dorost kärdim] “Йўғ-эй, мен ҳам ҳеч иш қилмадимку. “Ўзимиз учун ҳам (шу овқатни) тайёрлаган бўлардик.

Ўзбек халқида ҳам аниқ мақсадли суҳбатга киришишдан аввал бир-биридан ҳол-аҳвол сўраш нафақат меҳмондорчилик, балки деярли ҳар бир нутқ вазиятида қўлланилиши Эрон маданиятига ўхшаш ҳолат бўлса, Эрон халқи маданиятига хос бўлган бир неча маротаба узр сўраш, жуда кўп такаллуф кўрсатиш нутқий

этикет бирликлари қўлланиш частотаси жиҳатидан ўзбек нутқидаги бирликлардан сезиларли даражада фарқ қилди.

Ўзбек тилидаги “Хуш келибсиз”, форс тилидаги خوش آمـدیـد [xuş amädid] бирикмаларининг ҳам қўлланилишида фарқли эканлиги аниқланди. Ўзбек меҳмондўстлик шартларида меҳмонхонага кираётган мезбонга “Хуш келибсиз(лар)” тарзида мулозамат кўрсатиши одобдан бўлиб, бу ҳол эронликлар маданиятида учрамади. Эрон халқи меҳмондорчилик бошланишида خوش آمدیدдеб бир марта айтадилар.

Тановулга киришишдан олдин ўзбек халқида “ҳол-аҳвол сўраш диалоги” кишиларнинг бир-бирларига қанчалар ҳурматда эканлигини билдиради. Ҳатто “ҳол-аҳвол сўраш”ни қоида даражасида билмаслик, айниқса, аёллар орасида айб ва беҳурматлик саналади. Сўрашиш кичик ёки катта ёш бўлишдан қатъий назар навбатма-навбат, тез суръат билан амалга оширилади. Бунда суҳбатдошдан аҳволи, оила аъзолари, фаолияти, ҳаво ёки шу каби ташқи омилларнинг таъсири ҳақида сўралади.

Мисол: -Яхшимисиз? Соғлиқларингиз яхшими? Тузукмисиз? Чарчамасдан юрибсизми? Уйдагилар яхшими? Оилангиздагилар (бирма-бир исми ёки мурожаат сўзлари билан санаш ҳоллари ҳам бор: акам, опам, амаким...) яхшимилар? Ўзингизнинг ишларингиз яхшими? Совуқларда / иссиқларда / рўзаларда чарчамай юрибсизми?

Бу ҳолда суҳбатлашаётган киши ҳам ҳар бир саволга “Яхши”, “Яхши” деб жавоб бериб, деярли ҳудди шу саволларни сўрашаётган кишига қайтариб айтиш керак.

Ўзбек тилида ҳол-аҳвол сўраш акс этган 20 та ҳолат текширилди. Бунда самимий ва носамимий саволлар 35:65% фоизни ташкил қилди. Самимий≧35%; носамимимий≧65%.

Шу ўринда, ўзбек миллати вакиллари билан ўтказилган суҳбат натижасида умуммаданий тамойиллардан фарқли жиҳатлар ҳам кузатилди. Масалан,

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида меҳмон ва мезбон бир-бирига “Сўранг”, “Йўқ, сиз сўранг”, “Сиз сўранг”, деб мулозамат қиладилар. Бундан “Сизнинг ҳурматингиз бор, сиз биринчи ҳол-аҳвол сўранг, мен сиздан кейин сўрайман,” деган маъно англашилади.

Эрон миллати вакиллари ҳол-аҳвол сўрашишларидатаниш кишиларга оғзаки услубда شما خوبین؟ [şoma xubin] деб айтсалар, биринчи марта кўраётган ёки муносабатлар у қадар яқин бўлмаган кишиларга адабий тил қоидаларига риоя қилган ҳолда شما خوب هستید؟ [şoma xub hästid] деб кўришадилар. “Сиз яхшимисиз” саволига аксарият ҳолларда می چرخیم [miçärhim] “Аста-секин юрибмиз” (айлантириб турибмиз) дея жавоб берадилар. Агар суҳбатдошнинг фарзандлари бўлса, уларнинг ҳар бирини исмини ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, фарзанднинг исмига эркалаш сўзлари, қўшимчаларини қўшиб,у ҳақида батафсил сўрашлар, ота-оналарни ҳам сўраш кабилар кузатилади. یاسمینجان گلت خوبه؟[yäsminjan golet xube] “Ясминжон гулинг яхшими?"Ясмин қиз фарзанднинг исми, унга *–жон* қўшимчаси қўшилиб, метафора билан гулга тенглаштирилиши нуткга сайқал беради. Оила ҳақида сўралганда خانوادهتون همه خوبند؟ [xanevadetun häme xuband?] “Уйда ҳамма яхшими?” жумласига эронликлар алоҳида урғу беришади.

Форс тилида ҳол-аҳвол сўраш акс этган 20 та ҳолат текширилди. Бунда самимий ва носамимий саволлар 60:40% фоизни ташкил қилди. Самимий≧60%; носамимимий≧40%. Бунда суҳбатдошдан унинг аҳволи ва айниқса оила аъзолари ҳақида кўпроқ сўралади ва жавобларнинг шаблон тарзида бўлишига қараганда махсус жавоблар берилиши кузатилади.

Коутлакининг [205] таъкидлашича, Эрон маданиятида меҳмондорчилик, тановул қилиш замирида очликни қондириш мақсадидан кўра кўпроқ бошқа ният ётади. Меҳмондорчилик муҳим оилавий муносабатларни мустаҳамлаш

[205]Koutlaki S. The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.

ҳамда ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий алоқаларни кучайтириш имкониятидир. Эрон маданиятида ҳам ўзбек маданиятидагидек дин таъсирида таомдан аввал ва кейин дуо қилиш ва шукр қилиш мавжуд.

Эрон ва ўзбек халқида овқат тановул қилишдан аввал بسم‌الله “бисмиллоҳ”, بسم الله الرحمن الرحيم “бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм” – “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан” деб, овқат ейишга киришилади.

Ўзбек маданиятида ҳам меҳмондорчиликда тановул вақтида белгилаб қўйилган вербал ва новербалар ижтимоий қоидалар мавжуд бўлиб, уларга амал қилмаган кишига “фаросатсизлик”, “одобсизлик” ёки “мағрурлик” сингари инсондаги салбий хусусиятларни англатувчи тушунчалар билан баҳо бериш ҳавфи пайдо бўлади. Ўзбек этикетида ҳам араблар фатҳидан кейин турмушга кириб, маданият ва тарбия асоси даражасига етган ислом дини муҳим ўрин тутади. Овқатдан олдин “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм” (нафақат овқатдан, балки бирор ишга киришишдан аввал ҳам) дейиш ҳали исломни тўлақонли тушунмаган гўдак учун ҳам шартсиз рефлекс ҳаракатидир.

Ҳадисларда меҳмонни улуғлашга алоҳида ажратилган боблар бўлиб, уларнинг таълимоти таъсирида асосан ислом динига эътиқод қилувчи эронликлар ва ўзбеклар оиласида меҳмоннавозлик муҳим маданият даражасида акс этади.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий тўплаган “Ал-Жомиъ Ас-Саҳиҳ[206]” ҳадисларидан бирини келтирамиз:

“Абу Шурайҳ ал-Каъбий ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки Аллоҳга ва охиратга ишонган эрса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Мезбоннинг бир кеча-кундуз кўрсатган иззат-икроми бирлан қилган зиёфати меҳмон учун бир мукофот тариқасида бўлсин, асли меҳмоннинг иззати уч кундир.”

[206] www.muslim.uz

“Меҳмон ўз ризқи билан келади ва уй эгасининг гуноҳлари мағфират қилинган ҳолда қайтади.”[207]

Меҳмонга зиёфат берган биринчи киши Иброҳим (алайҳиссалом) эдилар. Меҳмон учун алоҳида меҳмонхона қурмоқ ҳам ҳазрати Иброҳим (алайҳиссалом)дан қолган улуғ суннатлардандир.

Меҳмон кутиш одоби шундан иборатки, уйга келган ҳар бир меҳмонни ширин сўз, очиқ юз ва табассум билан манзилга киргизмоқдир. Имкон қадар лутф, мулойимлик ва меҳрибонлик билан муомала қилмоқликдир.[208]

Меҳмонга ҳурмат юзасидан мезбон томонидан қандай нутқий этикет бирликлари қўлланилиши сўровнома жавоблари орқали аниқланди ва натижалар қуйидагича акс этди:

Жадвал № 14.



Ўзбек нутқий этикетида меҳмондорчиликда тановул вақтида мезбон томонидан қўлланадиган мулозамат бирликлар нисбати ва стратегияси: “Олинг, олинг” (60%) – *позитив этикет* (таклиф қилиш); “Дастурхонга қаранг” (15%) –

[207] http://www.nasafziyo.uz/site/article-full/page668.html
[208] http://www.nasafziyo.uz/site/article-full/page668.html

позитив ва директив стратегияси (таклиф қилиш + императив оҳанг); “Ўз уйингиздагидек хис қилинг” (10%) –*позитив* (тингловчини ҳис қилиш); “Уялманг” / “Тортинманг” (8%) – *позитив* (тингловчининг ҳолатига ечим топиш); “Ёқмадими?” (3%) – *негатив* (савол бериш, ўзини ҳимоя қилиш).

Кам фоизни ташкил қилган “Емасангиз яхши тайёрламабман деб ўйлайман” / “Вой яхши чиқмабдими? Емасангиз хафа бўламан” (2%) варианти асосан жиззахлик ва қашқадарёлик респондентлар томонидан белгиланган бўлиб *негатив* (пессимист бўлиш) этикет стратегиясига тегишлидир. “Тузи бор, нега емаяпсиз?” *негатив стратегия* қўлланилган жавобни бухоролик кишилар 2 % улуш билан қайд этдилар.

Жадвал № 15.



Эрон нутқидаги этикет бирликлар нисбати ҳамда стратегияси: لطفاً بفرمایید! [lotfän befärmaiid] “Лутф қилинг, марҳамат” (66%) – *позитив этикет* (таклиф қилиш); لطفاً بفرمایید،قابل تعارف نیســـت [lotfän befärmaiid, γabele täarof nist] “Лутф қилинг, марҳамат, таориф (тортинманг) қилманг!” (12%) – *позитив этикет* (таклиф ва сабабни кўрсатиш); تعارف نکنید، خونه ی خودتونه[täarof näkonid, xuneye xodetune] “Тортинманг, бу ўз уйингиз!” (11%) – *нодиректив /*(муболаға) ; ناراحت

میشــم اگر نخورید من این غذا را برای شــما پختم [narahät mişäm ägär näxorid män in γäzara bäraye şoma poxtäm] “Агар емасангиз хафа бўламан, буни сиз учун пиширганман!” (5%); مخصـوص شـما پختم ناراحت میشـم اگر نخورید من[narahät mişäm ägär näxorid män mäxsuse şoma poxtäm] “Агар емасангиз хафа бўламан, буни сиз учун пиширганман!” (4%)– *позитив ва директив* (интонацияни ўзгартириш ва императив оҳангда гапириш).

Жадвал № 16.

Форс ва ўзбек тилларидаги структур-семантик ўхшаш мулозамат бирликлари	
Форс тили	Ўзбек тили
خونــه ی خودتونــه[xuneye xodetune] Ўз уйингиз خودتون صـــاحب خونه اید.[xodetun sahebe xuneid]	Ўз уйингиздагидек хис қилинг
تعارف نکنید [täarof näkonid]	Уялманг / Тортинманг
ناراحت میشـــم اگر نخورید، من این غذا را برای شـــما پختم! [narahät mişäm ägär näxorid män in γäzara bäraye şoma poxtäm] “Агар емасангиз хафа бўламан, буни сиз учун пиширганман!”	“Емасангиз яхши тайёрламабман деб ўйлайман” / “Вой яхши чиқмабдими? Емасангиз хафа бўламан”

Меҳмонга “Олинг, олинг!” (لطفاً بفرمایید!) деб тахминан неча маротаба ундаш мумкин деган саволга, эронликлар ҳам, ўзбеклар ҳам (>90%) “кўп марта, керак бўлса 10 марта” вариантини катта фоиз билан белгиладилар. “Фақат 1-2 марта айтаман, ейиш-емаслик меҳмоннинг танлови” деган вариантни Эроннинг баъзи чет элда яшовчи вакиллари, Ўзбекистонда эса Хоразм ва Қорақалпоғистон вилояти аҳолиси вакиллари танладилар, аммо бу икки гуруҳда ҳам нисбат кўрсаткичи <5% бўлди. хоразмликлар “Умуман “олинг” демайман” деган жавобни танладилар. Индивидуал интеревьюлардан маълум бўлдики, агар Хоразмда “олинг” деб айтилса, “олинг, енг ва тезроқ кетинг” деган негатив коннотатив маъно ифодалагани учун бу бирлик мулозамат эмас, аксинча беҳурматлик

сифатида қаралар экан. Қорақалпоғистонда бир мартадан кўп “олинг” деб ундаш меҳмонга ноқулай кайфият бериши, “мен сизнинг нима еяётганингизни кузатяпман, қараб ўтирибман” маъноси англашилиши маълум бўлди.

Жавоб тариқасида меҳмон томонидан мулозамат сўзлар билдирилиши, мезбон томонидан ўзини камтар тутиш тамойиллари ҳар икки халқда кузатилди.

Эронда “олинг” (لطفاً بفرمایید!) таклифига қуйидаги жавобларнинг берилиши жонли ва ёзма манбаларда кўзга ташланди.

انشاالله سفره تون پر از برکت باشه.[enşäälläh sofretun por äz bärekät başe] “Иншааллоҳ дастурхонингиз баракали бўлсин!”, سفره تون توی خونتون همیشه پهن باشد.[sofretun tuye xunetun hämişe pähn başe] “Уйингиздаги дастурхон ҳамиша кенг очилган бўлсин!”, نشاالله سفره تون همیشه باز باشه. [enşäälläh sofretun hämişe baz başe] “Иншааллоҳ дастурхонингиз ҳамиша очиқ бўлсин!” кабилар меҳмон томонидан қўлланиб, мезбонга яхши тилак билдирилади. Мезбоннинг меҳмон овқатини тановул қилиб бўлгандан кейин دو باره پر کنم؟ [do bare por konäm] “Яна солайми/сузайми?” деган таклифига розилик билдирса تشکر. [täşäkkor] “Раҳмат!”, рад этса نه، مرسی. [nä, mersi] “Йўқ, раҳмат!”, деб жавоб бериши аниқланди.

Ўзбекларда мезбоннинг “Олинг!”, “Дастурхонга қаранг!” таклифларига меҳмон “Қўйинг овора бўлманг”, “Биз тез турамиз, бирровга келдик”, “Сизни ҳам овора қилдик”, “Ҳозир овқатланиб/еб келдик”, “Ҳозир чой ичиб келяпмиз” (Қашқадарё), “Чой-пой қўйманг”, “Бу ширинликларни невараларга беринг” (Сурхондарё),Уринманг, фақат сизни кўрай деб келдим” каби мулозамат бирликларини қўллаши, мезбон бунга жавобан “Овораси бор эканми?” “Ҳар доим келиб юрибсизми?” “Ҳа, бир келиб қолибсиз-да!”, агар мезбон унча емаса “Тортинманг”, “Олмасангиз хафа бўламан” каби мулозаматларни келтириши кузатилди. Меҳмон уй эгасининг “Яна озгина сузиб келай!” деган таклифига розилик билдирса “Ҳа майли, раҳмат. Фақат озгина. Жуда мазали бўлибди!”, рад этса “Йўқ, раҳмат!” (“Ўзи тўқ эдим, мазали/ширин чиққанидан қандай еб қўйганимни билмабман)!” деб жавоб бериши кузатилди.

Таомланишдан сўнг Худога шукроналик қилиш, мезбонга ташаккур айтиш, унга яхши тилаклар билдириш, таомни пиширган кишини мақташ каби позитив этикет стратегиялари ифода этилади. Шунингдек, Эрон халқининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилувчиларни ташкил қилгани боис, таомланишдан аввал ва кейин дастурхон дуоси ўқиш анъана тусига кирган.

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ[209]

“Бизни едирган, ичирган, ва бизни мусулмон қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.”

Қуйидаги оят меҳмон томонидан мезбон учун ўқилади.

أفطر عندكم الصائمون، وأكل طعامكم الأبرار، وصلّت عليكم الملائكة

“Рўзадорлар сиз билан ифторлик қилсин, тақводор кишилар сизнинг таомингизни тановул қилсин, фаришталар сизга саловот айтсин.”

Қисқа дуолар ва “Худога шукр” маъносини англатувчи бирикмалар қуйидагича акс этади: الحمدلله[älhämdolillah] “Аллоҳга ҳамд бўлсин”, الهی شــکر [elähi şokr] “Худога шукр”, خـدا برکـت بـده![xoda bärekät bede] “Худо баракасини берсин”. Шукрни ифодалашда هزار مرتبه[hezar märtäbe] “минг маротаба”, صــد هزار مرتبه[säd hezar märtäbe] “юз минг маратаба” (الهی صد هزار مرتبه شکرت.[elahi säd hezar märtäbe şokret] Худога юз минг марта шукур) каби миқдор билдирувчи бирликлар маънога кучлироқ урғу беришга хизмат қилади. Худога шукроналик бирликлари айтилгач, мезбонга, айниқса таом тайёрлаган кишига (одатда аёл кишига) миннатдорлик таом ҳақида илиқ мақтовлар ва тилаклар билан биргаликда билдирилади, ундан сўнг бошқа мезбонларга (масалан, эркак кишига) раҳмат айтилади, раҳматга жавоб қабул қилинади ва қуйидагича акс этади:

Меҳмон: . دسـتتون درد نکنه!خیلی زحمت کشـیدین[dästetun därd näkone] [xeyli zähmät keşidin] “Қўлларингиз дард кўрмасин! Жуда овора бўлдингиз!”

[209]https://sunnah.com/urn/1273910

Мезбон: خواهش میکنم. چه زحمت؟! [xaheş mikonäm, çe zähmät] “Ундай деманг, қанақа овора (овораси бор эканми)”?

Меҳмон: همه چیز عالی بود.[häme çiz ali bud] “Ҳаммаси зўр/олий бўлди”.

Меҳмон: خیلی خوشـــمزه بود / اســـت.[xeyli xoşmäze bud / äst] “Жуда мазали бўлибди!”

Мезбон: شـــمـا خوشـــمزه خوردیـد.[şoma xoşmäze xordid] “Сиз мазали қилиб едингиз!” /

نوش جان / نوش جانتون[nuşe jan / nuşe janetun] “Ош бўлсин!”

Ўзбек маданиятида ҳам таомнинг мазаси ҳақида ижобий фикр билдириш (таом мазали ёки мазали эмаслигидан қатъий назар) муҳим бўлиб, “Жуда мазали чиқибди”, “Қўлингиз дард кўрмасин”, “Рецептини беринг” каби бирликлар билан мақтов баён этилади. Таомни мақташ Эронда асосан овқатланишдан сўнг кузатилса, ўзбекларда меҳмондорчиликнинг исталган қисмида ва такроран охирида кузатилади. Мақтовга мезбон “Ош бўлсин”, “Ёққанидан хурсандман!” “Вой осон рецепт.....” тарзида жавоб қайтаради. Форс ва ўзбек нутқий этикетидаги меҳмон жавоблари қўлланилиши, оҳанги ва этикет стратегиялари (позитив) ўхшашлиги мисоллар билан далилланди. Мезбоннинг меҳмон мақтовига нисбатан жавоби форс нутқий этикетида бир мунча экспрессивликка эгалиги, муболаға қилиш (“Сиз мазали қилиб едингиз” – *нодирективстратегия*) ва камтарликни (“Ундай деманг” – *негатив стратегия*) намоён қилиш билан ажралиб турди. Ўзбек нутқида эса мақтовни маъқуллаш ва миннатдорчилик билдириш (“Ёққанидан хурсандман”, “Ош бўлсин”- *позитив)* жавоблари қўлланилди. Мақтовни маъқуллаш форс нутқида фақат “жуда яқин муносабатли” кишилараро акс этади. Меҳмон билан ўртача яқинликдаги эронликлар мезбонлар ўзбеклардек жавоб берсалар, “мақтовни маъқуллаб, ўз-ўзини эътироф қилди. Манмансираган экан”, деган прагматик коннотатив хато тушунчага боришлари аниқланди. Ўзбеклар эронлик мезбонларнинг “Сиз мазали қилиб едингиз” деган жавобига асосан “ўта мулозаматли”, “чиройли сўзамоллик”, “гапга усталик” деб

ижобий, ҳамда “сохта такаллуф қилиш” (16% респондентлар) дея таъриф бердилар. Кўринадики, ўзбеклар ҳам, эронликлар сингари ўзаро муносабатлардаги нутқий этикет бирликларини лингвопрагматик жиҳатдан нотўғри тушунишлари мумкин.

Таомнинг мазали эканлиги ҳақидаги эътирофдан сўнг тановул вақтининг бошланишива сўнггида эронлик мезбонлар نوش جان / نوش جانتون[210][nuşe jan / nuşe janetun] дейишлари ўзбек нутқий этикетига айни мос тушади ва “Ош бўлсин!” таржимасига тўғри келади. Бу нутқий этикет бирлиги кўпгина бошқа хорижий тиллар лексикасида қайд этилмайди. Луғатларда форсча نوش جان жумласининг инглиз тилига[211] “Enjoy your meal” – “Таомингиздан завқланинг/роҳатланинг”, француз тилига [212] “Bon appetit!”- “Ёқимли иштаҳа” тарзида таржималари кузатилса-да, мазкур эквивалентлар унинг тўлақонли мазмунни очиб беролмайди. Асл маъноси “жонингизга шира бўлсин”[213] маъносини ифодалайди. Эронда тановул қилиш вақтида ва сўнггида نوش جـانайтилади. Ўзбекча “Ош бўлсин” фақат мақтовга нисбатан жавоб тариқасида, аксарият ҳолларда, таом еб бўлгач айтилади.

Шунингдек, мезбон оиласидан ўтган марҳум кишилар ҳаққига дуо ўқилади. Эрон маданиятининг тановулдан сўнг қўллайдиган нутқ бирликларини қуйидагича англаш мумкин:

Жадвал № 17.

---

[210]Изоҳ: Ўзбек тилида “Ош бўлсин!” асосан мезбон ёки таом тайёрлаган киши томонидан таомланиш вақтида қўлланса, форс тилида киноя сифатида ҳам қўлланишининг гувоҳи бўлдик. Мисол :
فرزند: تا چشمش بهم افتاد، هرچي فحش بلد بود كشيد به جونم!
مادر: نوش جونت! مگه من بهت نگفتم الان نرو سراغش، عصبانيه؟ وقتي حرف گوش نمي‌كني همينه ديگه
[färzänd: ta çeşmäş behäm oftad, här çi fähş bäläd bud, keşid be junäm]
[madär: nuşe junet! Mäge män behet nägoftäm älan närou soraγeş, äsäbaniye. Väγti härf guş namikoni hämine dige]
Фарзанд: Кўзи менга тушиши билан билган ҳамма сўкиш сўзларини менга қарата айтди.
Она: Ажаб бўлсин! Мен сенга айтмадимми, ҳозир олдига борма, асабийлаши турибди, - деб. Гапга қулоқ солмасанг шунақа бўлади.
Юқоридаги мисолда نوش جونت nuşe junet! (Ош бўлсин) киноя мазмунида ўзининг асл маъносини йўқотган ва ўзбек тилигдаги бировнинг салбий ҳолатига бепарволик, “жазо бўлибди/дарс бўлибди, бу яхши” мазмунини англатувчи “Ажаб бўлсин!” бирлигига тўғри келади.
[211]http://www.farsidic.com/en/Lang/EnFa
[212]https://aryanpour.com/french_to_farsi.php



Худога шукроналик → Мезбонга миннатдорчилик + таом ҳақида мақтов + мезбонга яхшиликлар тилаб дуо қилиш → мезбон оиласидан ўтган марҳум ҳаққига дуо қилиш.

Ўзбек нутқий этикетига кўра, таом еб бўлгандан кейин меҳмон / мезбон бўлишидан қатъий назар ёши каттароқ кишига “сиз дуо/фотиҳа қилинг” дейиш одобдан ҳисобланади.

Таомдан сўнг айтиладиган “фотиҳа”га мисоллардан бирини келтирамиз: “Ўтирган ўрнимиз йўқолмасин.”

أللهم أطعم من أطعمني واسق من سقاني

Маъноси: “Эй Аллоҳ, мени таомлантирган кишиларни Сен ҳам таомлантиргин, мени сув билан суғорган кишиларни сен ҳам сероб қилгин!”.

Меҳмонлар мезбонлар ҳаққига мана бундай дуо ҳам қиладилар:

اللهم بارك لهم فيما رزقتهم واغفر لهم وارحمهم

"Аллоҳумма барик лаҳум фитмаа розақтаҳум вағфир лаҳум варҳамҳум". Маъноси: “Эй Аллоҳ, бу хонадон аҳлининг ризқига барака бер, уларнинг гуноҳларини мағфират қил ва уларга раҳм айла!”[214]

Меҳмондорчилик жараёни доирасидаги нутқий этикет бирликлари таҳлили натижасида қуйидаги хулосалар белгиланди:

- Эрон ва ўзбек маданиятининг ҳар иккисида “меҳмондорчилик” муҳим оилавий муносабатларни мустаҳамлаш ҳамда ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий алоқаларни кучайтириш имконияти ҳисобланади;

[214]https://azon.uz/content/views/taomlanish-va-ziyofat-odoblaridan-ziyofa

- ўзбек маданиятида ҳол-аҳвол сўраш аксарият ҳолларда асл маъносида эмас, қоида сифатида қаралади ва самимий ҳамда носамимий сўрашишлар қиёсида, жавоби чин дилдан кутилмаётган саволлар улуши катта нисбатни ташкил қилади;

-Эрон маданиятида ҳам ҳол-аҳвол сўраш одоб қоидаси даражаси саналади. Мавзу аксарият "оила" билан боғлиқдир. Самимий ҳамда носамимий сўрашишлар қиёсида, аниқ жавоби кутилаётган саволлар улуши катта нисбатни ташкил қилади;

-Ҳар икки мамлакатнинг мусулмон аҳолиси нутқида тановул қилиш олди ва кейин дуолар ҳамда Қуръон сураларидаги оятлар ўқилиши кузатилади;

-Форс нутқий этикет бирликларида позитив, негатив ва нодиректив стратегияларнинг етакчи эканлиги аниқланди;

-Ўзбек нутқий этикет бирликларида позитив ва директив стратегияларнинг етакчи эканлиги маълум бўлди.

Эрон ва Ўзбекистонда меҳмондорчилик якуни ҳам алоҳида саҳна суҳбати бўлиб, бунда ҳам ўзига хос нутқий этикет қоидалари мавжуддир.

Эронда мабодо мезбон меҳмоннинг таом вақтига қолишини истамаса, таом ҳақида ҳеч нарса демайди. Агар меҳмон кетишга тараддудланаётган бўлса, устки кийими ёки пойафзалини кийишга бориш билан белги беради. Бу ҳолни кўрган мезбон !میموندین حالا [mimundin hala] "Қолсангиз бўлар эди!" тарзида "таклиф" таориф қилади. Айни вазиятда бу таклиф самимий эмас, ҳурмат юзасидангина билдирилади. Баъзи ҳолатларда меҳмоннинг ортиқ қололмаслигини аниқ сезган мезбон керагидан кўпроқ нутқий этикет бирликларини қўллаши аниқланди.
Уни "кейинги сафар кўпроқ ўтирамиз" деб рад қилаётган меҳмонга
خلاصه تعارف ندارم[xolasetäarof nädarim] - "орамизда мулозамат йўқ", яъни "мулозамат қилмаяпман, самимий таклиф қиляпман" маъносини билдирмоқчи бўлади.

Меҳмон кетаётганда нутқий этикет бирликлари мезбон томонидан бардавом қўлланмаса беҳурматлик саналади. Меҳмон кетишга тараддудлангандан кейин тахминан йигирма минутлар мезбоннинг олдида бўлиши керак деб манбаларда ҳам келтирилган[215]. Бунга далил сифатида кузатилган 20 та меҳмондорчиликнинг 14 тасида кетмоқчи бўлган меҳмоннинг таорифлар билан якуний суҳбатлари акс этди.

Мисол: (А- меҳмон; В - мезбон)

Жадвал № 18.

	Форс	**Транскрипция**	**Ўзбек**
В	.زحمت کشیدین	[Zähmät keşidin]	Келганингиз учун раҳмат. (Шунчалик овора бўлиб келибсиз)
А	.خواهش میکنم، زحمت دادیم	[Xaheş mikonäm, zähmät dadim]	Йўғ-эй, сизни овора қилдик.
В	خواهش می کنم، باز هم بیایید از این طرفها.	[xaheş mikonäm, bazhäm biain äz in täräfa]	Йўқ ундай эмас, яна келинг (бу тарафларга).
А	خوب خیلی متشـــکراز همـه چیز.	[xob xeili motaşäkker äz häme çiz]	Хўп, ҳаммаси учун ташаккур.
В	.خواهش میکنم، قربون شما	[xaheş mikonäm, qorbune şoma]	Арзимайди, қурбонингиз бўлайлик.

Ўзбек менталитетида ҳам меҳмондорчилик якуни бироз вақт талаб қилади. Кетишга тайёрланаётган меҳмон “Энди бизга рухсат берсангиз!”, “Энди биз турсак, сизни ҳам овора қилдик”, “Энди биз кетайлик,деб мезбондан ижозат сўрайдилар. Мезбон “Ўтиринглар, овқатим пишай деб қолди”, “Ҳа, ўтирибсизлар-да, кечроқ кетарсизлар”, “Овқатимни емай ҳеч ким бу уйдан

[215]Ахмади, З. Вежливость и понятие «Таароф» в иранской культуре [Текст] / З. Ахмади // Наука и Школа. – 2014. – № 3. – С. 102–106.
Koutlaki S. The Persian system of politeness and concept of face, with some reference to EFL teaching to Iranian native speakers. - Cardiff, 2015. – 173 p.

чиқмайди” каби самимий ёки носамимий мулозаматлар қилади. Мезбон яна бироз қолишга кўп қистайвергач, кетишга қарор қилган меҳмон, “қилишим керак бўлган иш бор эди” каби важ ва баҳоналар билан мезбондан кетишга “зўрға” рухсат олади. Мезбон меҳмоннинг ҳурмати учун “Унда бу келганингиз ҳисоб эмас, алоҳида кўпроқ ўтирадиган бўлиб келасиз (оилангиз билан). Шу шарт билан кетишингизга рухсат бераман”,- деб кузатади. Ниҳоят мезбон “...га салом айтинг”, “.....(кичик ёшдаги болалар)ни ўпиб қўйинг”, “Яна келинг”, меҳмон “Майли яхши қолинг”, “Ҳаммаси учун раҳмат”, “Бизникига ҳам боринглар” каби жавоблар билан хайрлашадилар. Кузатилган 20 та меҳмондорчиликдан 7 тасида меҳмон ва мезбон нутқий этикет бирликларининг алмашиш суҳбати 10-15 дақиқа давом этди.

Меҳмондорчилик якуни юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Ўзбек ва Эрон нутқий этикет маданиятида меҳмон кетаётганда нутқий этикет бирликларнинг мезбон томонидан бардавом қўлланмаслиги беҳурматлик саналади;

2) Эронликлар халқида меҳмон кетишга тараддудлангандан кейин тахминан чорак соат мезбоннинг ҳузурида бўлиши керак. Бунда мезбон меҳмонни қолишга ундаш ва меҳмон узр сўраб, таклифни рад этиш таорифларини қўллайдилар (70%). Бу ҳолат ўзбекларнинг халқи меҳмондорчилик саҳналарида ҳам кузатилди, бироқ меҳмон кетишга тараддудлангандан кейин мезбоннинг қошида яна маълум фурсат қолиши кам кузатилди (30%);

3) Икки маданият меҳмондорчилигида мезбоннинг мулозамат бирликлари бўйича ўтқазган лингвопрагматик таҳлил, эронликлар суҳбатида позитив ва нодиректив нутқий этикет стратегиялари, ўзбекларда асосан позитив, кам ҳолларда директив ва негатив этикет стратегиялари етакчилигини кўрсатди.

3.1.1.2. Совға бериш ва алмашиш жараёнида қўлланадиган нутқий этикет бирликлари

Норасмий нутқий мулоқот юзага келадиган ҳолатлардан яна бири *совға бериш, совға алмашиш одоби* жуда кўп мамлакатларда мавжуд бўлиб, инсонлар бир-бирларига шодлик улашиши, “сиз мен учун қадрлисиз” мазмунни ифодалайдиган “эътибор”ни ифода этишлари нафақат муайян байрам ёки тадбирларда балки шунчаки бесабаб юзага чиқиши ҳам мумкин.

Кузатувлар натижасида маълум бўлдики, эронлик ва ўзбеклар қуйидаги ҳолатларда, жумладан, туғилган кун, махсус байрамлар, миллий байрамлар, никоҳ маросими, фарзанд туғилиши, янги иморат ёки буюм (уй, машина)га эга бўлиш, касбий/илмий муваффақиятлар, ютуққа эришиш, меҳмондорчиликка бориш чоғида совға беришни “ёзилмаган қоида” қилиб олганлар.

Ҳар икки миллат вакилларининг совға-салом бериш ёки олиш жараёнида ўзига хос прагматик ва паралингвистик қоидалари воқеаланади.

200 нафар кишидан иборат респондентлар (100 эронлик, 100 ўзбек) сўровноманинг “Совға бераётганда ва олаётганда қандай нутқий этикет бирликларини қўллайсиз?” саволига фарқли ва ўхшаш жавоблар олинди, улар чизмада қуйидагича акс этди.

Жадвал № 19.



Ўзбеклар нутқида совға бериш пайтида “Арзимаса ҳам” бирикмасини қўллаш 60% дан ортиқ ҳолатларда кузатилиб, совғанинг “арзимас” эканлигини таъкидлаб, суҳбатдошга ҳурмат сифатида камтарлик *(негатив стратегия)* кўрсатилади. “Бу сизга” (10%) бирикмасида *директив* (bald on record) стратегиясида мавжуд бўлиб, мулозамат коннотацияси сезилмайди. “Чин кўнгилдан, олинг” (8%) бирлигининг специфик мазмунида “ўзим хоҳлаб, сизга совға олдим”, “совға беришни хоҳладим”, “қайсидир ёрдамингиз учун жавоб тариқасида қабул қилманг” маънолари ётиши аниқланди. Шундай бўлса-да, муҳим кун ва байрамлардан ташқари шунчаки “чин кўнгилданлиги таъкидлаб берилган” совға, кўрсатилган ёки келажакда кўрсатиладиган ёрдамга миннатдорлик рамзи сифатида қаралишига жонли ва виртуал манбалар гувоҳлик беради. Шундай экан, бу бирликда *нодиректив* стратегия қўлланган деб, санаш мумкин.“Буюрсин, яхши кунларда ишлатинг” (5%), “Қуллуқ бўлсин” (3%) каби вариантларда “камтарлик” акс этмайди, суҳбатдошга яхши тилак билдиришда *позитив стратегия* етакчидир. “Арзийсиз” деган жавобни асосан Ўзбекистоннинг Қашқадарёда туғилиб ўсган кишилар белгиладилар. Бу жавоб Ўзбекистоннинг ўзида ҳам баъзи вилоятлар нутқий этикет бирликларига зид

бўлиб, “эриш туюлиши”, “манмансирагандек кўриниши” мумкин. “Ёқади деган умиддаман” (3%) позитив стратегияда яқин муносабатлар акс этади.

Жадвал № 20.



Форс нутқий этикетида ҳам совға бериш жараёнида турли вариантлар кузатилди. Таъкидлаш жоизки, эронликларнинг бир бирлик билан чекланмасдан, бир неча таорифларни кетма-кет қўллашлари ҳам кузатилди. قابل شـــما نداره! [γabele şoma nädare] “Арзимайди” (Сизга арзимайди) (32%) бирлиги қўлланинлиш махсулдорлиги бўйича ўзбек нутқидаги “Арзимаса ҳам” бирлиги каби етакчи бўлиб, мазмунан ҳам ўзбекчага яқинлиги белгиланди. (*негативстратегия*) !برگ ســـبز اســـت تحفـه درویش[bärge säbz äst tohfeye därviş] “Дарвешнинг совғаси яшил барг” (30%) таорифида совға берувчи ўзини дарвешга, совғасини яшил баргга тенглаштириб, ўта камтарлик намоён этилади. Бу вариант ўзбекча “Топган гул, топмаган бир боғ пиёз олиб келади[216]”га эквивалент бўла олади, аммо ўзбекча муқобилнинг қўлланилиш

[216]http://e-adabiyot.uz/

частотасипастдир. این هدیه بندهبرای شـــماســـت! [in hädiyeye bände bäraye şomast] “Банданинг (қулнинг) бу соғваси сизга” (19%)– Ўзбек тилидаги “Бу сизга” вариантига мазмунан тўғри келса-да, этикет стратегияси жиҳатдан фарқ қилади. Чунки форс тилида bände – “қул” – 1-шахс кишилик олмошини камтар кўринишда ифода этмоқда (*негатив стратегия*). “Сизга ёқади деб умид қиламан” маъносини берувчи позитив стратегиядаги امـیـدوارم خـوشـــــتـــان مـــی آیـد! [omidvaräm xoşetan miayäd] (18%) таорифи ўзбек тилидаги бирлик билан айни келади.

Жадвал № 21.



Жадвал № 22.

Совға олиш вақтида ёки олгандан кейин ўзбек тилида “Шарт эмас эди”(32%), “Раҳмат овора бўлибсиз” (38%) бирликлари қўлланиш бўйича етакчи ўринни эгаллади ва форс тилидаги راضـــی به زحمت نبودم [razi be zähmät nabudäm] (30%) “Оворагарчилигингизга рози эмас эдим”, خیلی زحمت کشـــیدید[xeyli zähmät käşidid] (34%) “Жуда овора бўлибсиз” маънолари билан мос келади ва тингловчига ҳурмат кўрсатиб, *негатив стратегия*ни ифодалайди. Форс ва ўзбек нутқий этикетига хос “Нега бундай қилдингиз”, “Шарт эмас эди” маъносини ифодалайдиган бирикмаларнинг кўпгина чет эл халқлари нутқида мавжуд эмаслиги прагматик хатони келтириб чиқаради.

Ҳаётий кузатилган мисолни келтирамиз: Ўзбек киши европаликларни уйга меҳмонга таклиф қилди. Ўзбек киши – ўқитувчи, меҳмонлар – чет эллик талабалар. Меҳмонларнинг ёки ўзбек урф одатларига таяниб, мезбоннинг уйига ширинликлар ва ичимликлар олиб келишди. Ўқитувчининг инглиз тилидан хабари бор ўсмир фарзанди меҳмонларга мулозамат кўрсатиб, ўзбек тилидаги “Шарт эмас эди, нега нарсалар кўтариб юрибсизлар?” этикет бирикмасини сўзма-сўз инглиз тилига таржима қилиб, шундай дейди: “We don’t need that. Why

have you brought these things?” Буни эшитган меҳмонларнинг қиёфаси бирдан тундлашиб, ноқулай аҳволда қолишади. Ўқитувчи дарҳол вазиятни тўғирлашга киришади. Зеро, йигитча юқоридаги мурожаат этикетида прагматик хатога йўл қўйган, шу боис уни хорижликларнинг “Бизга бу нарсалар керак эмас, нега олиб келдингиз” тарзида тушунилиши оқибатида ноқулайлик юз берган. Тилни билиб, нутқий этикет бирликларини билмаслик мулоқотнинг муваффақиятсиз бўлишига олиб келган.

Форс тилидаги ممنونم!خیلی لطف کردید[mämnunäm xeyli lotf kärdid] “Раҳмат, жуда лутф қилдингиз/ меҳрибончилик қилдингиз” (35%) варианти ўзбек тилида кузатилмади. Шартли эквивалент этиб, “Эътибор учункатта раҳмат” (6%) бирлигини белгилаш мумкин. Бу мисолларда *негатив стратегия* англашилади.

Ўзбек тилидаги “Вой менгами?”, “Раҳмат, кутмаган эдим” каби *позитив стратегия* бирликларининг форс тилида мазмунан яқин муқобиллари кузатилмади.

Эронликларда гул совға қилинаётганда, гулни олган киши гул берган кишига !شما خودتان گل هستید[şoma xodetun gol hästid] “Сиз ўзингиз гулсиз-ку!” тарзида манзират кўрсатиши одатий (*позитив стратегия)* бўлиб, ўзбек нутқий этикетида жуда кам ҳолларда, асосан муносабатлари яқин кишилар ўртасида “Сизнинг ўзингиз бизга совға”, “Соғ бўлиб юришинг менга совға” (оила аъзолар, яқин қариндошлар, дўстлар) тарзида кузатилади. Шунингдек, دست شما درد نکنه![däste şoma därd näkone] “Қўлингиз дард кўрмасин!” катталар кичикларга нисбатан қўллайдиган таориф(*позитив стратегия*)дир.

Ўзбекистоннинг жанубида туғилиб ўсган респондентларнинг 2%и совға олаётганда “Раҳмат, бундан-да яхшиларини сизга совға қилай!” деб айтишлари билан республика ҳудудида миллатнинг географик жойлашувга қараб, нутқий этикет қоидалари бироз фарқ қилиши аниқланди. Қашқадарёнинг айрим жойларида суҳбатдошга ҳурмат маъносида айтилган бу бирликни бошқа

вилоятларда ва Тошкент шаҳрида “менинг совғамни унча яхши эмас деган мазмунда айтди” дея прагматик хато тушунишлари мумкин.

Совға бериш ва олиш жараёнида ҳар иккала тил вакилларида қуйидаги нутқий этикет қоидалари аниқланди:

Эрон миллатида ҳам, ўзбек миллатида ҳам совғалар муайян байрам ва тадбирлар боис, ёки шунчаки бесабаб берилади;

совға берувчи ўз совғасини иложи борича паст даражада кўрсатишга ҳаракат қилади (камтарлик –негатив стратегия);

совға берувчи совға олувчини улуғлайди (ҳурмат кўрсатиш – позитив стратегия);

совға олган киши совғани олиб келиш керак эмас эди, деган маънодаги таориф билан миннатдорлик изҳор қилади (негатив стратегия);

совға берувчи бунга жавобан суҳбатдошининг фикрини инкор этади.

форс нутқий этикетида совға олиш ва совға бериш ҳолатида негатив ва позитив, ўзбек нутқий этикетида негатив, позитив, директив ва нодиректив стратегиялари воқеаланади.

Норасмий мулоқотда нутқий этикет бирликларининг қўлланиш стратегиялари бўйича аниқланган натижалар:

1) Тилшуносликнинг “Нутқий этикет бирликлари” (Politeness) мавзусига асос солган назариётчи олимлари томонидан илгари сурилган ва жаҳон тилшунослигида қабул қилинган назариялар асосида нутқий этикет бирликларининг тўрт хил қўлланилиш стратегиялари (Bald on-record –директив, Pozitive politeness – позитив этикет, Negative politeness – негатив этикет, Off-record – нодиректив) бўйича форс ва ўзбек норасмий тилидаги меҳмондўстлик ва совға улашиш нутқий вазиятлари лингвопрагматик таҳлил қилинди;

2) Меҳмондорчиликка таклиф юзасидан эронликлар маданиятида таклиф қилинган жойга, узрсиз сабаб бўлмаса, бориш зарурлиги, таклиф қилинмаган жойга бошқа бир таклиф қилинувчининг ундови билан бориш беодоблик

саналиши; ўзбек маданиятида узрли сабаб бўлмаса-да, меҳмонга бориш мажбурий эмаслиги, таклиф қилинмаган жойга бошқа таклиф қилинган кишининг ундови билан бориш кўп ҳолларда нормал саналиши каби критериялар аниқланди. Шу билан бирга, ҳар иккала халқ нутқида нодиректив ва позитив этикет стратегиянутқда етакчилик қилиши маълум бўлди;

3) Эшикдан кириш саҳнасида эронликларда камтарлик, қаршилик кўрсатиш, метафора, муболаға, тавтологияларни қўллаш билан нодиректив стратегияси етакчи эканлиги, ўзбекларда таклиф, тингловчини улуғлаш билан позитив стратегия, қаршилик кўрсатиш, тавтологияларни қўллаш орқалинодиректив стратегиянинг юзага келиши кузатилди;

4) Меҳмондорчилик жараёнида эрон ва ўзбек маданиятида самимий ҳамда носамимий сўрашишлар чоғиштирилганда эрон самимий нутқий этикет бирликлари 60%, ўзбек самимий нутқий этикет бирликлари 35% ни ташкил қилди ҳамда форс тилида позитив, негатив, нодиректив; ўзбек нутқий этикет бирликларида эса позитив ва директив стратегиялар етакчи эканлиги маълум бўлди;

5) Меҳмондорчилик якунида мезбон меҳмонни қолишга ундаш ва меҳмон узр сўраб, таклифни рад этиш таорифлари эронликлар нутқида 70%,ўзбеклар нутқида 30% ҳолатларда учраб, форс нутқий этикетида ўзбек нутқий этикети билан солиштирилганда, меҳмондорчилик якунига кўпроқ вақт кетиши аниқланди; шунингдек, эронликлар суҳбатида позитив ва нодиректив, ўзбекларда асосан позитив, кам ҳолларда директив ва негатив этикет стратегиялари етакчи бўлгани англашилди;

6) Совға бериш ва совға олиш маданиятида ҳар икки халқда совғалар муайян байрам ва тадбирлар туфайли, ёҳуд бесабаб берилиши, совға берувчи ўз совғасини паст даражада кўрсатиши ва совға олувчини улуғлаши, совға олувчи одоб юзасидан совғани “рад” этиши кузатилади. Форс нутқий этикетида совға

олиш ва совға бериш жараёнида негатив ва позитив, ўзбек нутқий этикетида негатив, позитив, директив ва нодиректив стратегиялари намоён бўлади.

3.1.2. Расмий мулоқотда қўлланувчи нутқий этикет бирликлари

Нутқий этикет бирликларини нафақат кундалик ҳаётда акс этадиган нутқий актлар, балки расмий нутқ, дипломатик суҳбатлар мисолида ҳам ўрганиш бугунги интеграция ва глобаллашув жараёнида муҳим аҳамиятга эга масалалардан ҳисобланади. Расмий нутқнинг кўлами жуда кенг, тадқиқот доираси эса серқиррадир. Расмий мулоқотда қўлланадиган этикет бирликлари тадқиқида Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари нутқи асос манба сифатида танланди. Икки давлат раҳбарлари томонидан қўлланган нутқий этикет бирликлари уларнинг халққа қилинган табриклари бўйича таҳлил этилди.

Ўқитувчилар куни муносабати билан билдирилган табрик нутқи.

Ўзбекистонда ҳар йили 1 октябрь санаси “Устоз ва мураббийлар куни,” Эронда Ўрдебеҳешт (Ўрдебеҳешт - Эрон миллий тақвимининг 2-ойи. 21 апрелдан 21 майгача) ойининг 12-санаси (2 май) روز معلم [ruze moällem] “Ўқитувчи куни” сифатида давлат томонидан белгиланган байрамлар сирасига киради. Бу кун муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Эрон Ислом Республикаси президенти Ҳасан Руҳони томонидан изҳор этилган расмий табрикларда қўлланилган нутқий этикет бирликларини лингвопрагматик тадқиқ қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти табриги:[217]

Жадвал № 23.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Аввало, **сиз**, **азиз**ларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан **чин қалбимдан**

[217] https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-ituvchi-va-murabbiylariga-bayram-tabrigi-28-09-2019

табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.....Ушбу **қутлуғ айёмда** барчамиз бизга **илм ўргатган, ҳаёт сабоғини берган жонкуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.....** Ҳақиқатан ҳам, **ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган** ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, **жасорати** ҳар қандай **юксак баҳоларга муносибдир.....**

Қадрли юртдошлар!.....

Азиз ва муҳтарам устозлар..... сизлар каби **фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.....Сизларни** Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан **яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон республикаси президенти

Эрон Ислом Республикаси президенти табриги:[218]

Жадвал № 24.

بسم‌الله الرحمن الرحیم

دوازدهم اردیبهشت‌ماه، **روز ستایش دانایی، روشنایی، شکوفایی و تعالی** است. این روز **ارزشمند** به . جای .تمامی **ملت فرهیخته و فرهنگ‌آفرین** ایران، به‌ویژه **ترویج‌دهندگان دانش و بینش مبارک باد** بسی**افتخار و سرافرازی**است که ایرانیان از سپیده‌دم تاریخ تمدن، **با منش اعتدال و خردورزیپرچمدار فرهنگ و گسترش آن در پهنه گیتی بوده‌اند.**

با **گرامیداشت** یاد و خاطره **استاد** شهید آیت‌الله مرتضی مطهری **معلم بزرگ** مدرسهٔ انقلاب اسلامی، امیدوارم **پیشقر** عرصه **علم و دانایی** بیش‌ازپیش بستر رشد خرد واعتدال اندیشه را برای نوجویان و نسل های **ایران عزیز** فراهم کنند. **توفیق** همه **تلاشگران** عرصه تعلیم و تربیت در این مسیر **دشوار** و **امیدبخش** را، **از خداوند بزرگ مسألت دارم**

حسن روحانی

رییس جمهوری اسلامی ایران

[218] http://www.president.ir/fa/77183

Таржимаси:

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм.

Ўрдебеҳешт ойининг ўн иккинчи санаси **донолик, ёруғлик, гуллаб-яшнаш ва мукаммаликни мадҳ этувчи кун**дир. Бу **қадрли кун билим** ва **маданиятни яратган Эрон миллати**га, хусусан **билим** ва **маърифат берувчилар**га **муборак бўлсин**. Эронликларнинг тамаддун тарихи бошланишидан ақл ва идрок билан **маданият ва маърифат очқичлари** ва **унинг дунёга таралишида сабабчилари** бўлганликлари биз учун **фахр** ва **ифтихордир.** Ислом инқилобий мактабининг**буюк муаллими** шаҳид **устоз** Оятуллоҳ Муртазо Мутаҳарини хотирлаб, умид қиламанки, **илм ва донолик пешқадамлари** кундан кун ўсишда давом этади ва **азиз** Эроннинг ёшлари ва авлодлари учун замин яратади. Таълим-тарбия соҳасидаги барча **жонкуярларга** бу **машаққатли** ва **умидбахш** йўлда **буюк Аллоҳдан муваффақият сўрайман.**

Ҳасан Руҳони

Эрон Ислом Республикаси Президенти

Ҳар икки давлат раҳбари нутқида қатъий белгиланган табрик нутқи бирликлари билан бирга талқиний сўз ва ибораларни ҳам кузатамиз.

“Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм” بسم‌الله الرحمن الرحیم (“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан”) ҳар бир эронлик нутқи бошида келтириш зарур бўлган бирликдир. Ундан сўнг мурожаат бирликлари қўлланилмасдан бирдан табрик нутқига киришилган. Табрик билдирилаётган кун – ўқитувчилар кунига “донолик, ёруғлик, гуллаб-яшнаш ва мукаммаликни мадҳ этувчи кун” روز ستایش دانایی، شکوفایی و تعالی ва شنایی،рудеб таъриф берилиб, у бевосита ўқитувчиларга қаратилган мақтов маъносидаги таориф бўлиб, нутқий этикет бирликларининг нодирективстратегияси, яъни тўғридан-тўғри эмас, балки таърифлар ва метафоралар билан фикрни ифодалаш усули қўлланилган. Нутқ давомида “билим ва маданиятни

яратган Эрон миллати” ملت فرهیخته و فرهنگ‌آفرین деб халқ ва миллатга нисбатан мақтовли таъриф берилиши аввалги бобларда зикр этиллган эронликларга хос ўта камтарлик характерини четлаб ўтиб, ўз миллатидан фаҳрланиш, ўрни келганда, миллатга нисбатан муболағали мақтовни қўллаш тамойилини акс эттиради. Бу ҳолатда директив нутқий этикет стратегияси - ўз фикрини тўғри (ўзи истагандек) баён қилиш намоён бўлади. “маданият ва маърифат очқичлари ва унинг дунёга таралишида сабабчилари” پرچمدار فرهنگ و گسترش آن در پهنه گیتی бирлиги ҳам юқоридаги мазмуннинг давоми бўлиб, “муболағали мақтов” билан нодиректив ва негатив стратегияни ифодалайди. Оятуллоҳ Муртазо Мутаҳарини ёдга олиш ва уни “буюк муаллим” معلم بزرگ деб аташ Эрон тарихида муҳим из қолдирган мархум шахсга нисбатан ҳурмат ифодаси бўлиб, позитив стратегия англашилади. Ўқитувчи сўзининг ўрнига “илм ва донолик пешқадамлари”, پیشقر “жонкуярлар” تلاشگران бирликларининг қўлланилиши уларга عرصه علم و دانایی нисбатан ҳурматни кўрсатади ва экспрессив маънони акс эттириб, нодиректив стратегияни билдиради. Нутқ сўнггида “буюк Аллоҳдан муваффақият сўрайман” از خداوند بزرگ مسألت دارم деб тилак билдирилиб, позитив стратегия ифодаланади.

Эрон президентининг табрик нутқи қуйидаги қисмлардан иборатлиги белгиланди:

Аллоҳ номи билан бошлаш – кунга таъриф – Эрон миллатига таъриф / муболағали мақтов – Оятуллоҳ Ҳумайнини ёдга олиш – ўқитувчиларга таъриф – тилак билдириш.

Ўзбек давлати раҳбари нутқи “Муҳтарам” - эҳтиромни билдирувчи сифат лексема билан бошланиб, позитив стратегияни ифодалайди. Табрикнинг кейинги қисмларида ҳам “Муҳтарам” сўзининг синонимлари “Қадрли”, “Азиз ва муҳтарам” бирликлари қўлланилиши ўзбек нутқида мурожаат лексемаларини қўллаш дўстона муносабатли нутқий этикет саналишидан далолат беради. “Сиз, азизлар” бирлиги билан “яқин муносабатни билдирувчи, II шахсга тўғридан-

тўғри мурожаат қилишда эҳтиром билан бирга яқинлик белгиси ифодаланади. “...чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.....” Мурожаатдан сўнг ўқитувчиларга табрик ва тилаклар билдирилади ва позитив стратегия кузатилади. Ўқитувчиларга нисбатан “илм ўргатган”, “ҳаёт сабоғини берган”, “жонкуяр”, “фидойи ўқитувчи ва домлаларимиз”, “ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган”, “фидойи инсонлар”, “келажак бунёдкорлари” таърифлари ва “чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.....”, “юксак баҳоларга муносибдир”, “таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди” каби баҳолаш бирликларини таъкидлаш билан ўзбек халқида ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат ва қадрнинг кучли эканлиги далилланади ва позитив стратегия ифодаланади. Нутқ сўнггида яна табрик сўзи айтилиб, “сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман” тарзида тилак билдирилади. Натижада позитив этикет реаллашади.

Ўзбекистон Президентининг табрик нутқи қуйидаги қисмлардан иборатлиги кузатилди: Эҳтиромли мурожаат – II шахсга мурожаат – табрик+ тилак – ўқитувчига таъриф + ўқитувчи меҳнатини қадрлаш - ўқитувчига таъриф + ўқитувчи меҳнатини ижобий баҳолаш - Эҳтиромли мурожаат – Юртда бўлаётган тараққиёт мисоллари - Эҳтиромли мурожаат - ўқитувчига таъриф + ўқитувчи меҳнатини қадрлаш –табрик – тилак.

1) Форс нутқий этикетида нутқ “Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм” بسم‌الله الـرحـمـن الـرحـيـم (“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан”) бирлиги билан бошланиши зарурий, ўзбек нутқида ихтиёрий эканлиги аниқланди;

2) Форс нутқида мурожаат бирликлари кузатилмади. Ўзбек нутқида олти марта эҳтиром кўрсаткичли сўзлар билан мурожаат қилиш кузатилди;

3) Эрон раҳбари нутқида ўз миллатини мақташда икки бор муболағага йўл қўйган бўлса, Ўзбекистон раҳбари нутқида ўн бир марта ўқитувчиларга нисбатан илиқ мақтовлар билдирган;

4) Форсий нутқидагидек мархум шахснинг ёдга олиниши ўзбек табрик нутқида кузатилмайди;

5) Эрон раҳбари нутқининг сўнггида бир бор тилак изҳор қилинган бўлса, Ўзбекистон раҳбари нутқнинг боши ва охирида тилак билдирилган;

6) Форс нутқий этикетида нодиректив, позитив, негатив, директив стратегиялар; ўзбекча нутқда эса асосан позитив стратегия ифодалангани маълум бўлди.

3.2. Ўзбек ва эрон халқнинг нутқий этикет бирликларига бўлган муносабатлари

Форс ва ўзбек тили нутқий этикетида бошқа халқлар, айниқса ғарб халқларидан фарқли равишда таориф ва мулозамат сўзларнинг фаол ва муайян ижтимоий қоидалар асосида қўлланилишини манбалар асосида кузатиб, халқнинг бунга шахсий муносабати қандай эканлигига қизиқилди.

Эрон ва ўзбек миллат вакиллари билан интервьюлар ўтказилди ҳамда ижтимоий вебсайтларда мазкур мавзу доирасида ёритилган фикрларни ҳам инобатга олинди.

3.2.1. Ўзбекларнинг нутқий этикет бирликларига бўлган муносабатлари

Ўзбек менталитетида нутқий этикет бирликлари ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми эканлиги респондентлар (48 та эркак, 52 та аёл) жавоблари асносида ҳам таъкидланди. “Керакли ўринда ва меъёрда қўлланилиши шарти билан нутқий этикет бирликлари керак” деган фикр кўпчилик томондан қайд этилди. Аммо, прагматик жиҳатдан “меъёр” ва “ўз ўрни” мавқе, географик жойлашув, ижтимоий муносабатлар, гендер хусусиятлар белгиланиши аниқланди.

Ўзбек халқида аёллар нутқий этикет бирликлари миқдор жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам эркаклар нутқидан кўра устун келиши маълум бўлди.

Таорифларни қўллаш тамойилларига эркаклар муносабати 50% га яқини ижобий, 40%га яқини нейтрал ва 10% атрофидаги иштирокчилар салбий муносабат билдирдилар.

Аёллар муносабати ўрганилганда 60% дан ортиқ (айниқса уй бекалари) иштирокчилар ижобий, 25% нейтрал, 15% га яқин респондентлар салбий муносабат билдирдилар.

Ўзбек нутқий этикет бирликларининг зарурлигига салбий муносабат билдирганларни ёшлар (18-24 ёш), ёш келинлар, ўқимишлилар ташкил этди.
